

Бу сонда:

Шоира Ҳалима Худойбердиева
билан суҳбат

Комсомол ҳаёти:
Москвадан мактублар

Ислом ва хотин-қизлар

Гулсум Шоймонованинг
пушаймони ва тавбаси

Тарбия соати

Осмон тўла варрақлар

Шеърят: қизлар гулдастаси

Навоийхонлик

Ажал чўққисида узилган ўк
(ҳикоя)

ISSN 0235—1277



ЁШҚՈՒՇ

3/1990

Аёл бахти
(14-бетга қаранг)





Гуллар чамани

Сураткаш Т. СТЕПАНОВА ва М. БОЛТАБОВ



АЁЛЛАРНИНГ КЎЗИГА ТИК ҚАРАЙЛИК

Самарқанд вилояти Ургут ноҳияси Ильич номи колхоздан Ҳафиза Шоназарова редакциямизга йўллаган мактубида шундай ёзади.

«Қишлоғимиз Мирза қишлоқ деб аталади. Унда 3 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Қишлоқдаги серфарзанд оилаларга ёрдам берадиган ташкилот борми? Менинг ўзимнинг 11 фарзандим бор. Уларни отаси вафот этган. Болаларимни тўнғичи армияда. 8 нафари мактабга қатнайди. Улар кийиниши, еб-ичиши керак. Катта рўзгор бўлгандан кейин бозор-ўчарга биронта улов бўлмаса оғир экан. Машинага навбатга ёзинлар деб райижроқўмга бордим. У ердигилар мени тингламади. Қишлоқнинг аҳволига қайтадиган бўлсам, унда бор йўғи битта магазин бор. Болаларимга у-бу олай десам, магазинда ҳеч нарса йўқ. Ҳаммом, клуб, табиий газ, деган нарсалар қишлоқ аҳлининг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Қайта қуриш қачон биз тарафларга етиб келади».

Қишлоқлардаги қийинчиликлар, ободончилик ишларига эътиборсизлик ҳусусидаги бу мактуб редакциямизга келаётган шу мавзудаги кўплаб хатлардан бири бўлгани сабабали мен Ургут ноҳиясига отландим.

Ҳафиза ая ўтган йили армияда хизмат қилиб юрган ўғлига уй қурибди. Оиланинг даромади ёмон бўлмабди. Маълумки, тамакичилик ниҳоятда кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқ. Унинг устига тамакичиликда ишлаш одамнинг соғлиғига ҳам зарар.

Ҳ. Шоназарова оиласи ҳалол меҳнат қилар экан, бу яхши. Лекин таажубки, оила қишнинг совуқ кунинда битта хонага сандал кўйиб ўтирибди. Ҳ. Шоназарова ўз меҳнат пулининг озгина қисмини ҳам ҳали ололмабди. Наҳотки маҳаллий раҳбарлар Ҳафиза Шоназаровага ўхшаш аёлларга ёрдам беролмасалар? Ҳаста қаҳрамон аёлга хизмат ҳаққини ўз вақтида бериш шунчалар қийинми?

на ҳаммом, на табиий газ бор. Мазкур муаммоларни ҳал қилишга колхознинг пули ҳам, кучи ҳам бемалол етади, албатта. Рўзибой Отабоевнинг ишбилармон раҳбар эканлигига ҳам шубҳамиз йўқ. Лекин барибир, хотин-қизларга нисбатан иззат-ҳурмат зарур.

Маҳаллий раҳбарлар юқоридан бирон кўрсатма келишини кутиб ўтирмасдан Ҳ. Шоназарова каби аёлларнинг кўнглини кўтаришга имконлари йўқми? Имконлари бор! Биз юқорида ўн бир болали хонадонда яшовчилар бир уйда тиқилиб сандал ёқиб ўтирганини айтган эдик. Табиий газ ўтказилмаган экан, ҳеч бўлмаганда колхоз ўз халқини кўмир билан таъминлаши мумкин эди-ку. Каттакон қишлоқнинг икки ёғига иккита магазин қуришнинг иложи йўқми? Сотувчи бўлишга талабгор йўқ эмиш!

Ҳ. Шоназарованинг хати туртки бўлди-ю мамлакатимиз, жумҳуриятимиздаги хотин-қизларнинг аҳволини ўйлаб кетдим. Аёл ҳориганда елкасидан юкни олиб қўйишга қодирмизми? Уларнинг кўзларида қотиб қолган мунг юракларимизни эзмайди? Бу

этадиган оғир жисмоний меҳнат ҳар қандай аёлга оғирлик қилади. Масалан, бир теримчи 100 килограмм пахта териши учун қўлларини йиғирма беш ва ўттиз минг ғўза чаноғига тимдалатади. Терган пахтасини минг машаққат билан хирмонга элтади. Пахтакор хўжаликлардаги аёлларнинг аҳволи тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Даладан ҳориб қайтганига қарамай, рўзгор юмушлари билан банд бўлишга мажбур. Мен барча хотин-қизларни қайтадан тўрт деворга қамаб қўйиш тарафдори эмасман. Аммо уларга аёллик, оналик ҳис-туйғуларини қайтаришимиз лозим. Қишлоқ аёллари турмушида ҳам, шаҳар аёллари турмушида ҳам ҳал этилмаган муаммолар



Рассом Музаффар Аъламов

Район ижрокомининг раиси Абдуразоқ Турсунов: «У аёл тузук ишлаётган бўлса, ҳақиқатдан оила машинага муҳтож бўлса, колхоз орқали навбатга туриб машина олиши мумкин.»

Ильич номи колхознинг раиси Рўзибой Отабоев: «Машинага навбатда турганлар сони ўттизта.»

Ҳ. Шоназарова ўттиз биринчи қилиб рўйхатга олинди.

Агар колхозга йилда икки-учта машина ажратилишини назарда тутсак, Ҳ. Шоназаровага навбат... XXI асрнинг бошларида тегади.

Колхоз йилига 15 миллион сўм даромад қилар экан. Шароит-чи? Афсуски, шароитни яхши дейиш қийин.

Мактаб қурилиши лойиҳалаштирилган. Бош план бўйича уйлар қуриляпти. Аммо, минглаб аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда шу пайтгача на клуб,



саволларга жавоб бериш мушкул. Нега? Теваракатрофимга қарайман. Болаларни азондан боғчага етаклаб кетаётган ҳам аёллар, автобус тиқилинчида ишга шошилиб бораётган ҳам, рўзгор деб куймаланаётганлар ҳам аёллар.

Ўзбек хотин-қизлари — етук олималар, шифокорлар, муҳандислар, ўқитувчилар элга хизмат қила бошладилар. Аммо... аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолияти асосий ўринга чиқиб оиладаги бурчи иккинчи даражали аҳамият касб этди. Жамиятимизда кўп болали оналар, уй бекаларига лоқайд, совуқ муносабат пайдо бўлди. Паранжи зулматидан чиққан заифалар оз муддат ичида эркаклар билан барабар жисмоний меҳнатга жалб этилди. Эркаклар қатори канал қазиди, пахтага сув таради, чопиқ чопди. Хуллас, қаердаки ишчи кучи етишмаса хотин-қизлар сафарбар этилди. Улуғ Ватан Уруши йилларидаги момоларимизнинг чеккан заҳматларини гапирсак, адо бўлмайди. Аёллар эркакларнинг ўрнини билдирмаслик учун кеча-ю-кундуз тиним билмадилар. Бу азоб-уқубатларни уруш даврининг қийинчиликлари билан изоҳлаш мумкин. Лекин ханузгача аёллар зиммасидаги юк енгиллашмаяптику? Айниқса қишлоқда яшайдиган хотин-қизларнинг иш ва турмуш шароити ачинарли. Уларнинг иш вақти чегараланмаган. Эрта азондан бошлаб кеч хуфтонгача давом



кўп. Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг йиғирув цехида бўлгандим. Бу йирик саноат корхонасида меҳнат қиладиганларнинг аксарияти ёш-ёш қиз-жувонлар, лекин ҳавоси ёмон, иш шароити оғир. Ахир улар оналар-ку! Шаҳарлик аёлнинг қийинчиликлари қишлоқдагидан кам эмас. Улар ҳам эркаклар қатори меҳнат қилишади, магазинларда навбат кутишади. Рўзгор юмуши, бола тарбияси ҳам шулар зиммасида.

Ўзбекистонимиздаги энг ўткир муаммолардан яна бири мактабгача тарбия муассасаларининг етишмаслигидир. Тошкент шаҳрининг биқинида жойлашган Тошкент районида боғча ёшидаги болалардан атиги 40 фоизи боғчага қатнар экан. Расмий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда доимий ишлайдиган мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш 35 фоизни ташкил этади.

Ҳайриятки, ўтган йилдан бошлаб аёлларимизга бирмунча енгилликлар берилди бошланди. Жумладан фарзанд кўргандан кейинги отпусклари узайтирилди. Бола бир ярим ёшга тўлгунча 35 сўмдан нафақа тўланадиган бўлди. Бола уч ёшгача бевосита она тарбиясида бўлиши уларнинг соғлом ўсишида аҳамияти катта. Бу аёлларимизга эътибор бирмунча кучайган деб хулоса қилишга асос беради. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ўша жамият кишиларининг маданий-маънавий қиёфаси экан, бугунги кунда аёллар дунёсидаги етилган муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал қилишга бел боғлаш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ана шундагина Ҳ. Шоназарова каби серфарзанд онахонларимизнинг турли идораларга шикоят ёзишга мажбур қилган вазият ўз-ўзидан барҳам топади.

Абдумажид АЗИМ

ҚАДАМИНГГА



ГУЛЛАР

ОЧИЛСИН

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати,
шоира Ҳалима Худойбердиева билан суҳбат

Санобар ФАҲРИДДИНОВА: — Ҳалима опа, бугун ҳар бир инсон Ҳаёт отлиғ денгизда Замоннинг шиддатли тўлқинлари ила баб-баравар сузишга интилмоқда. Бу борада одатдагидек ёшлар олдинги сафда. Улар она тили, табиат муҳофазаси, социал шароит каби жумҳуриятимиздаги қатор муаммоларга ўз муносабатларини дадил ошкор қилмоқдалар. Бу жиҳатлари қувонарли, албатта. Аммо улар руҳиятидаги айрим янгилликлар, яъни «Қаро кўзим» ни эшитишга бардош тополмаётган йигит-қизларнинг РОК муסיқаларига гиёҳвандларча берилиб кетишаётганини кўриб ҳавотирга тушасан киши. Америкалик олим Уильям Фолькнер «шоир ва ёзувчи халқни тарбияловчи қудратли кучдир» дея таърифлаганидек, бугун Сизлар айтадиган ҳар бир сўз ёшлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди, деб ўйлайман.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА: — Ҳа, табиатан ўзи шундай. Урушда ҳам, тинчлик замонларда ҳам давр юкининг асосий залвори ёшларнинг елкасига тушади. Бу — қайта-қайта замонлар, даврлар тажрибасидан ўтган ҳаёт ҳақиқатини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳамма замонда ёшларнинг олдинги сафга чиқишлари табиий ҳол. Ёшларнинг бугунги замонавий муסיқаларга берилишидан ҳавотирга тушмаслик керак. Бу давр билан, ёш билан алоқадор шекилли. Мен масалан, қадимий кўшиқларни эшитганимдагидек ҳолатга кам тушаман. Лекин бу дақиқалар шундай маҳзун, шундай ҳасратлики... Бу қадрдон дақиқалардан сираям ажралгинг келмайди.

Оқ илон, оппоқ илон
Ойдинда ётгонинг қани...
Мен ёмондан айрилиб
Яхшини топгонинг қани...

Кетган ёрдан юз ўгириш, қасоскорлик, аламзадалик йўқ бу ғамангиз сатрларда, оҳангларда. Агар бўлганида бу кўшиқ халқ орасида у қадар узоқ яшаб қолмаган бўларди. Қизиқ-да, Санобар, бизнинг кўшиқларимиз, айниқса қадимийлари ҳаёт билан қанчалар ҳамоҳанг. Маъшуқанинг кўнглида ҳамон ҳайроналик. Озгина юракни эзар, эритар даражадаги гинахонлик...

Менинг кўнглим Сен билан-о,
Сен кетарсан ким билан
Қадамингга гуллар очилсин...

«Биров» билан кетаётган ёрнинг қадамларида гуллар очилмоғини исташ... Аждодим, нури-дийда моможонларимнинг беҳиштий эпкинлардай юзларимни силоччи этакларини ўпаман. Мунча танти, шикаста кўнгли, мунис бўлиб яралмасангиз!

Ахир, одам деганимиз биз ҳарчанд «буюк инсон» деб таърифини осмонга олиб чиққанимиз билан пайти келганда, айниқса ҳижрон кунларида ёлғизланиб қоладиган, меҳру-муҳаббатга, шафқатга муҳтож, атрофида айрилиқ изғиринлари эсиб ётган танҳо, узилай деб турган япроқдайгина юрак-да. Бу ҳақда Улуғ Рабиндранат Тагорга етказиб айтган одам кам бўлса керак: Сокин оқар дарё салобатидай, гулдурсидай бу сатрлар унинг «Бир аёл ҳасрати» шеъриндан:

Қалбингни очганингда эшигидан кирдим мен,
Истар эдим қалбингни бутунлай эгаллаин.
Унда менга ўрин йўқ. Қайтишга боркан эшик,
Бу эшикдан чиққан йўл-дўзах йўли, даҳшатли.
Ғуноқорман, аммо мен кимдан ҳам ўпкалайин?

Фақат сени севганда мен тушуниб олдимки, Оламда муҳаббат бор. Муҳаббат зўр куч экан. Мен ёлғизлик дардида оҳу-зорни англадим, Мен маъшуқанинг ҳажрида интизорни англадим, Англадимки, севгисиз молу дунё пуч экан.

Мана шу, болаларимиз, ёшларимизни тарбиялаш маъносида ҳам биз қадимий қадриятларимизни тиштирноғимиз билан асрашимиз керак. Уларни ҳаётга энгил-елпи қарамай, бир-бирларини қадрлашларида, сабр-тоқатли бўлишлари, «масалаларни кескин, шитоб ҳал қилавермай, етти ўлчаб бир кесишлари, кечирувчан бўлишлари»да бу қадимги кўшиқлар оқила онадай мададга келади. Бу кўшиқларни қабул қилиш — қилмаслиги энди уларнинг ўзигагина боғлиқ эмас. Бу ерда фақатгина уларни айблаб бўлмайди. Ахир, фарзандларимиз осмондан тушмагани, уларнинг бор нуқсонларини осмонга ағдариб қутулсак. Улар бугунги — сиз билан биз яратган муҳитнинг, бизнинг уйимизнинг, тарбиямизнинг маҳсули. Уларнинг айримларида «рок»ларга ўта ишқибозлик ҳоллари бўлаётган экан, бу хусусда энг аввало ғуноҳни ўзимиздан, шу кунги яшаш шароитимиздан қидиришимиз керак. Демак, биз уларга етарлича вақт, имконият, меҳр ажратолмабмиз. Албатта, бу ерда биз оналарнинг эртадан кечгача давлат ишида, кечқурун рўзгор юмушлари билан бандлигимиз, хонадонун, жамият томонидан «ўта сийланганлигимиз» ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Лекин бу ҳам асосий сабаб эмас. Шароит куллари бизнинг юрагимизнинг у ер-бу ерларида милтиллаб турган чўғларни ҳам кўмиб юбормаслиги, биз улар билан болаларимизнинг мурғак юракларига зиё олиб киришимиз, уларни чўғлантиришимиз, руҳлантиришимиз керак.

Нақддан келсанг, отам демоқ азмойишли,
Онам демоқ, ярашиқли, намойишли,
Ёраб, бандам деганини бўзлатмасин
Таёқ тираб «болам» демоқ мушкул ишдир.
Асрим унинг қон кўйлагин бошга ўра,
Аёлдан шу ўғлон учун узр сўра.

Мен «Ҳиндикушдан нола келди» сарлавҳали шеъримдаги мана шу сатрларни тўлиғича онам Қаршигул Ҳоназар қизидан олганман. Энди мен ўз болаларимга «Эслаганда айтиб юргулик, ёмон йўллардан қайтиб юргулик» нима айта оламан, гап мана шунда. Бизни манқурт қилиб яратмаган эканлар, бизнинг ҳам фақат ўзимизни ўйлаб яшаш, ўз умримизни амал-тақал яшаб тугатар эканмиз, ортимизда манқуртлар қолдирмоққа ҳаққимиз йўқ. Бу — бугун бизнинг юракларимизни зирқиратадиган, агар биз шу бугуноқ тадоригимизни кўриб, жиддий ўйлаб иш бошламасак, эртага кўз ёшимизни тирқиратадиган даражадаги фожиамизга айланадиган катта миқёсдаги масаладир.

С. Ф.: — Ёшлар — йигит-қизлардаги қандай фазилатларни қадрлайсиз?

Ҳ. Х.: — Йигитлардаги курашчанлик, шиддат, ҳар қандай пайтда ўзини қўлга ола билиш, ўзини тиклаш, олдинга ўта олиш жасорати, қизларда эса ҳаё, ибо билан йўғрилган дадиллик, фикрлилик.

С. Ф.: — Мана анча йиллардан буён шаҳардасиз. Туғилган жой деганда кўнглингиздан кечадиган йўллар...

Ҳ. Х.: — Туғилган жой, она ҳақида, севимли кишинг ҳақида... гапириш қийиндай туюлади менга. Улар то сўнги нафасинггача кўксингда кўтариб юрадиганинг — табаррук муқаддас масканлару, уларни кўз-кўз қилишга, улар ҳақида сўз айтишга ҳар доим ҳам ботинавермайсан... Боёвут ҳақида шеърларимдан бири.

Улуғбекка

Жоним ўғлим, қанотсизга сен қанот бўл,
Узга ўз бўл, эгилмагин, ётга ёт бўл,
Ерга қара, босиб кетма, эҳтиёт бўл,
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Майли болам, қайда гул оч, қайда кўкар,
Боёвутда бир ғўша бор, чекка, чўкар.
Дарахтлари олмаларин йўлга тўкар
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Қутлуғ болам! Бугун бахт-ла топишганинг
Аммо кеча, сумалакка тош тушгани,
Энажонга «олиб бер», — деб ёпишганинг,
Кўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Дерди «Худо, шу гўдакка толе бергин»
Сен эркинсан, ул ерларда тагин эркин
Мен борми, йўқ, бор, жон болам, боравергин,
Дилингдаги хотирани ўлдирмагил

Сени бердим катта элга, катта юртга,
Меҳринг билан кўнгли илҳақ, кўзи тўртга,
«Энажон» деб бош ур болам, Боёвутга
Тилингдаги хотирани ўлдирмагил.

С. Ф.: — Илк шеърларингиздан ҳеч уялганмисиз? Қайта қуришни қандай тушунасиз?



Х. Х.: — Йўқ, одам ўзи уялиши мумкин бўлган нарсани матбуотга бермайди. Ундан кейин... Сиз айтган қайта қуриш ҳақида... Менинг ҳис этганим шу бўлдики, биз ҳар доим айтиб келаётган гапларимизни илгаридай қимтиниб, йўл қидириб эмас, энди ошкор, баралла айтаяпмиз. Бу жуда катта гап. Бу тўлиқ маънода ростликка олиб бораётган йўл. Бу кўп кўнгилзадалликлар, тўғри гапнинг тўқмоғидан эзилла-эзила гунг бўлиб, «ичимдан топ» бўлиб қолган кўпчилик одамларимизнинг тилини чиқараётган, фикрлашга ўргатаётган фасл. Аммо зинҳор ҳўлу-қуруқ баравар ёниши, бор қуриланг бинолар бузилиб, ҳўпорилиб ташланиб, қайтадан қурилиши кераклиги ҳақидаги бўйруқ эмас. Дарз кетган, таъмирга муҳтож бинолар, таъмирга муҳтож муносабатлар, ҳаракатлар қайта қурилиши керак...

С. Ф.: — Адабиёт сиёсатсиз яшай оладими!

Х. Х.: — Сиёсат, бу — ўзгариши кўп бўлган ҳодиса. Адабиёт эса доимий кўнгил дардлари, интиқлари, орзулари. «Ватан адабиёти»ни мен Ватаннинг катта дардлари бўлиши керак деб тушунаман. Аммо бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Адабиёт сиёсатга, маддоҳликка ўтса унда у халқ онига таъсир этиб, унинг маънавий ўсиши, бир қадам олдинга силжиши учун эмас, халқни «ура-урачи қарсақбозларга, ҳайбаракаллачиларга айлантиришга хизмат қилади. Биз бу ҳодисанинг жонли шоҳиди бўлдик. Карл Маркснинг машҳур гапини эсланг «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак». Езувчи, шоирлар эса боя айтганингиздай «халқни тарбиялайди».

С. Ф.: — Аёлнинг маънавий камолотида шахсий ҳаётнинг таъсири бўладими!

Х. Х.: — «Ёмон билан гўрингда қўшни қилмасин» деган гап юради элда. Қаранг-а, одам зоти тирик-лигидагина эмас, ўлганидан кейин ҳам ёмон билан қўшничиликдан қочади. Аёлларнинг ранги-рўйига қараб эрининг қимлиги, эрининг юриш-туришига қараб хотини ҳақида батафсил фикр айтиш мумкин. Бу ҳақда қадимий қадриятларимиздаги битиклардан, халқдан ўтказиб гапириш, ёзиш мушкулдир. Қарангки, эр билан хотин бир-бирининг айбини беркитувчи, ёмонини яширгувчи ҳам экан.

Қуръони Каримнинг Бақара сурасида мана бундай зикр этилган: «Улар (хотинлар) Сизлар учун либосдир, Сиз эса улар учун либосдирсиз». Бундан чиқадими, аёл билан эркак бир-бирини яланғочликдан, бепардалик, обрўсизликдан асраб экан-да. Баъзан энгиллоқ аёлларнинг дуч келган одам ҳисобига бойишининг, ҳар кун минг хил ялт-юлт кийинишининг ҳақиқий либос ўрнига ўтмаслиги, унинг яланғочлигини... беркитолмаслиги шундан экан-да. Эркакка ҳам, аёлга ҳам либос, ҳар қандай кунда иссиқ, совуқдан ҳимоя қилиб олиб чиқиб кета оладиган либос зарур. Оилада аёлнинг баърига шамол тегиши, сиз айтгандай «юксалиши» учун маънавий устунлик вазифасини эр ўташи, шубҳасиз.

Гап, Санобар, ана шу устуннинг қай даражада мустаҳкамлигида.

«Аёл фидоийликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилиши ҳам билади», — дейди И. С. Тургенев. Бизнинг маънан ўсишимиз учун беминнат мардлик билан тутиб берилган елкаларни, қўллар, кўзлар, сочларни... Ҳар бир толасини тавоб қилиб, кўз устида асрамоқ — ҳар бир севилган аёлнинг тириклик дунёсидаги завқ билан, ишқу муҳаббат билан бажарадиган ҳар кунлик кўнгилли юмушига айланмоғи керак.

С. Ф.: — Фикрлар ҳар хиллигига қандай қарайсиз!

Х. Х.: — Яхши қарайман. Фақат биз бу фикрлаш, баҳслар сўнгида нимагадир эриша олсак. Криловнинг «Оққуш, чўртанбалик ва қисқичбақа»сини эсланг. Агар биз ҳар хил фикрлар ишни мана шу масалдагидай ҳар томонга тортаверадиган бўлсак, бу яқин йилларда бизнинг аҳволимизни на съезд, на депутатлар, ҳеч ким ўзгартира олмайди. Ахир аҳвол фақат гап билан эмас, конкрет ишлар, натижалар билан ўнғланади.

Авалло аҳволимизни ўнғлаш хусусида тезроқ жўяли тўхтамларга келиш (Айтиш керакки, съезд бу борада анчагина ишларни амалга оширди) ва шу йўналишда кучларни бирлаштириб, аниқ мақсадлар билан иш олиб бориш. Фикрлар ҳар хиллиги «фақат мен ҳақман» деб оёқ тираб туриб олишга, ҳеч ким билан ҳисоблашмаслик, анархияга, ҳар кимнинг хоҳлаганча «шоҳ ташлаши»га олиб борса, бу ёмон белги. Тартиб, биринчи галда тартибни йўлга қўйишимиз керак. Давлат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, қолаверса ўз шахсий уйимиздаям. Бош-бошдоқлик ҳеч қачон яхшиликка олиб бормеган.

Ҳаммадан фикр эшитиш, баҳслар тарафдориман. Фойдали фикрларни ҳар тарафдан, ўнгданми, сўлданми, дўстанданми, душманданми ҳаммадан ола бишни ўрганишимиз керак.

Қатъий тартиб йўлга қўйилмас экан, кучлар ақл

билан бирлаштирилмас экан, бугунги таназзул, но-чор аҳволдан чиқиш, чўкиб бораётган бугунги кун машинасини жойидан қўзғатиш, олдинга жилдириш жудаям мушкул.

С. Ф.: — Швецияда аёл ўқитувчилар сони 6% дан оша парламентда норозиликка сабаб бўларкан. Бизда иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 96% ни ташкил қилади. Бу ҳол медицина соҳасида ҳам кузатилади.

Х. Х.: — Мана шу сиз айтган 96% нинг ўзи кўп нарсадан гувоҳлик бериб турибди. Мамлакатда болалар, ёшлар орасидаги безорилик, ўғрилиқ, қотиллик каби ҳодисалар кескин даражада кўпайди.

«1989 йилда, — деб ёзади «Московские новости»нинг шу йилги 7 январь сониди ҳуқуқ фанлари доктори Игорь Карпец, — ўсмирлар томонидан 200 мннг қотиллик содир этилди. Агар биз 1990 йилда шу кўрсаткични ушлаб туrolсак, буни бир қадам олдинга ташлаш деб баҳолаш мумкин. Негаки, кейинги ўн йилликнинг ҳар бир йили бизга бир-бирдан юқори кўрсаткичларни олиб келди».

Карпец айтгандай «ушлаб туриш», камайтириш учун эса бу масаланинг илдииз сабабларини чуқур ўрганиш, зудлик билан уларни бартараф этиш чораларини топиш керак бўлади. Мен мана шу аёл ўқитувчилар процентининг юқорилигини бу кўнгилсиз ҳодисаларнинг жиддий сабабларидан бири деб ўйлайман.

Утган йили, такрор айтаман, иттифоқда 13—14 ёшдаги уч минг мактаб ўқувчилари — ўсмир қизалоқлар фарзанд кўрдилар. Уч минг оилада ҳали балоғатга етмаган боланинг қилмиши устидан кўнгилсизлик, дилсиёҳлик, тушуниб-тушунмай бу йўлга кирган қизчаларнинг кўнгилларида таҳлика, қўрқув... қай бирларида қайсарлик, асабийлик. Ҳаётни хали боғлаб улгурмай ундан қўл силташ, ҳали кўклам келмай ҳаво илиқлигига алданиб очилишга шошилган, аммо киш совуғи уриб, қовжирган гунчадек сулиш, туйғулар инкирози...

Мана шу биргина фактнинг жамиятга келтирадиган маънавий зарари ҳақида ўйлаб кўрганмисиз ва шу зарарда аёл ўқитувчиларнинг «ҳиссаси» ҳақида-чи...

Муҳаммад Қутбнинг «Ислоҳ ва аёл» асарида айтилишича, бирор масалада фикр билдириш, гувоҳлик бериш учун бир аёлнинг фикри билан кифояланмас экан. Сабаб, аёл (эркакка нисбатан) кўнгилчан, кўнгил туйғулари, оний эҳтирослари билан (ён босибми, рад этибми) ҳукм чиқарар экан. Шу сабаб ҳам чиқарилган ҳукм ҳамиша ҳам тўғри бўлавермагани учун ёнига бир аёлни қўшиб беришар эканки, мабодо бири янглишган тақдирда бошқаси тўғри фикрлайди, — маъносида. Бизнинг (аёлнинг) яхши хусусиятимиз, ўша кўнгилчанлигимиз ҳам баъзан тарбияда бизнинг фойдамизга бўлмаслиги мумкин. Эҳтимол бу ерда эркакларнинг (оталарнинг) қаттиққўллиги, совуққон муҳокамалари кўпроқ зарурдир. Болаларнинг айнақса, юқори синфларда характерлари яна қийинлашади, уларнинг баъзилари ўзгалар фикрини тан олмасликлари, қизларнинг баъзилари янада «ичимдан топ» бўлиб қолишлари ёки бунинг акси, ўқитувчи билан тенгма-тенг олишишлари, буларнинг ҳаммаси муаллимдан қанчалик кўп руҳий, жисмоний куч талаб қилиши кўриниб турибди. Синфдан йиғлаб чиққан ўқитувчини ҳар хил тушунадиган болалар бор.

Баъзан аёл ўқитувчиларда боланинг ҳолатини тушуниш учун кенглик етишмаслиги мумкин. Албатта, бунинг сабаблари ҳар хил. Айниса бизнинг қишлоқлар шароитида камида 5—6 бола, рўзгор ташвишлари, ҳовли-томорқа дегандай. Ҳар икки кунда бир тандир нон, нонни ёпиб олгунча ҳеч бўлмаса 3—4 соат вақт кетади. Бунинг устига мол-ҳол... Бир-бирдан майда, кўп вақт, жисмоний куч талаб қиладиган бу ишлар конвеерга оғирлик қилар. Яна бунинг устига боғча-ясли йўқ жойлар, ёки бор бўлсаям турли сабаблар билан ҳафтада бир кун ишласа, бир кун ишламайдиган боғчалар. Коляскаси билан мактабга келган муаллимларни биламан. Қўлидаги гўдагини каттароқ боласига бериб дарсга кирадилар. Тасаввур қилинг, ташқарида, муштдай боланинг қўлида чирқираб юрган чакалоғи энтиқиб турган аёл қайси ҳаёлда дарс ўтади?!

Утмай деса, бутунлай ташлай шу ишни деса, тирикчилик тошдан қаттиқ, кун ўтмаса... Эрининг 70—80 сўм ойлиги билан яшаб бўлмаса...

Шунақа, муаммонинг бири ҳақида гап очсанг бошқаси занжирдай уланиб келаверади. Шунга қарамай, аҳволнинг қанчалик мушкуллигига қарамай йўл қидириш керак. Маориф соҳасида аёлларнинг кўпчилиги ўзини унча оқламади.

Бу иш характер жихатидан ҳам, рўзғорда бандлик жихатидан ҳам, (айниқса бизнинг халқда эркаклар рўзғорда аёлдан бир неча баробар эркин дейиш мумкин) эркакларга кўпроқ мос эканини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди.

Шунга яқин фикрни медицина соҳасида ҳам айтиш мумкин. Табобат кишилари орасида ҳам аёллар кўпчиликни ташкил қилади.

Бугун жумҳуриятимиздаги ижтимоий, маиший, маънавий аҳволнинг кўнгилдагидек эмаслиги ҳамма-мизга беш қўлдек маълум. Аёллар касалликлари, болалар касалликлари, ўлими, даҳшатли дор тўлқинлари, дарё тўлқинлари янглиғ бостириб келаяпти. Бу катта, қўрқинчли оқимга тўғон бўлиб туша оладиган, тўхтата оладиган қудратли кучлар керак бугун. Медицинада аёлларнинг кўп бўлгани ёмон эмас. Лекин уларнинг ҳаммаси аёллиги, ҳаммаси фарзанд кўриши кераклиги, декрет отпускалари баъзан бир-бирига уланиб кетиб узоқ йиллар ишда бўлмасликларини (бунга улар ҳақли албатта) ўйлаб кўрайлик. Бу «бўлмаслик» оқибатида уларнинг сонини кескин даражада камайиши (бизда врачлар ҳамиша етишмайди), узоқ муддат ишдан йироқлашиш сабаб врачлик малакаси, ўқувининг сезиларли даражада пасайиши, бу каби факторларнинг ҳаммаси умумий соғлигимизнинг пасайиши, аҳволимизнинг янада ночорлашишига олиб келади.

Ҳозир декрет отпускалари муддати чўзилди. Бу жараён, эртанги кунимиз, гўдақларимиз соғлигини кўзда тутган бу хил эзгу ишлар бундан кейин ҳам шу йўналишда давом этаверади.

Албатта, бундай шароитлар биринчи галда медицина соҳасида ишлаб турган аёлларимиз учун ҳам яратилади.

Бундай ҳолда яна эркакларимиз юкнинг оғирини ўз елкаларига олишларига тўғри келаяпти. Медицина соҳасида ишлаб турган аёлларимиз учун ҳам миллат болаларини жалб этиш, ўқиниши битиргач имкон қадар уларни ўз келган жойлари, қишлоқларига ишга жўнатиш керакки, ҳеч ким ўша жойлар, одамлар характери, хусусиятини уларчалик чуқур билмайди.

Ўқув программаларига мутахассислик бўйича амалий машғулотлар билан бирга маънавият дарслари ҳам кўпроқ киритилиши, ҳар ким ўз туғилган маскани, қишлоғи, одамларини ҳар томонлама мадад бериб ўзи кўтармаса буларни ҳеч ким келиб кўтариб бермаслиги ҳақидаги талабчан туйғуни уларнинг ҳар бирига сингдириш керак бўладики, бу уларнинг кўнгида ўзини ўстирган халқи олдида масъуллиқ, жавобгарлик, шу билан бирга ўша жойга эгалик, жинглик туйғусини шакллантиради.

Бу фикрлар, бу йўллар менга қайсидир маънода жамиятнинг кўтаришига, аёллар, эзилган аёллар елкаларидаги юкларининг қанчадир қисмини олишга ёрдам берадигандек туюлаяпти.

С. Ф.: — Сизнинг ҳам муҳаррир, ҳам шоира сифатида олиб боражак эзгу ишларингизда омадлар тилаб, «Еш куч»нинг ярим миллионли ўқувчилари номидан халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклашга ижозат этсангиз...

Х. Х.: — Раҳмат. Мен ҳам мунис аёлларимизни, дилбар қизларимизни Наврўз айёми билан муборакбод этаман.

Сўхбатни Санобар ФАХРИДИНОВА олиб борди.



ДАВР САБОҚЛАРИ



Фаргона вилояти
комсомол қўмитасининг биринчи котиби
Адхам ОРЗИМАТОВ.

Вилоят комсомол ташкилотининг XXIV ҳисобот-сайлов конференциясидан буён ўтган вақт областимиз комсомол қўмиталари учун ўз фаолиятларини қайта қуриш, комсомол ёшлар билан ишлашнинг янги шакл ва методларини излаб топишда жиддий синовлар даври бўлди.

Вилоят комсомол қўмитаси, шаҳар ва район комсомол қўмиталари, бошланғич комсомол ташкилотларининг диққат марказида ёшлар ичидаги тўпланиб бораётган бутун дардни ёриб берган ВЛКСМнинг XX съезди, Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга оширишга ёшлар ғайратини жалб қилиш турибди.

Маълумки, коммунистик ёшлар союзининг бош вазифаси йигит ва қизларни тарбиялашдир. Комсомол ёшларнинг меҳнат ва жамоат активлигини мунтазам ошириши, уларда марксча-ленинча дунёқарашни, сиёсий ва ахлоқий маданиятни шакллантириши тинчлик ва социализм ғояларига учун тарихий маъсулиятни англаб етишларига ёрдам бериши зарур.

«Фақат ишонч ва маъсулиятгина, давлат аҳамиятига эга бўлган катта вазифаларни бажаришга, сиёсий масалаларни, ахлоқ ва тартибни яхшилашга дадил жалб қилишгина ёшларимизнинг активлигини оширади, уларни социализм ғояларига янада садоқатлироқ қила олади.» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг бу сўзларида партиямизнинг ўсиб келаётган авлодга жиддий муносабати акс этган.

Фаргона вилояти комсомол ташкилотида ҳам кўпгина муаммолар тўпланиб қолди, албатта. Биз ҳам фаолиятимизни қайта қуришда тинимсиз изланаямиз, бу ҳақда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда ҳам айтиб ўтилди, лекин

кўзга кўринарли ўзгаришларга эришганимизча йўқ. Бугун ишимизнинг муваффақиятсиз томонлари ҳақида ҳам очиқ фикрлаш вақти етди.

Минбарлардан ҳар бир кишининг онгига етиб бориш тўғрисида бонг ура туриб иш шаклимизда ҳам «ёшлар оммаси» билан ишлаш асосий ўринни тўтаётганини ичимизга яширишга ҳаракат қиламиз. Шунанг олиш керакки, биз бюрократизм турларига ўралашиб қолдик, кўпроқ ёғимизга ўзимиз қоврилаямиз, ёшлар ижтимоий-сиёсий онгининг даражаси ҳақида аниқ тушунчага эга бўлмай туриб кўр-кўрона тадбирлар қабул қилаёмиз ва уни бажаришга ўзимиз елиб югураямиз.

Бизнинг фикримизча ишимизнинг ана шундай аҳволга келиб қолишига асосий сабаб областимиз комсомол ташкилотлари фаолиятининг даражаси, шакл ва методлари коммунистик тарбиянинг замонавий талабларига мос келмаслигидир.

ВЛКСМ Марказий Комитети ташаббуси билан ташкил этилган ёшлар илмий-техника ижодкорлигининг ягона давлат системаси совет ёшлари ижодкорлик имкониятларини юзага чиқариш учун жуда катта шароит яратиб берди. Ҳозирги кунда ҳамма шаҳар ва районларда, жойларда илмий-техника ижодкорлигини ривожлантирувчи координацион кенгашлар тузилган. Бундан ташқари вилоятимизда ёшларнинг илмий изланиш ва техника ижодкорлиги фаолиятига жалб қилишнинг ижобий тажрибаси мавжуд. Шулардан бири бақувват марказларнинг эндигина оёққа тураётган ёшларга моддий-техникавий ёрдам беришдир. «Поиск» ЕИТИ маркази даромаднинг маълум қисмини жалб қилиш билан Олтиариқ, Бувайда, Фарғона, Киров, Қува, Охунбобоев, Риштон, Тошлоқ район-

МОСКВА ДАН МАКТУБЛАР

Ёшларнинг сиёсий ташкилоти саналмиш комсомолда қайта қуриш қай йўл билан бормоғи зарур? Бу саволга республикамизнинг 3 миллионли комсомол-ёшлари ўз дунёқарашлари, сиёсий онглари нуқтаи-назаридан турлича жавоб беришлари аниқ. Мухбиримиз Москвадаги Олий комсомол мактабида ўқиётган ўзбекистонлик ёшларга «Ёш куч» журналининг бир қатор саволлари билан қилган мурожаатида энг аввало юқоридаги муаммо билан қизиқди...

«Ёш куч» журналининг анкета саволлари:

1. Сиз комсомолдаги қайта қуришни қандай тушунаси?
2. Комсомолнинг бугунги обрўси ҳақида бўлғуси комсомол етакчиси сифатидаги мулоҳазаларингиз...
3. Ўзбекистонга қайтганингиздан кейинги ўз фаолиятингизни қандай тасаввур қиласиз?
4. Қисқача таржиман ҳолингиз.
5. Бугун мамлакат қудратли бўлиши учун республикалар қудратли бўлмоғи зарур, деган фикрлар бот-бот айтиляпти. Ўзбекистон қудратли республика бўлмоғи учун нима қилмоқ зарур?



Гофир Ражабов, ВЛКСМ Марказий Комитети қошидаги Олий комсомол мактабининг IV курс тингловчиси:

1. Комсомолдаги қайта қуриш бу энг аввало ҳар бир комсомолнинг ўз мақсад ва вазифаларини

аниқлаб олмоғидан бошланади. Бунинг учун эса кўз олдимизда жимирлаб турган реал ҳаётдан келиб чиқиб иш тутмоқ, режа белгиламоқ даркор. Марксизм-ленинизм классиклари бир-бирларига «дўстим, назария қуруқ бир нарсаси, ҳаёт дарахти эса доим тирик — гуллаб-яшнаб, тасаввурларимизни ўзгартириб туради», деб беҳуда айтишмаган. Кечагина бутун жамият, хусусан ёшлар учун актуал бўлиб турган нарсаси, бугунга келиб ўзгарди. Комсомоллар учун бу янгиликларни илғаб ҳаётга татбиқ этиш муҳим вазифадир.

2. Ҳа, биз бугунга келиб комсомол ўз обрўсини йўқотиб қўйди, деймиз. Бунинг сабаблари кўп. Энг аввало, менинг назаримда комсомол ҳаётӣ, актуал муаммолардан чекиниб, турғунлик йилларида маъмуриятнинг югурдагига айланиб қолганлиги унинг обрўсини тўкиб қўйди. Яъни у ёшлар манфаатини ўзининг тор манфаатлари йўлида қурбон қилди. Уйлашимча, республикамизда ҳозир ҳам баъзи комсомол раҳбарлари ўша жойдаги маъмурият ва идораларнинг ёшларни идора қилиш бўйича қуролига (Сталин ибораси билан айтганида асбобига) айланиб қолган.

Комсомол илгариги шон-шўҳратини тиклаш учун мана шу иллатидан тезроқ қутулмоғи зарур. Биз комсомолларнинг сони камайиб кетишидан чўчимаслигимиз керак. Аксинча уни сифат жиҳатидан янгилаш учун курашмоғимиз зарур.

3. Бу йил мен Олий комсомол мактабини тугалламан. 4 йиллик ўқиш мобайнида мен жуда кўп билим, тажриба ўргандим. Юртимизга қайганимда мен ёшларимиз ҳар тарафлама, биринчи навбатда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан саводли, баахлоқ бўлишлари учун бор кучимни аямайман.


4. Андижон областида туғилганман.
5. Республикамиз қудратли бўлмоғи учун аввало асосий маҳсулотларнинг (пахта, пилла, қорақўл, маъданлар) давлат харид нархларини ўз даражасига кўтариб, кейинчалик регионал хўжалик ҳисобига ўтиши керак.



Эркин Алиев, Олий комсомол мактабининг II курс тингловчиси:

1. Ўз вазифасини бажариши — ёшларнинг авангарди бўлиши учун комсомол энг аввало ёш инсонларнинг ишлаш олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши, жилақурса, унинг ташаббусига (пастан ёки тепадан) халақит бермаслиги зарур. Бу менинг шахсий фикрим.

2. Комсомолнинг обрўси ҳақида бўлғуси етакчининг мулоҳазалари қандай бўлиши мумкин? Сиз ҳақсиз. Ҳар қандай ташкилотнинг обрўси унинг ўз олдига қўйган мақсади ва сафидаги одамларининг қандайлиги билан белгиланади. Афсуски, илгари (ҳозир ҳам) комсомолга амалпарастлар кўп суқулиб юриб олган. Бундайларни мен совунга ўхшатгим келади. Улар ҳар қандай доираларда силлиқ иш тутадилар. Маърузалари ҳам, ўзаро муомалалари ҳам силлиқина. Улар партияга силлиқина ўтишади. Уша ердаям «сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам» қабилда силлиқина иш юритиб бирон-бир силлиқина амалга етишадилар. Хайриятки, ёшларнинг кўзи очилиб ўзларига раҳбар сайлашда бунақа силлиқнусха буқаламунлардан юз ўгиришяпти. (Ўзбекистонда ҳам шундай хайрли ишлар бошлан-



лари координацион кенгашларининг илмий техника ижодкорлигини ривожлантириш жамғармалари ҳосил қилинди.

Комсомол ташкилотлари фойдали меҳнатдан ажралиб қолган ёшларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш устида нўноқлик қилиб келмоқда. Бугунга кунда 20 мингдан ортиқ ёшлар фойдали иш билан таъминланмаганлиги областимиздаги ҳар бир кишига аён, лекин очик тан олиб айтишимиз керакки областимиздаги бир неча саноат ва қурилишларга юзлаб ишчи кучлари керак, яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кейинги 2-3 йилда комсомол зарбдор қурилишларига ҳам областимиз ёшларини юбориш ўта самарасиз бўлиб қолди, санокли юборган ёшларимиз эса 2-4 ойдан ўтмасдан ўз юртиларига қайтиб келмоқдалар.

Бу эса комсомол комитетларимизни бу борадаги ишлари қониқарсизлигидан далолат беради холос.

Комсомол ташкилотларини асосий вазифаларидан бири озиқ-овқат программасини бажаришда ўз ҳиссасини қўшишдир. Бу борада областимизда энг самарали ишлардан бири ўтган йили тузилган комсомол-ёшлар кооперативларининг ҳиссаси бўлди. Ҳозирда 390 гектар мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар район комсомол қўмиталари қошида ташкил этилган комсомол-ёшлар кооперативлари ихтиёрига бериб қўйилган. 100га яқин кишилар жалб этилиб 40 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Мақсад: халқнинг чорваси учун озуқа етказиб бериш ва бозорларда полиз маҳсулотларини оз бўлсада халққа арзон нархда етказиш. Лекин бу савобли ишнинг жуда кўп қийинчилик ва камчиликлари биз ёшлар ташкилотларини гангиратиб қўймоқда.

Байналмилал тарбия тўғрисида тўхталадиган бўлсам, ўтган йили июнь ойидаги Фарғона воқеалари бизни байналмилал тарбия соҳасидаги ишларимизда гўё ғалвир сувдан кўтарилди, қилинган ишлар оққа, қораси қорага ажралиб қолди. Тўғри, комсомол ташкилотлари июнь воқеаларига умулан ишни ёмон олиб борган десак биров ноўрин бўлар. Чунки вилоят комсомол қўмитаси бюросининг айниқса апрель (1989) ойида Риштон районида ўтказган пленуми ўта муҳим ва зарур масалани муҳокама қилди. Пленум қатнашчилари докладда келтирган нуқсон ва етишмовчиликларни вилоят доирасида ҳал этиш мумкин эмаслиги тўғрисида очикдан-очик ўз фикрларини билдирдилар. Пленумда ўша кунларда очилиши кутилаётган СССР халқ депутатларининг I съезди номига мурожаат қилишга қарор қилинди. Мурожаатномада СССР Олий Советининг лаёқатли иқтисодий комиссияси вилоятимизга таклиф қилинди. Пленумда сайланган ишчи комиссияси 5 май кунини СССР Олий Совети Президиуми номига телеграмма тайёрлаб юборди. Пленум вилоят комсомол қўмитаси бюросига тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан комсомол ташкилотларининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқишини топширди. Лекин минг афсуски, вақт бой берилган эди, фожиали воқеалар бизни ортда қолдириб кетди. Кейинги йилларда ёшларнинг бўш вақтларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. СССР Министрлар кенгаши қабул қилган «Комсомолнинг хўжалик ишларига ёрдам бериш тўғрисида»ги қароридан кейин бу соҳа фақат зарар келтирадиган соҳадан фойда келтиришга ўтди. Бугун комсомол ташкилотларимизда 11та маданий, ўз-ўзини маб-

лағ билан таъминловчи марказлар ишлаб, комсомол комитетлари билан ҳамкорликда минглаб йигит ва қизларга бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ёрдам бераёпти.

Вилоятимизда 6 мингдан зиёд байналмилал жангчиларимиз бор. 167 нафар комсомол-ёшларимиз ўз жонларини қўшни халқ учун қурбон қилдилар.

123 нафар инвалидлар бор, лекин вилоят, район ва шаҳар комсомол қўмиталарини олиб бораётган ишлари ўзимизни ҳам кўпинча хижолат қилиб қўяди. Барча шаҳар ва районларда байналмилал жангчилар советлари ташкил этилган, фаолияти эса биз ўйлаганчалик ижобий эмас. Ўтган йили фақатгина бир неча инвалид бўлиб қайтиб келган байналмилал жангчиларимизга иқтисодий ёрдам бердик холос. Жойлардаги таклифларни ҳисобга олиб вилоятимиз марказига «Едгорлик» қўйиш учун иш бошлаганимиз, лекин бу борадаги ишларимизда ҳали жуда кўп тўсиқларга тўғри келмоқда.

Жамиятимизни қайта қуриш, демократия, ошкоралик шароитида ҳар бир киши аввало ўз ўрнини тўғри топа олиши керак, унутмаслигимиз лозимки ҳар биримиз жуда оғир, шунингдек маъсулиятли даврни бошдан кечирмоқдамиз. Биз, комсомол ходимларининг асосий ва маъсулиятли вазифаси қайта қуриш кўрсатган йўлдан юриш, қайтиш мумкин эмас, йўқса биз ўрнимизни шу ишнинг фидоиси бўлган кишиларга топширишдан иборатдир. Бугунги давримиз сабоқлари ана шуни тақозо қилади.

гандир?). Ёшлар манфаатлари учун том маънода қайғурадиган ўз етакчиларини сайлаб олишлари кераклигини тушунмагунларича ўша ерда комсомол ишлари ўнганмай тураверади. Бинобарин комсомол обрўси ҳам юксалмайди.

3. Мени УзЛКСМ Марказий Комитети қаерга ишга юборса ўша ерда ўз билимим ва тажрибамни ишлатаман.

4. Навоий шаҳрида туғилганман. Мактабда комсомол қотиби эдим. Комсомол-ёшларнинг область, республика ва бутуниттифоқ йиғилишларида юрганман. Мен шунга аминманки, ёшлар бугунги кунда фақат комсомол орқалигина ҳаётда ўз ўрнинларини топишлари мумкин. Уйланмаганман, ёшим 22 да.

5. Жавобим лўнда — республикамиз қудратли бўлиши учун ўз миллий зиёлиларимизни ўстиришимиз, кўпайтиришимиз керак. Бунинг учун республикамиз ёшларга кўп эътибор бериши зарур. Турғунлик йилларидаги эски интеллигенцияни қайта тарбиялаш қийин. Тўғри, улар орасида ҳам ҳақиқий зиёлилар бор, лекин 20 миллионли халқ учун ўзига яраша ҳар соҳанинг билимдонлари бўлган зиёлилари етарли эмас.

Инсон қачонки унинг мамлақати, республикаси иқтисодий, ҳуқуқий ва ахлоқий хавфсизлигини таъмин этгандагина том маънода ўз юрти учун қайғурадиган чин ватанпарвар бўлади.

дий муносабатда бўлмоқдалар, улар эндиликда қандайдир улкан бир механизмнинг оддий бир мурвати бўлиш қисматига рози эмаслар, бу фожиани яхши ҳис қилмоқдалар. Фикримча ёшлар учун комсомолнинг аҳамияти бирмунча ўзгарди. Мен комсомол ёшларга керакисиз ташкилот, деган тушунчага қаршман. У албатта зарур, гап бошқа ёқда.

Биринчидан, СССРдаги ёшлар ҳаракатида комсомолнинг яққаоқимлигидан воз кечиб зарур;

иккинчидан, комсомолни жонлантиришдаги эскирган иш услубларидан қутулмоқ даркор;

учинчидан, комсомол наинки ёшларнинг ғайратшижоатидан фойдаланиш, балки уларнинг жамиятда шахс сифатида шаклланишига ҳам ёрдам бермоғи зарур;

тўртинчидан, комсомол жамиятда ва давлат олдида ёшларнинг манфаатини ифодалаш ва ҳимоя қилиши зарур, токи ВЛКСМ сафига кираётган ҳар бир ёш Союз уни доимо қўллаб-қувватлашга ишонсин.

2. Агар аҳвол эскичасига қолаверса комсомолнинг обрўси ҳеч қачон кўтарилмайди. Ҳозир биз комсомолнинг обрўси ҳақида ўй сурмаслигимиз, балки амалий фаолият кўрсатишимиз керак. Обрў мисқолаб йиғилади, лекин тез тўкилади, деган гап бор. Комсомолнинг обрўсини ошириш учун энг аввало группа, бошланғич, шаҳар, область комсомол комитетининг етакчилари обрўси ҳақида ўйлашимиз керак. Зеро, омма орасидаги аини шу шахсларнинг обрўсидан, уларнинг ёшларга раҳбарлик қила олиши, ёрдам кўрсатишидан яхлит олганда бутун комсомолнинг обрўси шаклланади.

3. Бу жуда қийин савол. Унга қандай жавоб беришни ҳам билмайман. Лекин бир нарсани аниқ айтишим мумкинки, қаерда ишлашимдан қатъий назар, мен комсомол ва ёшлар муаммоси, уларнинг жамият ва давлат системаси олдидаги ўрни ҳақида (дарвоқе, бу масалани аниқлаб олиш пайти аллақачон етган эди) бош қотираман.

4. Самарқандда туғилганман. Уз шахримни яхши кўраман. 1982 йилдан буён комсомол сафидаман. Ўша йилдан буён уюшманинг фаол аъзосиман. Гарчи ВЛКСМ Марказий Комитети қошидаги Олий комсомол мактаби тингловчиларини бўлғуси идорачилар деб аташа-да, бу гап унчалик тўғри эмас. Бу ерда асосан бошланғич ташкилотларда ишлаганлар ўқийди. Комсомол ҳақида илк бор шу ерда жиддий бош қотирдим. Ва жуда кўп минбарларда айтилаётган гаплар билан комсомол ва ёшларнинг ҳозирги аҳвали ўртасида номувофиқликлар борлигига амин бўлдим. Бунда албатта турли тоифадаги ёшлар билан қилган мулоқотларим катта ёрдам берди.


5. Бу савол бизга янглиш берилганга ўхшайди. Менимча, уни республика раҳбарларига берилса тўғрироқ бўларди. Бу ҳақда ўйлаб юрган кўп гапларим бор. Республикамиз ҳали-вери қудратли бўлмаса керагов, негаки унинг қат-қат бўлиб кетган муаммоларини қисқа вақт ичида ҳал қилиб бўлмайди. Баъзи соҳаларда (хусусан қишлоқларимизнинг ачинарли аҳвалини олиб кўрсак) шу қадар орқада қолиб кетганимизки, агар биз билан



ўқиётган чет эллик қора танли африкалик негр дўстларимизга ҳалигача газлаштирилмаган, водопровод суви тортилмаган, ҳаммомсиз, клубсиз қишлоқларимиз борлигини айтсак, улар буни эртак деб ўйлашади — ишонишмайди. Полсиз, шифтсиз авария ҳолатидаги мингтача мактаб республикамизда XXI аср арафасида ҳам мавжуд эканлигига ақлнинг бовар қилмайди-да ўзиям. Дарвоқе эндигина ривожланаётган мамлакатлардан фарқимиз кам. Бунинг сабаблари эса кўп. Келинг улардан бирини таҳлил қилайлик.

Афсуски бизнинг республикамиз бутун мамлакат каби ёшларнинг ишлаб чиқариш потенциалига аҳамият бермайди. Бизда ёшларни ҳимоя қиладиган ташкилотлар кам. Энди ёшларга катта йўллар очиб бериш пайти келди. Ушандагина у 40 ёшга кириб ҳам ўзини ёш мутахассис ҳисобламай, балки, айтилик олий ўқув юртини битириб қўқ бутун ижодий потенциалини ишга тушира олади. Худди ана шу ҳаётий муҳим масалаларда ёшлар Союзи уларга ёрдам бермоғи зарур. Биз аини шу кунлардан бу муҳим ишни бошлашимиз керак, кейинга сурсак кеч бўлади. Вақт ўтиб бормоқда. Бу эса кимнингдир ушалмаган орзулари, демакки, юракдаги армонларидир.

Редакциядан: Матбуот ходимлари ҳақли равишда кўпгина комсомол ходимларидан хафа бўлишади. Негаки улар матбуот билан доим чамбарчас алоқада бўлавермайдилар. Ёшлар, комсомол ҳаётига онд фикрлари билан матбуотда кўринавермайдилар. Тўғри, улар фикрларини профессионал журналистлар каби қиёмага етказиб, «қофияли» қилиб беролмасликларидан истиҳоло қилишлари мумкин. Лекин бу айб эмас. Москвада таҳсил кўраётган бўлғуси комсомол етакчиларининг фикрларини бериш орқали биз республика, область, район ва бошланғич комсомол ташкилотлари ходимларини матбуот, хусусан журналимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга даъват этамиз.



Амриддин Ортиқов, II курс тингловчиси.

1. Жамиятимизда сўнги йилларда умуминсоний кадриятларни қайта баҳолаш жараёни кечяпти. Ёшлар ҳам ўзларининг жамиятдаги ўринларига танқи-

Холвани ҳоким ер...

Хурматли редакция!
Мен ҳозир ўзимнинг ушбу мактубимни ёзганим, аммо бундан ҳеч нима чиқмаслигини ҳис қиламан. Чунки менинг бу мактубим сизлар учун сийқаси чиққан гапларга тўла, ҳозирги қайта қуриш замонидаги оддий муаммо бўлиб туюлади. Менинг назаримда редакцияга бораётган 100 та мактубнинг 60 фойизи «бизда совун, ун, шакар йўқ» мазмунда битилган бўлса керак. Шундай бўлса ҳам сизлардан ўғиниб, керак бўлса ялиниб-ёлвориб сўрайман, менинг ушбу мактубимни назардан четда қолдирманглар. Балки, сизлар учун менинг мактубим мавзуси оддий ёки содда туюлар. Балки менинг мактубим чора кўриш, ёрдам бериш қабиларга арзимас. Балки, менинг мактубим энгил-таклиги туфайли бахтсиз бўлиб қолган тенгдошим, отаси ароқхўр бўлгани учун қийнаиб яшаётган синглим, ишсизлиги туфайли безорилик кўчасига кириб қолган йигитлар мактуби олдида тоши энгил хатдай туюлар.

Биз журнал мухлисари «Еш куч»нинг ҳар бир сонини олганимизда «Қатортолга мактублар» саҳифасини кўздан кечиравимиз. Мана, яна кўлимда журналнинг навбатдаги сони. Йўқ, ҳеч ким совун, шакар, ун йўқлигидан зориқиб мактуб йўлламабди. Яна ўша бир-бирига ўхшаш шикоятлар, арнонамалар. Бизнинг оиламиз 13 кишидан иборат, ҳозир уйимизда 8 киши яшаймиз. Аҳволимизни сизга ёзсам, тасаввур ҳам қилолмасангиз керак. Оиламизда фақат дадам ишлайди, қолганимиз бекорчи, кузда-ку пахта териб кун кўрамиз. Қишда эса... Дадам колхоздан йилнинг 6 ойида маош олиб туради, қолган 6 ойида уйда бекорчи. Онам Қахрамон она, 2 та акам олий ўқув юртида ўқияпти. Энди ўзингиз йўлаб, тасаввур қилинг, оиламизга пул етишмайди. Уннинг бир қопи 25-30 сўм. Уям ҳамма вақт топилавермайди. Совуннинг бир донаси 1 сўм. Гоҳида бир сўмга ҳам йўқ. Оиладаги болаларни едириш, ичириш, кийинтириш ҳам маошхўр ота-онамнинг гарданида.

Бир кун пахта даласида бир гуруҳ хотинлар пахта териб, хангомалашаётганига гувоҳ бўлдим. Кимдир «бу қайта қуриш деганларини амалга ошириш жуда қийин эканми-а хотинлар» — деб қолди. Кексароқ аёл «қийин бўлгани учун ҳам совун, шакарни йўқ қилворишайпти-да. Қайтадан зўр қилиб ишлаб чиқишса керакда» деб жавоб берди.

Эҳтимол кимдир 30 сўм бўлса ҳам ун бор экан-ку, донаси 1 сўм бўлса ҳам совун топила пул топиламайди-да. Пули кўп қазоларга, яъни мансаб эгаларига қимматчилик, қийин шароит дейилмайди. Биз колхозчи оилаларига эса бундай қимматчилик ҳар хил ҳолатлар туғдириши муқаррардир.

Баъзан беихтиёр ҳаёлимга Фарғона фожiasi келадую, чўчи тушаман. Йўқ, йўқ, дейман ўз-ўзимга. Бу фожиа бир марта бўлди, бошқа такрорланмасин ҳам. Бунинг мактубимга қўшиб ёзганимнинг сабаби Фарғона фожиясининг кичик бир илдизчаси шунга келиб тақалмасмикин? Хурматли «Еш куч» редакцияси ходимлари! Сизлар билга, бизнинг оиламиз, қолаверса, бутун пахтакор колхозчиларга ёрдамларингни дариг тутманглар. Биз колхозчи ёшлар, шаҳарлик ёшлар каби яхши, чиройли кийинмасак-да, тоза юрсак деймиз. Бунинг учун эса бизга совун керак. Илтимос! Бизнинг нафсларимиз тансиқ таомлар, шоколад-мармеладлар тусамаса-да, ўзимизнинг иссиққина тандир

нонимиздан ейишни истайди. Бунинг учун эса бизга ун керак. Илтимос! Қадрли «Еш куч», сендан ялиниб сўрайман, менинг мактубимга саҳифангдан жой бермасанг ҳам, кўнглингдан жой бер. Баъзи ноўрин сўзларим учун узр сўрайман. Не қилай ёрдамингга муҳтож бўлгач!

Сенга салом билан ёрдамга муҳтож мухлисинг.

Дилнавоз МЕҲМЕДОВА,
Самарқанд область,
Пастдарғом район,
Киров номи колхоз

РЕДАКЦИЯДАН: Кейинги пайтларда мазкур хўжаликдан асосли шикоят ва илтимослар кўп келяпти. Уларнинг баъзилари журналимизда илгари ҳам эълон қилинган эди. Биз Пастдарғом район партия комитети ва халқ контроли комитетидан мазкур шикоятларни синчиклаб ўрганишни ҳамда районда социал адолат принципларини жиддийроқ назорат қилишларини талаб қилишга бурчлимиз.

Отамизни ноҳақ қамашди

Мен ҳикоя қилаётган аччиқ ҳақиқатни эшитадиган одам борми? 1987 йилнинг ноябрида онам 4-фарзандни туғиб бевақт вафот этдилар. 1989 йил 17 февралда оиламиз яна оғир ташвишга қолди... Дадам Аззамжон Тожиёв Қўқон шаҳар Октябр 50 йиллиги массивидаги савдо марказларидан бирида қоровул бўлиб ишларди. Бизга ташвиш келтирган 17 февраль кунда В. Литвинов деган киши ўта маст ҳолатда дадамни ҳақоратлаб, магазинга тош отиб яқинлашверган. Милтигини олиб, ўзингни ўлдираман, деб дадамнинг милтиғига ёпишган, улар беш минутча тортишган, милтиқ отилган ва Литвинов ўлган. Медэкспертиза хулосасида ҳам 60-90 см яқинликдан ўқ теккан, марҳум ўта даражада маст бўлган, дейилган... Шу жинойиш иш бўйича Фрунзе район халқ суди отамга 3 йил қамоқ муддати белгилади. Марҳумнинг хотини — Қўқон шаҳар прокурорининг секретари Роза Шумская бунга норозилик билдиргандан сўнг, яқинда Ленинград ноҳия судида қайта судланган дадамнинг жазо муддати 7 йилга узайтирилди. Милтиқни жиноятчига олдирмай, универмага оморига ўт қўйдирмай, сўнги чорага олишган кишига оғир жазо берилишини Сизлар адолатли деб ўйлайсизларми? Мен 7-синфда, акамлар 8-10-синфларда ўқишади. Мана бир йилдан ошдики, моддий томондан қийналиб, ҳатто ўқув қуроллари сотиб олишга қурбимиз етмаяпти. Хурматли «Еш куч»! Онасидан бевақт ажралган мактаб ёшидаги уч боланинг отасини ҳам узоқ муддатга ноҳақ ҳукм қилиш адолатпарвар жамиятимизга ярашадими? Отамизга чиқарилган ноҳақ ҳукмни бекор қилишга ёрдам беришингизни сўраймиз. Ахир отамизнинг Литвиновга нисбатан ҳеч қандай шахсий адовати бўлмаган-ку?!

Етим қиз Муаттар ТОЖИБЕВА,
Фарғона вилояти Ўзбекистон районидаги
39-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз Ўзбекистон ССР Олий суди ва прокуратурасидан мазкур жинойиш иш қайта кўриб чиқишларини, Ўзбекистон район социал таъминот ва халқ маорифи бўлиmidан ночор аҳволга тушиб қолган ўқувчиларга зарур моддий ёрдам беришларини сўраб қоламиз.

Файзободми, файзхаробми?

Мен Қашқадарё область Қарши район «Коммунизм» колхози Файзобод қишлоғида яшайман. Қишлоғимизнинг аҳволини сўрасангиз, ёзда чанг, қишда лой бўлади. Болалар мактабга лойга ботиб борадилар. Кўчаларгина шундай бўлиб қолса мен шикоят ёзмадим. Қишлоғимизда водопровод суви, газ йўқ. Биз суви ота-боболаримиздан қолган тошқудуқлардан олиб келамиз. Аҳолига совун, кир сода тақсимлаш ҳам йўлга қўйилмаган.

Файзобод қачон обод бўлади? Қишлоқ хароб қолиб кетадими? Катта лавозимни эгаллаб олган ўртоқлар мана шу муаммолар устида ҳеч бош қотирармиканлар?

Қашқадарё область,
Коммунизм колхози,
Файзобод қишлоғи,
Гавҳар РҮЗИҚУЛОВА.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳақиқатдан ура-урачилик йилларида биз ялтироқ сўзлар, шiorлар билан ўзимизнинг хароб қиёфамизни яшириб келдик.

Ҳали мамлакатимизда ҳатто социализм қурилмагани ҳолда кўпгина хароб қишлоқларимизнинг, хўжаликларимизнинг номи «Коммунизм» ва у билан боғлиқ атамалардир. Республикаимизда «обод» қўшимчали қишлоқларимиз ҳам жуда беҳисоб. Янгиобод, Нуробод, Ғаниобод ва ҳоказо. «Яхши ният — ярим мол» дейишлари мумкин қишлоқ, район катталари. Лекин яхши ният амалга ошишини қишлоқ одамлари яна қанча йил кутишлари керак? Тўғри, қишлоқ одамлари сабрли. Лекин сабрнинг ҳам чегараси бор-да. Қишлоқларимизга ялтироқ эмас, уларнинг қиёфасига мос номлар бериш пайти етди. «Водопроводсиз қишлоқ, ҳаммомсиз совхоз, клубсиз колхоз» дейилса бу танқидий номлар ялтироқ сўзларга ўрганган раҳбарларнинг меъдасига тегади-да, ўшандагина улар мавжуд аҳволи ўзгартиришга мажбур бўладилар. Қишлоқ аҳли ҳам меҳнатига яраша иззат талаб қилишни билиши, умумий иш учун уюшиши керак. Ана ўшандагина номи обод қишлоқларимиз чиндан ободликка юз бурса ажаб эмас.

Қотил ўқитувчилар

Биз етти фарзандмиз. Мактабимиз ёнида колхоз омбори бор эди. Шу омборни бузишган экан. Ғишларни мактаб ўқувчилари ташисин, деб кимдир буйруқ берибди. Синглим Андижон вилояти Москва районидаги Гоголь номи 55-мактабда ўқир эди, ўқитувчиси қиз болага соатлаб ғиштни ташитади. Кун иссиқ бўлишига қарамай ишлашга мажбурлайди. Маъруфа ғиштни ташиб бўлгач, уйга бир аҳволда кириб келади. Эртаси кун касалхонага тушиб бир неча ой ётди. Бўлмади. Шу зайл эндигина 15 баҳорни кўрган Маъруфа ҳаётдан кўз юмди. Ҳолбуки Маъруфа 15 ёшга киргунча соппа-соғ эди.

М. ТОЖИБОЕВА

РЕДАКЦИЯДАН: Биз мазкур шикоят хатни Андижон область прокуратураси жиддий текшириб чиқишини, Андижон область халқ таълими бошқармаси ҳам уни ўрганиб айбдорларга тегишли жазо берилишини истаб қоламиз.

Ишсизликдан дод

Иш қидиравериб сарсон бўлиш жонимга текканидан сизларга мактуб ёзаяпман. Бир вақтлар экран орқали ишсизларни кўраддик. «Шукур», ўша ишсизлик ўз бошимизда ҳам бор экан, шунча йил яширибмиз холос. Мен Самарқанд область Хатирчи районидаги «Зарафшон» совхозда яшайман. Ешим 21 да. 1986 йилда ўрта мактабни тугатиб, Навоий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Навоий филиалига ўқишга бордим. Ешлигимдан адабиётга бўлган ҳавасим чексиз эди, афсуски ўқишга киролмадим. 1987 йили ҳужжатларимни педбилим юртига топшириб, иккинчи имтиҳондан ўтолмадим. Уқишга кира олмагач, қишлоққа қайтиб боргани уялдим ва шу ердаги 2-хунар-техника билим юртига кирдим. Грруппамизда 33 киши, ҳаммамиз қизлар эдик. Яримиз ўқишни тугатгач, шаҳарда қолиб ишламоқчи бўлдик. Афсуски... ўқиш тугагач роса 2 ой иш ахтариб шаҳар кездик. Биз бормаган завод, фабрика, комбинат қолмади. Ҳамма жойда бир хил гап, «қисқартириш» дейишарди. Аслида бизни билим юрти ишга жойлаштириши керак эди. Лекин иш топиб бермади. Иш қидиравериб тинкамиз қуриди. Кейин... Ҳамма уй-уйига тарқади. Мен ҳам қишлоғимга қайтиб келиб Зарафшон совхоз дирекциясига иш сўраб бордим. «Она қизим, умуман бўш жой йўқ», дейишди. Сўнгра, Хатирчи район партия комитетига бордим. Оилавий аҳволим оғирлигини, иш беришларини сўрадим. У ердагилар «биз бунақа ишлар билан шугулланмаймиз», дейишди.

Елғиз онам билан тураман. Отам 6 ёшимда вафот этганлар. Ишлаб, пул топиб онамни хурсанд қилмоқчи эдим. Бўлмади. Хўш, энди иш сўраб қаерга борай?! Пахта даласигами? 3 ой пахтада ишладим, ҳозир яна бекорчиман. Онаминг пенсиялари билан яшаймиз. Сизлар «қайта қуриш, ошкоралик» дейсизлару, лекин у бизнинг Навоий шаҳрига етиб келгани йўқ. Билим юртимиз бизга ўхшаган лаборантларни йилига юзлаб тайёрлайди. Кейинчалик иш билан таъминлашни эса ҳаёлига келтирмайди. План бажарилдими, бас. Бу ёғи билан ҳеч кимнинг, ҳукуматнинг ҳам иши йўқ. Ахир биз ҳам ҳамма қатори ишлашни хоҳлаймиз. Мана энди эса лабораториядаги опажонларимизнинг пенсияга чиқишларини куттишдан ўзга чорам йўқ. Иш қидиравериб чарчадим. Балки менга сизлар ёрдам берарсизлар, ҳурматли «Еш куч» ходимлари?!

Роҳатой РАЖАБОВА,
Самарқанд область, Хатирчи район,
«Зарафшон» совхоз, «лаборант».



Қотиллар қидирилмади

Ёрдам беринглар, яхшилар! Ўғлим Хусан (Ҳамидов)ни 1989 йилнинг 15 январь кунинда Қарши шаҳар 33-магазинида қоровулликда — хизмат вазифасини бажариб турганда кечаси соат 2³⁰-3 ларда бошига арматура билан уриб, бўйни тагига отёврка, оёғига пичоқ тиқиб, устидаги кийим-бошларини кўйдириб, ваҳшийларча азоблаб ўлдириб кетдилар.

Ўғлимнинг ўлганлигини 1989 йилнинг 16 январь кунин билдим. Борсам ўғлим қонга беланган ҳолда ётган экан. У ерда ярим метр-

ли арматурани, отёвркини ва қандайдир бир шапкани кўрдим. Шу пайт ички ишлар бўлимининг ходимлари келиб, воқеа бўлган жойни кўришди. Ашёвий далил сифатида топилган предметларни олиб кетишди. Мен ўғлимнинг қотиллари қачон топилар, уни нима учун ўлдириб кетишган экан, деб мана бир йилдан буён идорама-идора ҳақиқат излаб юрибман.

Менинг бир неча маротаба Қарши шаҳар прокуратурасига ёзма равишда ва оғзаки тартибдаги аризаларим эътиборсиз қолди.

Наҳотки қонун посбонларимиз шунча ўқувсиз бўлишса?

Ахир ҳеч қандай из қолмаган жиноятлар очиб ташланадими, наҳотки шунча из, шунча ашёвий далил мавжуд бўлган ушбу жиноят ишини очишининг имкони бўлмасе?.. Суд-медэкспертиза ўз хулосасида ўғлимнинг ичмаган ва чекмаганлигини тасдиқлади, наҳотки 27 ёшга кирган болам ўлиб кетаверсаю айбдорлар жазосиз қолса?..

Қонунимиз посбонлари ўзларини менинг ўрнимга қўйиб кўришсинчи? Ариза қилиб борсам улар менга дўқ ҳам уришди «қаерга борсангиз ва кимга ёзсангиз ҳам ёзаверинг» деб.

Менинг 6 нафар болаларим бор. Уларни мен отасиз тарбия қилганман. Отаси 1962 йилда вафот этганди. Фарзандларимнинг биронтаси ичиб, ёмон йўлга кирган эмас, иш ва ўқиш жойларидан уларга берилган фахрий ёрликлар буни яққол тасдиқлайди.

Тўғри, ўлган болам тирилиб келмайди. Лекин жиноятчи жазоланмаса, янги жиноятлар содир бўлаверади. 67 га кириб шаҳарма-шаҳар сарсон бўлган кампирнинг арзига қулоқ солишларингни ялиниб ёлвораман.

Каромат ПОЛВОНОВА,
Қашқадарё область
Ремзавод посёлкаси, 2 уй.

РЕДАКЦИЯДАН: Муҳтарам журналхонлар! Сезган бўлсангиз мазкур сондаги «Қатортолга мактублар» саҳифасини аёлларимиз ва қизларимиз хатлари асосида тайёрладик. Ҳар галгидек бу сафар ҳам қўшса-ҳифамизга энг ўтқир мактубларни жойладик. Эҳтимол бу дардли мактублар Сизнинг байрам кайфиятингизни чоғ қилмас. Начора! Ҳаёт фақат байрамдан иборат эмас. Ҳаётимизда ҳар қадамда учрайдиган бу хил муаммоларни биргаликда бартараф қилмай туриб кишига байрам ҳам татимайди аслида. Муаммолар эса гиж-гиж.

Журналхонларимиздан бири «илгари байрамга магазинларимиздан ул-бул нарса харид қилардик, энди магазинлардан ул-бул нарса топишнинг ўзи байрам бўлиб қолди», деб тўғри таъкидлабди. Жамиятимиз иқтисодий ислохотда кўп хатоларни бошдан кечирди, кечиряптики, бу энг аввало оддий халқнинг аҳволини мушкуллаштирди. Лекин бу борада ҳам эртанги кунимизга умид учқунлари, ёруғлик аломатлари сезила бошланди. Айниқса энг эзилган синф — жумҳуриятимиз деҳқонларига қўшимча экин майдонлари берилиши, ҳамма интиқ бўлиб кутаётган пахта, пилла ва бошқа маҳсулотлар харид нархи оширилиши муаммосининг ижобий ҳал қилинаётганлиги бир кун бориб «Қатортол мактублари»нинг дардини ҳам енгиллаштирса ажабмас. **ЖАМИЯТНИНГ МАДАНИЙ ДАРАЖАСИНИ ҲАММА ЗАМОНЛАРДА ҲАМ УНИНГ АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТИ** белгилаб келган. Ўйлаймизки, адолатга эндигина юз бораётган жамиятимиз аёлларимизнинг поймол бўлган, бўлаётган ҳақ-ҳуқуқларини, демакки, ўз маданий даражасини тиклаб олади.

Қадди эгик, лекин қалби покиза хотин-қизларимизни Наврўз айёми билан муборакбод этамиз.



Хатлардан сатрлар

Қишлоғимиздаги одамларнинг совхоз қўйларичалик қадрли йўқ. Қишлоғимиз юқорисидан сизиб чиқаётган булоқдан қўйлар учун қувурда сув олиб ўтилган. Одамларга эса йўқ. Бир километр масофадан сувни ташиб ичамиз.

Самарқанд вилояти, Советобод ноҳиясидаги
18-мактабнинг 11-синф ўқувчилари.

Эллигинчи йилларда мактабда ўқирдим. 9-синф ўқувчиси 8-синф ўқувчиси билан гап бўлади-ю, икковиям мактабдан воз кечиб узоқдаги қариндошларникига кетиб қолишди. Уларга синф раҳбарлари қаттиқ тазйиқ ўтказишган эди. Мактаб комсомол ташкилоти бунга бефарқ қарамади. Ўз йиғилишида ҳар иккала синф раҳбарини қасдибастига олади. Улар бориб қиз билан болани топиб келишди. Мажлис яна давом этади. Ўқитувчиларнинг ноҳақлиги исботланади. Мактаб директори ўқитувчиларнинг ёнини олади албатта. Бу ишга райком аралашади. Директорга ҳайфсан берилади. Синф раҳбарлари эса вазифасидан озод этилади. Ҳозирги пайтда мактаб комсомолларида бундай жанговарликни кўрмайсан киши.

Махмуджон ШОМУРДОВ,
Сирдарё вилояти, Янгиер ноҳиясидаги
12-мактаб ўқитувчиси.

Илгари бизни мактабдан далага ҳайдаб чиқаришарди. Энди ижарачи бўлгач ога-оналар ишлашга мажбур қилишяпти. Нима ўзгарди, ҳеч нима? Бари бир дарс тайёрлашга вақт қолмаяпти.

У. СУЛТОНОВ,
Фарғона вилояти, Риштон ноҳияси.

Ёрни ижарага бериш жудаюм қимматга тушди. Ўқувчи оилавий пудратга югурсинми ёки мактаб меҳнат практикасига югурсинми? Тўғри, ўқувчи мактаб ва оиланинг фарзанди. Бизни меҳнат қилишга ўрган дейишади. Лекин қизиғи шундаки, биз меҳнатдан ҳеч нима ўрганмаймиз, фақат чарчаймиз.

Сурайё ЗОИРОВА,
Бухоро вилояти, Навоий ноҳиясидаги
30-мактаб ўқувчиси.

Фарғона вилояти, Риштон ноҳиясидаги 4-мактаб ўқитувчиси Насиббахон Сиддикова бизга меҳнатдан дарс берардилар. Бевақт ўлим бизни у кишидан жудо қилди. Баъзан уларни хафа қилган вақтларимни эслаб куйиниб кетаман. Ва шундай дегим келади. «Аяжон, мен Сизни ёд этиб юрадиган фарзандларингиздан, ҳамкасб муаллимларингиздан узр сўрасам кечирасизмикан? Қабрингизга бош урсам кечирасизми? Дод-фарёд кўтарсам кечирасизми?»

Раҳима ЭРҒАШЕВА

ОСМОН ТҮЛА ВАРРАКЛАР, КАНИ СЕНИНГ ВАРРАГИНГ?

НАВРҮЗИ ОЛАМ БУГУН



Варракни учирлишига ҳақ маҳорат керак.



Варрак уче бошлади. Энди бир оз хотиржам бўлиши мумкин.



Мактаб ўқувчиси Аброр Ҳидоятговга варрак яшашда, биласизми, ким шиди! Дадаси! Ҳа, Аброр Ҳидоятгов варрак ихлосмандларидан.

Қор сувлари жилдираб, ернинг юмшоқ бағрида мудраб ётган бойчечакни аста туртиб уйғотди.

— Тур, турақол, баҳор келди!

Бойчечак қадини ростлади. Дов-драхтлар қулоқларига исирға тақди. Қиру далаларга ям-яшил пояндоз тўшалди. Атрофни болаларнинг қичқириғи тўлдирди.

— Наврўз келди, Наврўз!

Ҳамманинг юзида қувонч, табассум...

Ҳа, баҳорнинг зийнати ўзгача, файзи ўзгача. Деҳқонлар ишнинг анжомларини тахт қилар экан, мўл ҳосилнинг режасини тузади, боғбонлар боғ-роғларга оро беради, яхши ният билан янги-янги кўчатлар ўтқазади. Бу тарадудларнинг ҳаммаси суюмли байрам — наврўзга уланиб кетади.

Наврўз...

Дошқозонда биқирлаб қайнаётган сумалакнинг ширин ҳиди димоқни қитиқлайди, қўшиқ ва куй оҳанрабоси, дилбар рақс дилни ром этади...Варракларни айтмай-



Кимнинг варраги чиройли! Бунинг варраклар конкурсининг талабчан ҳакамлари аниқлайди.



Бу варракининг номи «Дельтоплан», Уни 28-мактаб-нинг ўқувчилари: Хусан Болтаев ва Ҳикмат Салимов (ўнгда) ясаган.

сизми, варракларни. Болаларнинг жон-дили у. Ана кўлида варрак тутган болалар. Эҳ-ҳе, варраклар бунча ранг-баранг бўл-маса... Болалар кенг майдон томон юришар экан, бир бирларига гап бермай гап талашади, баҳслашади.

— Менинг варрагим ҳаммаларингникидан баланд учади.

— Ҳечам-да. Сенинг варрагинг мени-кига тенглашиб бўпти.

— Мана кўрасан...

Шу тарзда уларнинг шодлиги ҳам, ғаму ташвиши ҳам варрак эди. Чунки ҳадемай кўкка шўнғийдиган бу варракларни болалар ўз кўллари ва хаёлларининг кучи билан ясаган.

Бу — қамишу қоғозда ифода этилган беғубор орзулари, биринчи қадами эди. Орадан кўп вақт ўтмай, варраклар бирин-кетин парвоз қила бошлади.

Эҳ-ҳе, болаларнинг кўзларида порлаган чексиз қувонч, фахрни кўрсангиз эди.

Баҳор, наврўз осмонида баланд, янада баландроқ учавер варраклар!...



Қувончи ичига сигмай турган болалар: (чапдан ўнгга) Равшан Қасимов, Аброр Ҳидоятлов ва Дилмурод Рўзиев 146-мактабда ўқишади.



Танишинг, конкурснинг энг кичик қатнашчиси Жасур Шодмонов. Жасур 93-боғчанинг тарбияланувчиси.

Пойтахтдаги Пушкин номи боғда ҳар йили Наврўзга бағишлаб варрак байрами ўтказиш одат тусига кирган. Сиз кўриб турган суратлар аини шу байрамлардан олинган.



Конкурс жюрисы варракни синчиклаб ўрганишяпти. Лекин бу билан иш тугамайди. Варракнинг қандай учиши, ҳавода қанча мuddат бўлишини ҳам билиш керак.

Суратларни Равиль АЛЬБЕКОВ олган.

Зулфия МУМИНОВА



Унга ахд ёлгондир, менга бахт ёлгон
Шеърим кўз ёшларга ўзингни кўндир.

Кимсадан сўрадим, қайтиб кўрмадим,
Кўзлари ишончим адашган тундир.

Уқ еган жон қушим пати — ёғар қор,
Шундан на хуш бутун, на туш бутундир.

Кўрдимки ишқимга ҳам бешик бўлиб
Ҳамда тобут бўлган дунёни — дундир.

Битта вафо сўраб келгандим унга
Минг вафо қолдириб кетмоғим чиндир.

Дема ҳиёнатга ҳиёнат жавоб
Зулфия қасд тутган қилични синдир.

Ундан устиворроқ бир ёр қидириб
Йўлга чиққан кунинг қиёмат кундир.

Марҳум «Пахтакор»чилар хотирасига

Сизни армон билан эслар ўзбеклар
Эй, улар бошқача йигитлар эди.
Майдон осмон эди, улар ҳаммаси
Тоғларни титратган бургутлар эди.
Футбол шон-шухратга жуда ўч ўйин,
Баъзан бепарволик қилар ошиққа.
Бир ўйин сени шоҳ қилиши тайин.
Бирида пастлашиб чиқасан йўққа.
Аммо пастламаслар бордир оламда.
Ҳақиқий бургутлар кўкда берар жон.
Сен нега йўғлайсан кўкларга боқиб.
Кўк нимангни олган жон Ўзбекистон.
Рухсат сўрамасдан кириб келасан,
Сен хотир шамоли, ҳижрон шамоли.
Футбол — бу ўғлига тўп совға қилган
Марҳум футболчининг ғамгин аёли.
Футбол — бу онамиз Ўзбекистоннинг
Жон қушидан оппоқ пагидир.
Футбол — бу дунёда энг сулув қизнинг
Собир ўқиёлмай кетган хагидир.
Ана Олимжоннинг майкаларини
Уғли онасидан яшринча кийди.
Чопар йўловчилар қўл силтар мамнун
Йўллар Олимжоннинг ҳидларин туйди.
Далада тер тўкар бир чайир деҳқон
Бу Аннинг отаси жўжабирдай жон.
«Футбол ёлғизликни севмас — дейди у
Футбол чиқишолмас ёлғизлик билан».
Мен уни шу сўзи учун алқадим,
У ёдимда қолди шу сўзи билан,
Қайтаркан ўйлайман банди хаёлим
Хайқирки отилар юрак тубидан.
Юртим ёлғизликни ёқлама асло
Агар кўрқмай десанг футбол тўпидан.
Футбол бу нимадир?
Футбол бу кема.

Доим тўқнаш келар кучли довуллар.
Жуда таниш кема кўриб қўл силқар.
Шаҳарлар, қишлоқлар, олис овуллар
Унга кимки тушса гоҳ бирга оқиб,
Гоҳ баб-баравар беришади жон.
Сен нени ўйладинг «кемага» боқиб
Ундан не сўрайсан жон Ўзбекистон.

Жуда олислардан келар бу кема
Елғиз юрса бўрон, тўфон йиқади.
Кимки камайишни планга солса
Футболдан чиқади, тўпдан чиқади.
Юртим кўпчилик бўл, тўрт кўз тугал бўл
Асил футболчилар кўпдан чиқади.

Ойбекни кўрган домла.

Зерикиб кетардик, зерикиб
Муҳтарам домланинг дарсида.
Тишни-тишга қўйиб чидардик
Муштни-мушга қўйиб чидардик.
«Ойбекдан гапиринг — дер эди кимдир,
Ойбекни кўргангингиз ҳақида»
Бирдан сергак тортарди ҳамма,
Домла эса такрорлар эди:
Ойбек мени хуш кўрар эди,
Бошқалардан пеш кўрар эди.
Жуда яқин оларди доим
Мени ўзга хеш кўрар эди.
«Ҳар қалай у Ойбекни кўрган
Кўзи тушган Ойбек кўзига»
Беш баҳорга таскин бердик биз,
Бешта қишга бердик тасалли
Биз кечирдик ўша домлани,
Ойбек руҳи кечирармикин...

Тушларингда янги туғилган,
Чақалогин кўксига босиб
Йиғлаб чиқса ёлғиз бир аёл,
Уша кунни ёлғон гапирма,
Уша кунни ўлма бировни,
Уша кунни худодан кўрққин.
Туман босган руҳинг боғига
Ҳидоятдин муждалар қилгин.
Уша кўни ёлғиз онангинг
Кенг ҳовлининг бир бурчагида,
Томирлари бўртиб, кўкариб
Тутган йўғтал товушларига,
Ва отангинг қабрига томон
Қатнайвериб ранги олинган,
Бир жуфт махси-ковушларига
Меҳробим, — деб, саждалар қилгин.
Уша кунни менинг «мозорим» —
Кўз ёш билан ёзган қиссангни
Ҳар сатрини пул, деб севиниб,
Кўзин сузган жононни эмас,
Сакизинчи боласин туғиб
Ҳолсизланган тўнғич опангга
Маликам, — деб рутбалар қилгин.
Сен кирмаган йўллар қолмади,
У йўлларда хасдек тўзимай
Жонинг омон қолган бўлса гар
Бу онангни дуоларидан,
Бу хув ўша бола кўтариб
Йиғлаб чиққан ёлғиз аёлнинг
Кўз ёшларин иншоларидан.
Энди борма ўша йўлларга
Қарамагин, қарамаслик-чун,
Имонингни пардалар қилгин.
Тушларингда янги туғилган
Чақалогин кўксига босиб,
Йиғлаб чиқса ёлғиз бир аёл,
Унда эса ўша аёлни
Ғийбат қилиб бир номард келса,
Изларидан остонангача
Ҳаётингга қиёмат келса,
Тишларининг ораларидан,
Лабларининг ораларидан,
Тухмат келса, бўйи бад келса,
Йигит бўлсанг, ўрнингдан тик тур
Ва гўдакни ўртага қўйиб,
Ишончингни қалъалар қилгин.
Тушларингда янги туғилган
Чақалогин кўксига босиб,
Йиғлаб чиқса ёлғиз бир аёл
Қўл чўз поклик булоқларига.
Сўнгра қайтгин ёлғиз онангга
Она, боланг тирилди, дегин,
Боши тошга урилди дегин.
Айрилиқнинг зангин кўтариб,
Отанг қабрин чангин кўтариб,
Зўрға турган оёқларига,
Йиқил, йиғла, товбалар қилгин!



Зебо РАҲИМОВА

Мени унутдингми, саболар айтди
Мийғида кулиб оққан ариққа,
Мен жуда бахтсизман, кел ахир қайтиб,
Кел ахир, бу кунлар ёдимдан чиққай.

Ялпизлар ҳидида сезгандай бўлдим,
Этагини силкиб кетган кечани,
Бўсанинг таъмидай бу баҳор, билдим,
Ҳайрат, айт, тилимни ечайми...

Бари бир бахтсизман, кўчалар жимжит,
Шамолда сочини ювар майсалар,
Ишонсанг, кўнглимни тирнайди бир ит,
Кулгули бахтли деб мени айтсалар.

Адашган турнадек умидлар...кечдир
Мовий либосида хабарлар етса,
Сен ахир, кел, ғариб ғурбатдан кечтир,
...севгилим, майлими, мен сени кутсам...

* * *

Ҳамал кирди. Гул баргидай зангори
Эски шошнинг кўчалари аризор.
Тутаб ётар ғунчаларнинг ифори,
Бу баҳорга етмагanning бари зор.

Қумри билан сирлашади новдалар,
Кунлар ўтар куртаклардан кўнгли тўқ.
Бир ёруғлик туюди афтодалар, —
бу кунларга алданишининг айби йўқ.

Нигоҳларга қўниб сокин тин олар
қиш захридан толиққан дил ноласи.
Бир куртакка айланайин деб толар
юрагимнинг етимгина боласи.

Кезиб чиқар нигоҳларим жиққа ёш
олволизор кўчаларни мулойим.
Бахтингиз бутмикин, бахтим, азиз бош,
Қарғишим тегмасин сизга илойим...

* * *

Ўзбек диёрининг бахмал тушида
Туркона туш кўриб ухлайди боғлар,
Дўстим қаердасан, чошгоҳ шабнамлар
Менинг юрагимга тўқилган чоғлар.

Мевали дарахтлар камтар, камсуқум,
боғларга беланчак ёяди еллар,
Қизарган баргларга битилган ҳукм
Менинг кўзларимга тўлар лиммо-лим.

Фурсат ўз дамида ётибди қайраб
Боғларнинг қувваи ҳофизасини,
Ҳижрон сояларда ўқийди яйраб
Юракнинг ўтинчли аризасини.

Сумбула сувига бағримни бердим,
Бу сўлим кунлардан кўнглим, нолима,
Тақдир ҳакам бўлса мен нима дердим,
Менга азоб бердинг, золим-а...

* * *

Ой қўшиб айтилган қўшиқ эскирди,
боғларни саратон эркалаб ётар,
Таърифсиз тунларнинг кучоқлариди
юлдузлар ой каби уфққа богар.

Кўзимда ой каби ярқираб ёшим,
Гапиргин, меҳрга шунчалар зорман.
Муҳаббат ҳукмида эгилмас бошим,
Мен бугун ўзимга қурилган дорман...

Зубайда УСМОНОВА



Бир умр дунёга тинчлик тилайман

Бир онанинг аскарликдаги ўғлига ёзган хати

Эсиб юрган шамол сени кўргандир,
Кезиб юрган ҳилол сени кўргандир.
Ой-ку узоқ, шамолнинг ҳам тили йўқ,
Шундан мени кўрса қочиб юргандир.

Кўзимдан узоқда юрган қуёшим,
Сени кўрмай қуримайди кўз ёшим.
Мана неча-неча ойлардан бери,
Соғинч деган дорда онанинг боши.

Мен шамол силжитган баргдай титрайман,
Тун-кун сенга соғлиқ, умр тилайман.
Илдизинг мустаҳкам бўлсин илоҳим,
Ишқилиб бахтимга омон бўл, омон.

Сени бор меҳримни тўкиб ўстирдим,
«Оргимда қол» деб дуо ўқиб ўстирдим.
Илдизинг мустаҳкам бўлсин илоҳим,
Умид кўзларимни тикиб ўстирдим.

Сен юрган жойда ҳам долғалар тинсин,
Деган тилагимни тинсиз тилайман.
Кўзимдан узоқда юрган қуёшим,
Сен учун дунёга тинчлик тилайман.

* * *

Сизнинг йўлларингиз гулда, гулзорда,
Сизнинг йўлларингиз текис, равондир.
Унинг йўли эса пахтазорларда,
Салқин хибони — дала шийпондир.

Кимдир елка тутар сиз сўянсангиз,
У эса кетмон дастага қўяр бош.
Унинг юз-кўзига маҳлиё боқар,
Бирдан-бир ошиғи кўкдаги қуёш.

Сиз кимнингдир тушларига кирасиз,
Ҳар кун сазоворсиз бундайин бахтга.
У эса фаришта мисоли яшар,
Ҳеч кимнинг тушига кирмасдан ҳатто.

Сизга гул беришар сабаб-бесабаб,
Унга эса тутмас, қўллари дағал.
Пахта гулларини кўради ҳидлаб,
Ҳали ҳеч кимдан гул олмаган аёл.

Шафқат

Ҳеч ким йўқлаб келмаган кунда,
Бир дона гул олиб йўқлаб кел уни.
У-ку бу тақдирга ноилож кўнган,
Бирок бугун унинг туғилган кунин.
Муттасил ёлғизлик қўймасин қўйнаб,
Ҳеч ким қўймаган ерга қўйиб қадаминг
Билиб кел, ёрдам қил, қандай дард қийнар
Дунёдаги энг камсуқум одамни...

Интизор зор эгар кўнглимни,
Йўлимга озор гул тўшайди.
Бахтим деб гул тутган қўлларинг
Кимнингдир қўлига ўхшайди.

Қалбда дард чинқирар, оҳ дилим,
Кўзларим ёшдан нур сочади.
Мен билмай алданган кунларнинг
Ушбу тун сирини очади.

Бошимни силайди сокин тун,
Бағримда бир нидо йўғлайди.
Ҳайқиринг тошади бўғзимдан
Наҳотки, бир кўргинг келмайди?!

* * *

Тошбағир тўшакда титрайди таним,
Сокин тун лабимдан бўса олади.
Бу кеча минг қатли кўрпа устида
Севганим севгимдан тонади.

У қизнинг кўйлаги тонгдайин оппоқ,
Ҳаяжон қоплаган бармоқларини.
Кўзлари ҳайратдан суё ичган порлоқ,
Упади осмоннинг сўқмоқларини.

Сой шошиб шивирлар қулоқларимга,
Оғриқдан майсанинг эти жунжиқар.
Онам ёнаётган юракка ўқиб,
Дейдилар, «Қиз бола кўникар».

Ҳой азоб-келинчак рўмолча бергин,
Урайн юракнинг қийноқларини.
Забонсиз, армонсиз бир торча бергин
Сезмасин оғриқнинг тирноқларини.

Ҳижронли тўшакда йўғлайди таним,
Чорасиз фарёдлар кўксимдаги ўқ.
У менинг қалбимда узилмаган гул
У гулдан бошқа гул юрагимда йўқ!



Алпомишнинг ўғли

Кўнглима кўрққандай бўлди кўп душман,
«Қултой» бобом бўлди менга меҳрибон.
(«Алпомиш» достонидан)

Манглайингдан ярқираб кўриниб турар қуёш,
Кўнглинг эса ўқикдир, чўккан унга зилдай тош.
Жавдироқ кўзларингга кўлмакланар кўлоб ёш
Ўқимамай тур Едгоржон, отанг қайтиб келяпти.
Ҳақорат, хўрликларга чидаб тур яна бир оз,
Камситиш, зўрликларга чидаб тур яна бир оз,
Дардингни ичга ютиб, чиқармай тургин эвоз,
Бойчиборин елдириб отанг қайтиб келяпти.
Қалмоқ юртига кетган отанг қайтиб келяпти,
Асқартоғдан ҳатлаб ўтиб, алёр айтиб келяпти.
Чўпон кийимин кийиб, тириклигин ҳеч кимга
Сездирмасдан жўртага «Қултой» бўлиб келяпти.
Ўз келбагин кўриб сенда кўзлари порляпти,
Қўлларингдан маҳкам ушлаб етаклаб борапти
Ун тўрт ботмонлик ёйни кўтарганинг кўриб у
Севинчидан терисига сиғмасдан борапти.
Сени хўрлаганларнинг кунлари битди ҳисоб,
Улимлари ёвуқлашди, бўғзидан тутди ҳисоб.
Сен Алпомиш ўғлидурсан, адл тутгин қаддингни,
Аллона қасос учун отанг қайтиб келяпти.

Ҳилола ИСОҚОВА

Шеъримга

Мен дардлардан қочмоқ истайман,
Ахтараман бирор пана жой.
Шоирлик бу — телбалик дея
Тунлар кўкда жилмаяди ой.
Мен ўзимдан қочмоқ истайман,
Кўзларингга кетаман чўкиб,
Изларимни ювиб кетади
Кўзёшларинг тиниқдан—тиниқ...

Мавлуда АБАЗОВА

Шеъримга

Ҳислар бешигида ётган боласан,
Юрагим парвона сенинг бошингда.
Онанг оқ сугига бир кун қонасан,
Ва қанот ёзасан учмоқ қасдида.
Парвозинг бехатар бўлсин лочиним,
Кўзлаган чўққингни забт айла, майли.
Учишдан толиқма, чарх ур бетиним —
Ҳаётда мангуман ўзинг туфайли.

Бир соҳил

Вулқондай отилди қалбим фарёди,
Сатрлар бағрига беркитдим дардим.
Бир кучки, ҳушимни, ақлимни олди.
Ўзимни дарёга, тўфонга отдим.
Тўлқинлар бермайди лаҳза имкон, тин.
Мен билган, талпинган бир соҳил яқин.



Хосият РУСТАМОВА

Ҳаётнинг мунг тутунлари
Мени олиб кетсайди...
Уларнинг ҳам тақдирлари,
Меникига ўхшайди.

Бақираман, фарёдларим,
Булутларга етади.
Ешга тўлган дарёларим
Мени олмай кетади.

Бўронларга тиз чўкаман,
Сабр косам тўлади.
Шамол олиб келган тутун
Қалбим билан тўлади...

* * *

Юракда изинг бор, сўзинг бор
Меҳринг мен томонга елмайди.
Кўзларинг тўлиқми ёш билан
Наҳотки, бир кўргинг келмайди?!

Тош хатлар музейи

Қадимги Грецияда энг нодир фикрларни қоя-тошларга ўйиб ёзишган. Ёзувни билишмаган пайтда эса тошлар бетига турли-туман шакллар чиқишган. Баъзи жиҳатлари билан Римдаги тош хатлар музейига ўхшаб кетадиган Лангар тоғларига саёхат қилсангиз ўтган аجدодларнинг абадийлик муҳри босилган тош хатларни «ўқиб» ҳаяжонга тушасиз. Бу ерда шартли равишда музей деб аталадиган территория айланасига 20—25 километрни ташкил қилади. Саёхат асосан Тешиктошдан бошланади. Қоя бағрини қоқ ёриб тут ва токнинг ўсиб ётиши яна бир таажжубли манзара. Тоғнинг шундоқ биқинида тошга абадий муҳрланиб қолган Тоҳир ва Зухра сурати. Зухранинг кўз ёшлари деб нақл қилинадиган Томчи ота. Тешиктошдан пастроқда эса икки уч оила сирга бўладиган тош уй айвонлар... У ердан қуйроқда қадимий шаҳар харобалари — тилсимли Мунчок тепа забткорини кутиб ётибди. Даранинг чап томонида кунботишда эса Гўрқабулоқсой, Гедалгитишда чизилган ёввойи тоғ такаларининг қадимги суратлари. Қишлоқ ёқалаб Қозонтошга, Қўчқортошга, Олчабулоқсойга борсангиз тошлар бетига серкалар, отлик чўпонлар суратларини кўриб, ўтмиш одамлари билан ҳамсуҳбат бўласиз. Чунки улар тошлар бетига ўз турмуш тарзини жуда содда усулда қолдириб кетишган.

Ҳозир **РАҲМОН**,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи ноҳияси,
Лангар қишлоғи.



Буюк олимлар ҳаёти

○ 1880 йили Россия ҳарбий денгиз флоти министри Д. И. Менделеевга Францияда ишлаб чиқарилаётган тутунсиз портловчи модда — порохнинг таркибини аниқлаб бериш вазифасини топширди. Теъдда у ерга етиб борган Менделеевдан порохни кашф қилган француз химик олим М. Бертелло унинг сирини яширди. Бертелло рус олимига порох ишлаб чиқарилаётган заводни кўрсатишга кўрсатди-ю, аммо ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган маълумотларни ёзиб олишга ва у ердан ҳеч бир нарсани олиб чиқишга рухсат этмади.

Шунга қарамасдан, ўткир зеҳни, топқир Менделеев порох ишлаб чиқариш сирини мана бундай қилиб очиб берди: у темир йўл орқали заводга ташиб келтирилаётган химиявий моддалар ва заводдан чиқариб ташланаётган чиқиндилар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқди. Сўнгра эса улар орасидаги микродий тенгликни ҳисоблаб чиқиш олимдан кўп меҳнат талаб қилмади. Кейинчалик бу ҳақда у Бертеллога сўзлаб берганида, у ўзини қўярга жой топа олмай, олимнинг топқирлигига тасаннолар айтган эди.



○ ... Машҳур даниялик физик олим, Нобель мукофоти лауреати Нильс Бор иккинчи жаҳон уруши вақтида гитлерчи босқинчилар томонидан таъқиб остига олинди. Шу сабабдан у ўзини фашистлар зулмидан сақлаб қолиш мақсадида 1943 йили Копенгаген шаҳрини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Лекин Нобель олтин медалини ўзи билан олиб кетишни маъқул кўрмади ва уни «шоҳ суви» да эритди-да, эритма солинган шиша идишни ўз лабораториясидаги бошқа эритмалар қаторига қўшиб кетаверди. Уруш тугаганидан сўнг ўз ватанига қайтган Нильс Бор ўша эритмадан олтинни химиявий усул билан ажратиб олди ва Нобель олтин медалини янгидан қуйиб беришга буюртма берган эди.

○ Польшалик профессор Казимир Яблочинский институтда ўзи бошчилик қилаётган химия тўғарагига талабаларни қабул қилиш маросимини мана бундай ўтказарди. Талаба Тредвеллнинг кислота ва ишқор томчилари ўйиб юборган жуда эски дарслигига қўлини қўйиб, қуйидаги сўзларни айтиши керак эди:

— Гелий элементи каби мағрур бўлишга, кальций хлориднинг сувни ютиши каби илмга чанқок бўлишга, водородни ажралиб чиқиши вақтидаги активлигидек, ҳар доим актив бўлишга... қасамёд қиламан!

○ ... Буюк физик Фарадейдан фанда шунчалик муваффақиятга эришганлигини боиси нимада, деб сўрашганида, у:

— Мен бошлаган ҳар қандай ишимни охирига етказаман,— деб жавоб берган.

Тўпловчи кимё фанлари номзоди **О. ХОЛБЕКОВ**.

Сиз ҳаётни қандай тушунасиз?

Худди шу мавзуда Тошкент шаҳридаги 59-мактабнинг 15 ёшли ўқувчилари ишро ёзишди. Биз ишонинг энг диққатли гапларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Мурод КОМИЛОВ:

«Ҳаётни кулгига ўхшатгим келади. Ахир кулгининг неча-неча тури мавжуд. Фақат комик кулгигина ҳақиқий кулгидир. Нима демоқчи эканлигимга тушунгандирсиз, устоз?»

Хондамир КАРИМОВ:

«Японларда шундай мақол бор: «Емон одамнинг дўсти бўлгунча, яхши одамнинг душмани бўлган афзал». Яшашни яхшига ёндошиш деб биламан».

Нафиса ҒОҒУРОВА:

«Баъзи бировлар яшаш учун овқатлансалар, баъзи бировлар овқатланиш учун яшайдилар. Бундай текинхўр, текинтомоқларга пок, виждонли одамлар орасида ўрин бўлмаслиги керак».

Нилуфар АҲМАДЖОНОВА:

«Ҳаёт мен учун эриётган шам эмас. У менинг қўлимга бир лаҳзагагина берилган ва мен уни келажак авлодга тўғқизишдан олдин мумкин қадар ёруғроқ аланга олишига эришишим керак бўлган машғаладир».

Азизбек НУРМАТОВ:

«Янги туғилган гўдак ҳам ўз онасига талпиниб яшайди. Шу биргина талпиниш билан бирга у ҳаётга илк қадам ташлайди. Улғаяди. Унга катталар йўл кўрсатади. Ана шу кўрсатилган йўл унинг ҳаётини ҳал этади».

Барно КАМОЛОВА:

«Қўшимизникидан ариқ оқиб ўтади. Бир кунни ундан бир нимани тутиб олишди. Қарашса целлофан халтага солиб, ўралган чақалоқ! Мен ҳам кўрдим. Ушанда ҳаётнинг қанақалиги ҳақида биринчи марта йўлаб қолдим».

Баҳодир АЛИМОВ:

«Ҳаёт — туғилгандан кейин қандай бўлсада ёшини яшаб ўтишдан иборат эмаслигини тушунман. Аммо қандай яшашни ҳали билмайман».

РЕДАКЦИЯДАН: Хўш, бизнинг 15 ёшли муштарийларимиз ҳаётни қандай тушунишар экан? Мулоҳазаларингизни кутамиз.

Андре Моруа ҳикматлари

Муҳаббатнинг туғилишида севишганлар келажак ҳақида гапиришади, унинг сўнишида эса — ўтмиш ҳақида.

* * *

Менинг жиддийликка мойиллигим шунга олиб келдики, энг кўп қониқишни болалар билан бўлган суҳбатдан оламан.

* * *

Ҳаётни тажрибаларимизни бошқаларга юқтири олганимиздагина у бизга қувонч бахш этади.

* * *

Баҳса энг қийини ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш эмас, аксинча у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлишдир.

* * *

Катта психолог ва жиддий инсон Генри Жемс «Фақат гийбат ёрдамидагина инсон ҳақида бирор нима билиш мумкин», — деганди.

* * *

Тинимсиз вайсақилик ҳеч нимани бор қилишга қодир эмас. Ҳосилнинг егилиши учун вақт керак, ахир.

* * *

Биз фақат севган одамларимиз билангина очиқ-ойдин, самимий бўла оламиз.

* * *

Тарбия кўрган одам ҳеч қачон оддий суҳбат жараёнида ўзининг илоҳий қарашларига тил теккизмайди.



* * *

Аёл ўз дугонасига «фақат ҳеч кимга айтма» деб сирини ошкор этдимиз; демак, у шу гап тезроқ тарқалишини хоҳлайди.

Рус тилидан Мирзаумар **ХАЛИЛОВ** таржимаси.

Эртақнинг туғилиши

Василий Александрович Сухомлинский ўзининг олти ёшли ўқувчиларига тонг манзараларини кўрсатиш мақсадида қишлоқ чеккасига олиб боради. Улар баланд тепаликка етиб келишганда бутун борлиқни нурга белаб, ўрмонлар ортидан қуёш кўтарила бошлайди. Бундан ҳайратга тушган Катя исмли қизча ўртоқларига ўгирилиб дейди: — Қаранглар, болалар, қаранглар, офтоб ҳамма ёққа зар сочиб юборяпти.

СОҒАТ

— Катя тўғри айтпти, — деди Василий Александрович. — Қуёш ростанам зар сочяпти. Биласизларми, Қуёш қаерда яшайди? Жудаям баландда, ҳув осмону фалақда. Унинг иккита темирчиси, яна темир парчинлайдиган олтин сандониям бор. Тонг маҳал темирчилар оловранг соқолларини селкиллаштириб Қуёшнинг ҳузурига боришади. Қуёш бўлса уларнинг қўлига бир боғламдан икки боғлам кумуш тола тутқазди. Темирчилар уни олиб олтин сандонга қўйишади-да болгалари билан гурс, гурс парчинлай бошлашади. Чунки улар бу кумуш боғламларидан Қуёшга гулчамбар ясашлари керак бўлади. Шунинг учун ҳам болга олтин сандонга ҳар сафар гурсиллаб тушганда ундан чор-атрофга зар учқунлар сочилади. Кечга бориб, гулчамбар тайёр бўлади, темирчилар ҳам чарчашади. Кейин улар гулчамбарни олиб қуёш ҳузурига боришади. Қуёш миннатдорчилик билдириб, гулчамбарни олтин сочли бошига кияди-да, дам олгани боғи-эрамига тушиб кетади.



Топишмоқлар

Тунда чироқ ёқади,
Минг кўз билан боқади.

(Осмон)



Улкан муз тоғ сузади,
Океанни кезади.

(айсберг)

Бир топишмоқ айтайин
Мен сенга Қурдош.
Айтчи нима юз йилда
Улгаяр бир ёш?

(аср)

Топ қани чангалзорнинг —
Шоҳи деб аташади.
Лофчилар эса уни
Пашшадан ясашади.

(фил)

Тошпўлат МАВЛОНОВ

Ўқинг, қизиқ!

Агар инсон 70 йил яшаса, у қарийб 23 йил ухлайди, 13 йил гапиради ва 6 йил овқатланади, 1,5 йил ювинади.

Одам 70 ёшга тўлгунча 10000 литр сув, 1000 килограмм ёғ, 7000 килограмм нон, 2000 килограмм гўшт, 4000 килограмм балик, 5000 килограмм картошка, 5000 та тухум, 3000 литр сут, 500 килограмм қанд, 500 килограмм туз, 1000 килограмм мева-сабзавотлар истъеомол қилар экан.



Ҳиндистон вилоятларидан бирида шундай қизиқ одат бор. Агар мактаб ўқувчиси бирор сабаб билан мактабга кела олмаса, унинг ўрнига отаси ёки онаси дарсга қатнашиши мумкин.

Йирик йиртқишлар орасида энг кичик юракли ҳайвон — шердир.

Тўпловчи Икромжон САРИМСОҚОВ.

Ислом тарбия мактабидан

Жаннат ва дўзах ҳақида кўплаб ҳикоя ва ривоятлар мавжуд. Халқ педагогикаси шулардан бошланар эди, сир эмас, ҳозир ҳам кўп оилаларда фарзандларига сингдириб боришади. Бундай ҳикоя ва ривоятлардан мисол келтираман. Сизлар тўғри хулоса қилиб оласизлар деб ўйлайман.

«Сахий ва баҳил эр-хотуннинг ҳикояти» да андоғ ривоят қиладурларким, бир қиз йиғлаб Пайгамбар қошларига келиб айтдиким: «Йо расул-ло! Отам ва онам вафот бўлди. Уларнинг фироқида бисёр хароб бўлдум. Ушбу кеча туш кўрдум, қийомат-қайин бўлуб, халқ аввалин ва охири ораста ҳозир бўлдилар. Ҳар тарафда зўр ғавғо кўпор эрди. Бул қиёматда турубдурлар. Отам бирла онамни истаб юрур эрдим, ногоҳ кўзум дўзахга тушти. Онамни кўрдум. Дўзахда куёдур, аммо икки қўлида икки пора латаси бор. Ўт ҳар томонидин келса, латтани шул тарафга ҳавола қиладур. Ман сўрадим: «Эй она, на сабабдин бу балога гирифторм бўлдунг?» Онам айтдиким: «Эй қизим, мен бағоят баҳил эрдим ва ҳамиша отанг ризоси учун иш қилмас эрдим. Тамоми умрумда ушбу икки (пора латта) кўхнадин ўзга нимарса ҳайр қилғоним йўқ учун дўзахга грифтор бўлдум. Эй қизим, бағоят ташна бўлубдурман, отангдан манга сув тилаб бергил, — деди. «Отам қайдадур?» — деб сўрадим. Айдиким: «Жавонмардларнинг қаторида жаннатдадур, аршнинг ёнида боққил,» — деди. Андин сўнг бориб отамни аршнинг ёнида кўрдум. Жаннатда, аршнинг ёқасида туруб халққа сув берур. Ман яна, йо Расул-лло, сизни кўрдум, ёронлар бирлан барча халойиққа сув берурсизлар. Чун отамни бу иззат ва бу мартабада кўрдум. Айтдим: «Эй ота! Оллоҳ сизни бу саодатга мушарраф қилибдур, онамни дўзахқа гирифторм қилибдур. Эмди бир қадаҳ сув бергил, элтиб онамга бергайман» — дедим. Отам айдиким: «Оллоҳ кавсар сувини дўзахдаги одамларга харом қилибдур». Яна айтдим: «Эй ота, агар бир қадаҳ сув бермасанг, бир қатра сув бер», — дедим. Бир қатра сувни қўлумга томизиб берди, элтиб онамга: «Оғзингни оч» — дедим. Очти, фи ал-ҳол оғзига қуйдум. Шул замон бир фаришта ҳайбат қилиб айтдиким: «Оллоҳ санинг қўлуниги қурутгай, дўзахнинг оғзига кавсар сувини қуйдунг», — деб. Ул ҳайбатдин уйғондим. Икки қўлум қурубдур. Йо Расул! Воқеа бу эрдиким, арз қилдим. Пайгамбар дуо қилдилар, қўлим дуруст бўлди.»

Х. БОБОБЕКОВ тайёрлаган.

Луғат дафтарингизга:

Жумҳуриятимиз мактабларида эски ўзбек ёзувини ўрганиш билан боғлиқ тўғараклар очилгани ҳақидаги хушхабарлар редакциямизга келиб турибди. Албатта эски ўзбек ёзувини ўрганишдан мақсад қадимги қўлёзмаларни ўқиш, тадқиқ этишдир. Бунда сиз тушуниш қийин бўлган сўзларга дуч келишингиз табиий. Биз тушуниқсиз сўзлар луғатини бериб борамиз. Махсус дафтар тутиб ёзиб бориңг.

Асо — ҳасса.
Асҳоб (бирлик, соҳиб) — суҳбатдошлар, ҳамсуҳбатлар, улфатлар, дўстлар.
Арш — худонинг тахти, осмоннинг энг юқориси.
Бароқ — порлоқ, тиниқ.
Вадрўй — ҳунуқ, башараси совуқ.
Барҳақ — ҳақиқатан ҳам мавжуд, ҳақиқий, чин, рост.
Бақар — ҳўкиз, сигир йили.
Беҳишт — жаннат.
Бода — май, ичкилик, шароб.
Вахий — гўё худо томонидан пайгамбарга Жабраил фаришта орқали келтирилган хабар, буйруқ ва шу каби.
Воқиф — бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеа, ҳодисадан махфий нарса, сир ва шу кабудан хабари бўлган, хабардор, бохабар, билган.
Гов — мол, ҳўкиз.
Дафъатан — кутилмаганда, бирдан, тўсатдан, қўққисдан, дастлаб, бошда, аввалига.
Даҳма — қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, мақбара.
Жаҳд — инкор, тониш, рад қилиш, билиб туриб инкор қилиш, тиришиш, астойдил ҳаракат қилиш, саъй қўшиш.
Жох — мансаб, юқори даражали ўрин, амал, мартаба.
Жовид, жовидон, жовидона — абадий, доимий, мангу, мудом, доимо.
Заҳмдор — ярадор.
Забур — гўё худо томонидан Довуд пайгамбарга юборилган муқаддас китоб.
Зоҳид — дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх.
Зоҳир — кўриниб турган, очиқ-ошкор, юзадаги сирт, сиртқи томон, сиртқи кўриниши, очиқ-ойдин, равшан.
Зухур — зоҳир бўлиш, кўриниш, пайдо бўлиш.
Ибодат — Худога қуллуқ қилиш, сиғиниш ва шу муносабат билан бажариладиган маросим, намоз, топиниш.
Истимдод — ёрдам сўраш, мадад тилаш.
Истихора — диний тушунчага кўра кўнгилдаги мақсаднинг ҳосил бўлиш ёки бўлмаслигини билиб олиш тилагида туш кўриш учун ниёт қилиб ухлаш, туш орқали фол кўриш.
Истиғфор — гуноҳни кечиришни, авф этишни сўраш.
Ибо — тортиниш, кўнмаслик.
Имом — пешво, намозда олдинда турувчи, намозда жамоатнинг олдида туриб намозни бошқарувчи, уларни ўзига иқтидо эттирувчи шахс, руҳоний, домла.
Имон — ишонч, эътиқод, худога кўнгулда ишониш ва тилда иқрор қилиш. Имон келтирмоқ — «Лойлоҳа» оятини ўқиб, худога ишонч-эътиқод билдирмоқ.
Кавсар — жаннат булоғи.
Карам — яхшилиқ, олижаноблик, эҳсон, марҳамат, сахийлик.
Карим — карамли, сахий, олижаноб.
Кўпгил — тургил.
Қад — иш, меҳнат, юмуш.
Каманд — бўғов, сиртмоқ, тузоқ, ов илинтирадиган нарса, арқон.
Муҳтасиб — эҳтисоб этувчи, шариатга ҳилоф ишларини текширувчи, бозордаги тош-тарози ва нархларни назорат этувчи.
Муфти — шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо.

(Давоми бор)

АЁЛ БАХТИ

Оилавий бахт... Қалбнинг нақадар буюк истаги бўл-маса бу! Уни бор ҳарорати билан қоғозга тушириш мушкул. Шунинг учун ҳам мушкул-ки, уни сўз билан аглайтиб бўлмайди. Уни фақат чақноқ кўзларнинг қанчалар чақнаганига қараб аглаш, ҳис қилиш мумкин...

Мен бахтли оила ҳақида ўйлаганимда доимо Дилором опа Қодированинг оиласини эслайман. Дилором опа олима, педагог. Политехника институтининг доценти, техника фанлари номзоди. Турмуш ўртоқлари Абдусаттор ака Қодиров ҳам политехника институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудир, иқтисод фанлари доктори. 3 та фарзандлари бор. Дилобар толиба, ўғиллари Бахтиёр ва Жамшидлар мактаб ўқувчиси. Дилором опа уччала фарзандини оёққа кўйди, уй-рўзгор, педагоглик, жамоат ишларидан ортиб илмий иш билан шуғулланишга ҳам вақт топди. Мен халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Дилором опа хонадонда бўлдим ва уларга ўзимни қизиқтирган саволларни бердим.

— Дилором опа айтинг-чи, сиз ўзингизни бахтлиман деб айта оласизми!

— Ҳа, албатта!

— Бахтлиман деб айта олиш учун киши қандай фазилатларга эга бўлиши керак!

— Бахтлиман деб айта олиш учун кишида сабртоқат, чидам бўлиши, ғайрат билан тинимсиз меҳнат қилиш лозим.

Бизнинг ҳам қийналган пайтларимиз жуда кўп бўлган. Ҳозир мана шу биз яшаётган маҳалла ўрни бундан ўн тўққиз йил олдин кўп-қуруқ ер эди. Ана шу ерлар участка қуриб, обод қилиш учун одамларга бўлиб берилди бошланди. Қайнотам бизга ҳам шу ердан

жой олиб бердилар. Турмуш ўртоғим иккимиз мана шу сиз кўриб турган уйни ўн тўрт йил давомида қуриб битказдик. Бунинг орасида мен ҳам, Абдусаттор ака ҳам илмий иш олиб бордик. Дастлаб Абдусаттор ака номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилдилар. Бу орада болалар катта бўлиб қолгани учун мен ҳам кўп вақтимни илмий ишга бериш имкониятига эга бўлдим. Уша йиллар биз учун ниҳоятда қийин кечди. Биринчидан бунга турғунлик йиллари сабаб бўлди. Абдусаттор ака илмий ишларини ҳимоя қилиш учун Ленинград, Тбилиси шаҳарларига қатнаб анча қийналдилар, бу шаҳарларга бир неча бор қатнашимизга тўғри келди. Ушанда таниш-билишчилик кучайган пайтлар эди-да. Ана шундай сарсонгарчиликлар жонимга тегиб кетганлиги учун мен илмий ишимни Ростов-Донда ҳимоя қилишга қарор қилдим. Чунки у ердаги илмий марказда билимга талаб ниҳоятда кучли, таниш-билишчиликка йўл йўқ, ҳақиқат бор эди. Ишимни икки марта қайтаришди. Янада пухта тайёрлаш мақсадида лабораторияда бетон қуявериш қўлларим тарс-тарс ёрилиб кетган, тирноқларимда бетон қоришмалари қотиб қолган. Илмий ишга мавзу танлаш тарихи ҳам қизик бўлган. 1982 йилда мени институтдан Киевдаги инженер-қурилиш институтига малака оширишга юборишди. У ерда бизга Виктор Дмитриевич Глуховский лекция ўқирдилар. У киши мени «Ишқорли бетонлар» мавзусида илмий иш қилишга таклиф қилдилар. Қайтиб келгач, профессорнинг таклифини турмуш ўртоғимга айтган эдим улар ҳам рози бўлдилар. Илмий ишим мавзунини «Бархан қуми ва иккиламчи ресурслар асосида бетон ишлаб чиқариш» деб ўзгартирдим. Сабаби ишқор бизнинг ма-

ҳаллий шароитимизда йўқ, ҳисоби. Демак қилган ишим ҳам фойдасиз. Бизда қандай қурилиш материаллари кўп! Ана шулардан унумли фойдаланиш керак. Нуқус тарафларда, Тўрткўлда катта-катта қум барханлари бор экан. Цемент ҳам кам сарфланди. Демак қумдан фойдаланиш қулай...

— Дилором опа, фарзандларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Оиламизда ҳеч кимнинг бўш вақти бўлмаган ҳисоб. Дилобар доришунос бўлишни орзу қилганлиги сабабли мактабнинг 7-синфида ўқиб юрган пайтида-ноқ лотин тилини ўргана бошлади. Айтгандек, ўзим ҳам Охунбобоев номидаги медицина билим юртини доришунослик бўлимини тамомлаганман. Дилобар билмаганини мендан сўрайди. У турли кондитер маҳсулотлари пиширишни ҳам ўрганиб олган.

Бахтиёр эса ўзбек классик адабиётига жуда қизиқади. Навоий, Бобур ғазалларини севиб ўқийди, улардан бир қанчасини ёд олган ҳам. У инглиз тилига ҳам жуда қизиқади. Бу тилни билганлигим сабабли ўзим ўргатяпман. Ундан ташқари олдимиздаги спорт секциясида теннис билан ҳам шуғулланади. Бахтиёр бу йил мактабни тамомлапти. Мен унга халқаро экономика факультетига кириб ўқишни маслаҳат берардим. Лекин у савдо соҳасига кириб ўқишни хоҳлапти. Майли, шуни истаса, мен нима ҳам дердим. Умуман болани ўз ҳолига қўйиш керак. Тил ўргангани эса унинг фойдаси.

Жамшид табиатга қизиқади. Ёзда келинг, кўрасиз, ҳовлимиз гулзор бўлиб кетади. Ботаника ўқитувчисида маслаҳатлар олиб туради. Ҳайвонларни яхши кўради. Иккита типратикани, тошбақа ва овчарка ити бор. Жамшиддан келажакда яхши биолог чиқса керак.

— Самимий сўхбатингиз учун катта раҳмат! Сизни журналхонлар номидан халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз!

— Раҳмат!

Сўхбатни М. ҲАКИМОВА олиб борди.



Мухайё МИРСАИДОВА

Бахт учқуни

Кўзларингда порлаган жоду
Сингимоқда нур бўлиб менга.
Шундай нурки, қуёш нури ҳам
Ерқинликда тенг келмас унга.

Ёғду сочиб турувчи бетин,
Кўзларингга мен боқаман жим.
Улар сирли оламдан сўзлар,
Яйраб кетар беором дилим.

Чорлаб қалбим асир айлаган,
Кўзларингдан ёғилган ёғду
Завқу-шавққа солар тоҳида,
Бахт учқуни эмасмикан у...



Етим бола ноласи

Ой ҳам онангман деб тунлар бошимда
Ҳазин-ҳазин алла айтади ёниб.
Қуёш — отангман дер кундуз қошимда,
Тунда-чи фурсат йўқ, кетади тониб.

Соғинчнинг кўксига бошини қўйиб,
Музлаган бағримда қисмат сўзлайди.
Омадсиз боланинг дардидан тўйиб,
Бардоши етмасдан олам бўзлайди.

Тун бўйи ухлолмай, ўзимга ўзим
Саволлар бераман «Айбим нима?» деб.
Нигоҳимда қотган яширин сўзим,
Юзим кулса ҳамки кулмайди кўзим.

Дардларим яширган сирли бир кўза —
Қалбимни ёраман дўст деб самога.
Ҳазабини чақмоқ эгиб овоза
Осмон ҳам йўллайди томчи давога.

Фасли ҳазон инграр қалбим боғида,
Апроқдек тўкилмас лекин хисларим.
Сабр дарахтиман менинг шохимда
Умид гуллар бир кун, қолар изларим!



ХОТИРА

Опам Бухолча Муҳамадамин қизи хотирасига

Дардли кунларимда сирдош бўлганим,
Ҳар ишда онамга йўлдош бўлганим,
Шунчалик бўларми бардош дегани;
Дард чекиб, шикоят қилмаган опам.

Сиз торган азобга термулдик ночор,
Табиблари ночор, шифокор ночор,
Укалар парвона бўлсада минг бор,
Қайга йўл олдингиз опажон?

Тўшаклар боганди танангизга-я,
Малҳам бўлолмадик ярангизга-я,
Етимлик ярашмас болангизга-я,
Қайга йўл олдингиз опажон?

Дилфуз йўлингизга ҳамон кўз тутар,
Маҳбуба келгандан ширин сўз кутар,
Матлубангиз охи тошни эритар,
Қайга йўл олдингиз опажон?

Кўнмоқдан йўқ ўзга чорамиз,
Эслашдан йўқ экан чорамиз,
Қўмсаб бағри пора-порамиз,
Опагинам сиз йўқсиз холос.

Гиппократ қасами ичилаверар,
Пахта бор, дорилар сепилаверар,
Улимга сабаблар топилаверар,
Опагинам, сиз йўқсиз холос.

Ўғил қизларингиз ёдгордир сиздан,
Экан дарахтингиз ёдгордир сиздан,
Юрган йўлларингиз ёдгордир сиздан,
Фақатгина сиз йўқсиз холос.

Едимдан сал нари кетмай сиз опа,
Ногаҳон гўдакка жилмайиб боқдим.
Азалдан ҳаётнинг ўзи шунақа,
Фақатгина сиз йўқсиз холос.

Абдурахмон ЖУРАЕВ.

Муҳаббат кўзларда

Енгил шабада юриб, кундуз билан куёш тигида қизиган асфальт кўчаларга салқин тушди.

Театр ёнидаги хиёбонда сайр қилиб юрган эдим. Чеккароғдаги чинор тагида турган йигит диққатимни ўзига тортди. Ихчам кийинган, тумшуги узун туфлиси электр шуъласида ярақлаб кўринарди. Тез-тез соатига қараб уёқ-буёққа аланглайди. «Тоқатсиланиб кутяпти» деб ўйладим. Ешлигим, интизор бўлиб кутган даврларим эсимга тушиб кетди. Қизиқиб, уни кузатмоқчи бўлдим.

Ҳаял ўтмай йигит олдига хонатлас кўйлак кийган нозиккина қиз келиб тўхтади. Иккови бир-бирига ширин табассум қилди-ю, қўл узатишиб кўришмади.

— Узоқ куттириб қўйдимми? — деди қиз майин овоз билан.

— Йўқ... Мен...

Йигит қизнинг юзига қаради-ю, гаплари оғзидан тушиб кетди. Қизнинг сугта чайқалган тиниқ юзлари, устки лабининг ўнг томондаги билинар-билимас майда холи, уялинқираб қараган кўзлари сеҳрлаб қўйдими, йигит жим бўлиб қолди. Сўнг олдинга қараб аста-аста қадам ташлади.

...Уларни кузатиб туриб, Нозик билан танишган пайтларим эсимга тушди. Мен педагогика институтида ўқирдим, у медицина институтида. Тез-тез учрашиб турардик. Қани энди, севгимни юзига очик айтолсаму, кундан-кун аланга олаётган қалбимни тинчитсам. Ҳар дафъа навбатдаги учрашувда изҳори дил қилишга аҳд қилардим. Учрашганда эса... Унинг тонг инжуларидай тиниқ юзларига, ҳақиқ лабларига қарардим, ҳозирги йигитдай гуң бўлардим-қолардим...

Ҳамон эсимда. Бир оқшом шу йўл билан мажнун толлар шохини ларзон ташлаб турган хиёбонга бордик. Нозик тол тагида тўхтади. Мен беш-ўнта новдани ушлаб, Нозикка тикилдим. Нозик менга... Мен умримда ҳеч қайтарилмас ҳислар оғушиданман. Табиатнинг кўзга кўринмас сеҳргарлигининг кучини кўриб турардим. Эҳтимол, яна шу сеҳр домига тушганим учун тилимга бирор калима сўз келмасди. Ушанда ҳам кўнглим: «Гапир, дилингдагини тилингда чиқар!» дерди.

— Биласизми, Нозик, мен сизга... ҳалиги... бир нарсани...

У бармоғи билан лабимни тўсди:

— Биламан, — деди-да, енгил кулди. Кулгиси аста-секин майин табассумга айланди.

— Нимани биласиз? — дедим юрагимни қалтироқ босиб.

— Нима демоқчи эканингизни! — деди-ю, кўзи билан бирга юзлари ҳам чақнаб кетди назаримда. Қўлимни қўйиб юбориб, энг бахтиёр қушдай парвоз қилгиси келди. Мен унинг орқасидан чопдим. Кейин билсам қалбимда борини кўзим ифода этган экан ўшанда...

Бу ширин хотирадан кўнглим яйраб кетди. Бу дамда ошиқлар мендан анча олисда қўл ушлашиб боришарди... Мен у йигитга «дилинг тилга кирмаса ҳам майли, муҳаббат кўзларда» демоқчи эдим, айтолмадим...

Ҳарорат

Мен у пайтда анча ёш эдим. Гулни жону дилимдан севардим. Ҳовлимизда бир атиргулнинг ўзидан ўнга яқин хили бор эди. Эрта кеч уларнинг атрофида парвона бўлиб, гунчаларнинг барг ёзишини ҳавас билан кузатардим.

Уйнинг ўнг ёнидаги пушти атиргулда икки та гунча пайдо бўлди. Иккови ҳам бир хил яшнади, уларнинг очилишини қизиқиб кутдим. Бир куни эрталаб қарасам, ҳалиги гунчаларнинг бири чиройли барг ёзибди. Иккинчи гунча эса очилмай турипти. Нега бундай? Гунчаларнинг иккови ҳам бир вақтида кўриниб, бир хил ўсган эди-ку! Ҳайрон бўлиб, гулга тикилиб турган эдим, ичкаридан ойм чиқдилар.

— Ҳа, болам, гулга тикилиб қолдинг?

Мен ҳалиги жумбоқнинг сирини сўрадим.

— Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, ўғлим! Табиатнинг оддий қонуни бу.

— Қандай?..

— Биласанми, дунёдаги ҳамма нарса нур, ҳарорат билан яшайди. Қара, гунчаларнинг бири кун чиқар тарафда бўлгани учун куёшдан нур эмиб, ҳарорат олиб очилди. Иккинчиси эса пастроқда, баргларининг соясида экан. Тушдан кейин бир назар ташлагинчи!

Ойм тўғри айтган эканлар. Эрталаб очилмай турган ҳалиги гунча ишдан қайтганимда куёшга қараб кулиб турардим...

Мен у пайтда ёш эдим. Лекин, ўшандаёқ ноёб сирни ўзим учун кашф қилганим. Унга ҳовлимиздаги гуллар сабаби бўлганди.

Шу-шу мен одамларга: «Келинг, юрак меҳримизни, қалб ҳароратимизни бир-биримиздан аямайлик!» дегим келади. Ўзим эса, ҳароратга муштоқ дилларга озгина бўлса-да, қалб кўримни беролсам, шунини Бахтим деб биламан...

Сув чайқалди

Куз пайти. Адҳам иккаламиз саёҳатга чиқдик. Узоқ йўл босганимиз учунми, чанқадик. Оёқларимизнинг мадори қуриди. Қани энди, бир култумгина сув топилса. Умид билан тоғ оралғи томон йўл олдик. Уйноқлаб оқаётган сувга кўзимиз тушди-ю, бизга бир оз жон кирди.

Ҳовучимни сувга ботириб, тўрт-беш марта хузур қилиб ичдим. Аъзойи баданим яйради. Бир дамда чарчоғим ёзилиб, ўзимни тетик сездим. Табиат каромати, ойнадай тиниб оқаётган зилол сувнинг сеҳри ҳаёлимни эгаллаб олди, кайфия-

тимни кўтарди. Сув остидаги ранг-баранг тошлар, ўйнаб юрган балиқчалар ўзини кўз-кўз қиларди...

— Сувнинг оқишини қара, Адҳам! Жуда чиройлик-а? — дедим яси тошга чўккалаб сув шимирётган йўлдошимга. Адҳам сувга тўйиб, жойидан турди. Менга яқинроқ келди. Икки қўли чўнтагида.

— Ҳа, чиройли! — деди-да, турган ерида сувга қараб тупурди.

Юзига тушган бу доғдан норози бўлгандай сув бир чайқалди-ю, уни ўз оқимида олди. Мен сув юзида қалқиб кетаётган тупукка қараб, хаёлга чўмиб қолдим...

Бундан сал илгари сувсаб, бир култумгина сув излашга тушгандик. Фикру ўйимиз сувда эди. Мана энди... Дўстим эса бепарва, ҳеч нима бўлмагандай икки қўли чўнтагида турибди. Ҳеч нима бўлмагандай...

Қалб жароҳати

Кўричак бўлиб, касалхонага тушдим. Палатада «оҳ-воҳ» қилиб ётганларни кўриб, бир касалим икки бўлди. Ҳар ким ўз дардидан нолийди.

Бош врач келиб кўрди-ю, ҳамширасига мени тезда операцияга тайёрлашни айтди. Жон ширин эмасми, кўрқдим. Этларим бўшашиб рангимда қон қолмади... Чап томонимда ётган мўйсафид мени кўрқув босганини пайқайди шекилли, ётган жойида бошини кўтариб:

— Кўрқманг болам, умрингдан бергур жуда қўли енгил дўхтур экан. Ундан шифо топмаган бирор бемор йўқ! — деди.

Мўйсафиднинг гапи бир оз дадиллик берди.

— Ростданми, ота! — дедим зўрға тилга кириб.

— Ёлғон гапиришни ёқтирмайман, ўғлим, — деди у яна врачни мақтаб.

...Операция ота айтгандай муваффақиятли ўтди. Кўзимни очдим-у, ўзимни ҳалиги палатада, ўша ширин сўз отахон ёнида кўрдим.

— Айтмадимми, болам, кўрқманг, деб! Уч-тўрт кунда соғайиб кетасиз?! — деди мўйсафид самимий.

— Раҳмат отахон, менга далда бердингиз! — миннатдорчилигимни билдирдим.

— Раҳматни менга эмас, табибнингизга айтинг!.. Орадан икки кун ўтди. Оғриқ енгиллашгандай бўлди. Лабимга табассум югуриб, отахонга қарардим.

— Қандай, ўзингизни дуруст ҳис қиляпсизми? — сўради ота.

— Раҳмат! Оғриқ йўқолди. Ўзингиз-чи, ота, дурустмисиз?!

— Нима десам, болам! Кечаси яна ухлолмай чиқдим.

— Нимага?

— Юракни мазаси йўқ.

— Касаллик яқинда пайдо бўлдимми?

— Э, сўраманг, болам!. Бунитарихи узоқ. Ингирма беш йилдан ошди бу дардга чалинганимга. Лаънати уруш берди менга бу касалли. Шер юракли икки ўғлим бор эди. Бир кунда урушга кетди. Шу кетганича қайтиб келмади... «Қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деб қора хат олдим... Ушанда қаттиқ таъсирланган эканман...

Мўйсафиднинг қалб ярасини янгилаб қўйганимга пушаймон бўлдим.

Сукут сақлаб ерга қарардим.

— Шундан бери юрак касалига мубталоман! — деб ота ўрнидан секин қўзғалди.

Ота аста-аста дераза олдида борди. Ойнани очиб, ташқарига тикилди. Ўзимни аяб, каравотга ўтириб олдим. Кузатиб турдим. У тўйиб-тўйиб нафас оляпти.

— Ота, — дедим оҳиста. У «нима дейсан?» деган мазмунда қайрилиб, юзимга тикилди. — Ўзингиз бу врачнинг қўли енгил, ундан шифо топмайдиган одам йўқ», дегандингиз. Сиз ҳам тезда соғайиб чиқасиз!

— Рост, ўғлим, шифокорлар инсоннинг ҳамма дардига даво топади, — мўйсафид менга яқинроқ келди. — Аммо қалб ярасини даволаш мушкул экан...

Шу-шу ўйлайман. Нахот, қалб жароҳати инсон учун ҳамма дарддан кучли бўлса?!..



1960-ЙИЛЛАР. ТОШКЕНТДАГИ КИЧИК ЖАЗ АНСАМБЛЛАРИ

1960 йилларга келиб эстрада ва жаз санъатининг ҳар бири ўзининг алоҳида йўналишига эга бўлди. Уларнинг кейинги равнақи бир-бирига боғлиқ ҳолда кечмади.

Уша пайтларда жаз музикаси бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи фестивалда чолғучилар орасида жаз музикаси ва унинг турли йўналишларини пухта эгаллаган ёшлар борлиги кўзга ташланади. Шундай қилиб бу ёшларга суянган А. Кролл раҳбарлигидаги эстрада театри Ўзбекистон эстрада оркестри ва бу ерга ташриф буюрган шаҳарлик талантлар ҳамкорлигида жаз концертлари қўя бошлади. Шаҳарлик музикачилар ҳамisha меҳмонлар билан бирга сахнага чиқишга шай бўлишарди. Бундай ҳамкорлик улар учун фақат байрамгина бўлиб қолмай катта бир мактаб ҳам эди. Чунки ҳали бу соҳада магнитофон ёзувлари киёмига етмаганди, меҳмонларда эса жаз ноталари бўларди.

Ҳар бир чолғу асбобининг ўзига хос сир-асрори бор, уларни билмай туриб жазда ўйнаш қийин. Шунинг учун ҳар бир тайёргарликсиз чиққан бадиҳагўй ўзи севган бир туркум ижрочиларга тақлид қиларди. Шунинг учун ўзаро учрашуларда улар музика санъатидаги ижобий янгиликлардан баҳраманд бўлишарди.

Улар гоҳида янги ёзувлар ва музикаларни эшитиш учун меҳмонлар билан пианист Э. Гусакowski ёки саксафончи Ю. Живаев хонадонига тўп-ланишарди. Шунда уларнинг уйлари «жаз-клуб» га айланарди.

Ёш жаз шинавандалари ўзларининг имкониятларини байрам учрашувларида, ўйин майдонларидаги танаффусларда намойиш қилиш имконига эга бўлишарди. Бундай чиқишлар ижрочиларга ҳам, тингловчилар учун ҳам фойдали эди, чунки кўплар бу ерга атайин ўзларининг севимли ижрочиларини ҳамда жаз музикасини тинглаш учун келишарди. Уша пайтларда пианистлар М. Шапиро, Е. Живаев, Н. Алешин, саксафончилар Ю. Живаев, Б. Шамшидов, бас ижрочиси Л. Хавкин, Р. Клеблеев, барабанчилар Э. Горожанин, М. Гольдинцвейглар омма орасида анча танилиб қолганди. Бу музикачиларни офицерлар уйи ҳамда темирўлчилар маданият саройи ўйин майдонларида, 1-май боғида, вино заводи маданият саройида эшитиш мумкин бўларди. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги республиканинг етук жаз санъати намоёндаларига айланди.

Сўнгра клублар қошида жаз ансамбллари ташкил этила бошлади. Айниқса, шаҳар сув хўжалиги ва канопо фабрикаси клуби қошида ташкил этилган диксиленди анчайин доврўқ таратди. Уларнинг чолғу асбоблари орасида диксилендга яқин асбоблар пайдо бўлди. Натижада улар энди одатдаги жаздан кўра янада жозибалироқ куй-қўшиқлар ижро эта бошлашди. Бу группадagi трубаачи В. Александров, тронбон чалувчи Г. Москоленко, саксафон ҳамда пианино чалувчи Е. Аренберглар ҳам ўз ишларининг мохир усталари эди. Диксиленди ва мустаҳкам ритм-группа

сафида гитарачи Ю. Волков, контрабаст чалувчи А. Похотин, барабанчи Ю. Мельников ва В. Пивоваров бор эди. Коллективнинг концерт программалари одатдаги жаз музикалари ҳамда совет композиторларининг ишлов берилган қўшиқларидан иборат бўларди.

Иккинчи ансамбль жазга ўта меҳр қўйган ижрочилардан тузилганди. Уларни репертуарига ёки чолғу асбоблари турига қараб диксилендилар дейиш мумкин эди. Бу коллектив ўзига хос ижрочилиги, музика асарларини бошқа соз ва овозга мослаб қайта ишлашлари билан элга танилди. Бу шуҳратга аккордеончи А. Ярулис, трубаачи А. Осадчев, саксафончи О. Горобца, контрабасчи Е. Каплан ва барабанчи В. Майлян катта ҳисса қўшганди. Уларга аккордиончи Г. Примов ҳам тез-тез ҳамроҳ бўлиб турарди.

Юқорида тилга олганимиз — бу икки ансамбль ҳам шаҳарда ўзича донг таратган ва кўплаб шинавандалар меҳрини қозонган эди.

Кейинчалик жаз ансамбллари ўқув юртларида ҳам тузила бошлади. Уша пайтларда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти қошида ташкил этилган диксилендда ҳозирда машҳур жаз ижрочилари пианист ва бас қўшиқчиси ака-ука Владимир ва Вячеслав Сафровлар, ударникчи А. Петросов, тромбонист Л. Караванченколар бор эди.

1958 йилда Тошкент давлат консерваторияси қошида ташкил қилинган диксилендда ҳозирда СССР халқ артисти О. Бардина қўшиқ айтарди. Бу коллективга раҳбарлик қилган Е. Живаев қуйидагича ҳикоя қилади:

— Н. Бадхена бошчилигидаги Ленинград оркестри музикачилари Тошкентга гастролга келиб қолди. Улар бизнинг диксилендни эшитишиб кўришди, бизнинг музикачиларимизни ҳеч бир ёзув партияларсиз ўз ҳолича музика асарларини соз ва овозга мослашларини кўриб ҳайрон қолишди. Бу ҳол ўша йиллар учун камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди-да!..

Кўп ўтмай худди шу ерда, консерватория қошида Живаев беш вокалист ва олти инструменталистдан иборат бўлган яна бир коллектив тузди. Унинг репертуарида совет композиторлари қўшиқлари қаторида «юқори жазли» классика ҳамда Ж. Муллиган ва «Модерн жиз квартети» каби Америка ансамбллариининг композициялари ҳам янграй бошлади. Студентлар коллективининг ютуқлари шунчалик ҳайратланарли эдики, уларнинг қўшиқларини бир қатор жаз программаларига ёзиб олиш учун республика радиоэшиштириш Давлат комитети музикали редакциясига таклиф этишди.


Бу ёзувларда А. Кролл ҳам иштирок этди. Афсуски ёзиб олинган ушбу музикалар ҳозиргача сақлаб қолинмаган. Яна шуниси ачинарлики, ўшанда илк марта Тошкентлик музикачиларга «Учинчи оқим» руҳида музика ижро этиш синови бўлганди. Бунинг ташаббускори С. Мансуров эди. У 1960—1964 йилларда жаз ва унинг йўналишларида машҳур ижрочиларга бағишланган 16 та радиoproграмма ўтказганди. Уша даврлар учун бу ажойиб воқеа эди, чунки ҳали жаз Иттифоқ миқёсида умуман эфирга чиқмаганди.

Тошкентлик жаз музикачиларнинг профессионал маҳорати ўсишида 1962 йил ёзида бу ерга ташриф буюрган америкалик Бени Гудменнинг бич-бэнда оркестрининг ҳиссаси катта бўлди. Бу оркестр Сталин давридаги «темир парда» кўтарилгач бизни ўз жаз санъати билан ошно этга-

ни келган илк ансамбллардан бири эди.

1965 йилда консерватория қошида фақат жаз музикасини ижро этадиган квинтет ташкил қилинди. Унда В. Олейников (фортепиано), В. Караев (труба), К. Добровольскийлар ўйнашар, улар ижро этадиган қўшиқ ва куйлар муаллифи барабанчи Г. Некрасов эди. Квинтет репертуаридан классик жаз асарлари, қайта ишланган халқ музикалари ва уларнинг ўзлари яратган композициялар жой олган эди. Тез орада бу ансамбль билан ёш композитор Э. Қаландаров дарров ҳамкорлик қила бошлади.

Ёзги мавсумда квинтетни Горький номли боғ ўйин майдонида ишлашга таклиф қилишди. Бу ерда ансамблга Л. Караванченко, Некрасов ўрни-



га ударникчи М. Левинлар келиб қўшилди. Боғдаги ўйин майдони мириқиб жаз оҳанглариини тинглайдиган, ижро техникаси ҳақида янги-янги хабарлар эшитадиган, ансамбль билан биргаликда яйраб куладиган жойга айланиб қолди. Ҳатто бу ерга бошқа республикалардаги музикачилар ҳам тажриба алмашгани тез-тез келишар эди. Улар орасида фарғоналик саксафончи С. Гурбелашвили ҳам бўларди. Ҳозир у Иттифоқимиздаги энг машҳур музикачилардан.

Уша йилнинг декабрь ойида квинтет консерваториянинг концерт залида педагоглар ва талабалар олдида ҳисобот концерти қўйишди. Бу консерваториядаги концерт программасида фақат жаз музикаси оҳанглариининг илк бор янграши эди. Педагоглар фикри иккига бўлинди: озчилик жазни ёқлаб чиқди, ҳали жаз нималигидан бе-хабар, унинг биздаги тараққиётини билмаганлар эса қарши чиқди. Аммо икки тоифа ҳам квинтетнинг ижрочилик маҳоратини юқори баҳолашди. Студентлар эса ҳар бир композиция ва импровизацияни ҳаяжон билан қабул қилишди. Кейинчалик республикада узоқ йиллар энг яхши ижрочилар деб саналган ансамбль шу тариқа юзага келганди.

1967 йилга келиб квинтет янгиланди: В. Олейников ўрнини композиторлик факультети студенти, ашқободлик пианист С. Мухатов эгаллади. Ҳозир у Туркманistonнинг етакчи композиторлардан ҳисобланади. В. Караев ўрнига трубаач Ю. Парфенов келди. У ҳозир О. Лундстрем жаз оркестрида солистлик қилади. Барабанда эса А. Трацевский ўйнай бошлади. Сўнгги иккитаси асли фрунзелик бўлиб, жазда тайёргарликсиз ўйнай олишарди. Улар келиб ансамблнинг ижрочилик маҳорати ошди, замонавий жаз музикасини ўрганишга имконият кўпайди.

Янгиланган коллектив шаҳардаги энг келажаги порлоқ ансамбль сифатида барчанинг эътиборини торти. Тез орада квинтетни ТУРКВО ҳарбий қисмларига хизмат қиладиган «Туркистон юдузлари» эстрада группасида доимий ишлашга таклиф қилишди. Муқим иш ва машғулот учун жойнинг бўлиши квинтетнинг ижод билан чинакам шуғулланишига имкон яратди. Унинг одатдаги репетицияларида ҳам кўплаб жаз шинавандалари қатнашарди. Улар куй-қўшиқ тинглашар ҳамда жаз музикаси ҳақида, уни куйга солиш усуллари тўғрисида амалий йўл-йўриқлар олишарди. Бу ансамбль Ўзбекистондаги ёш жаз шинавандаларининг камол топишида ҳам сезиларли ҳисса қўшди.



كلام خاندان

Қадрли журналхонлар!

Эсингизда бўлса, «Ёш куч»нинг олдинги сонларида эски ўзбек ёзуви алифбоси босилган эди. Кўп сонли журналнинг обуначилари машғулотларни давом эттиришимизни сўрашган. Шунини ҳисобга олиб, эски ўзбек ёзуви алифбосини ўрганишга доир машғулотларимизни давом эттирамиз.

عرب-فارس الفباسى

АРАБ-ФОРС АЛИФБОСИ

Ҳарф ифода эт- ган то- вушлар	ҲАРФЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ				Ҳарфнинг номи
	Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Алоҳида ҳолда	
а, о	ا	ا	ا	ا	алиф
б	ب	ب	ب	ب	бе
п	پ	پ	پ	پ	пе
т	ت	ت	ت	ت	те
с	ث	ث	ث	ث	се
ж	ج	ج	ج	ج	жим
ч	چ	چ	چ	چ	чим
ҳ	ح	ح	ح	ح	ҳе (ҳойи хутти)
х	خ	خ	خ	خ	хе
д	د	د	د	د	дол
з	ذ	ذ	ذ	ذ	зол
р	ر	ر	ر	ر	ре
з	ز	ز	ز	ز	зе
ж	ژ	ژ	ژ	ژ	же

Маъмура РАШИДОВА,
Ўзбекистон фанлар академияси
Қўлёзмалар институтининг илмий ходими.

с	س	س	س	س	син
ш	ش	ش	ش	ش	шин
с	ص	ص	ص	ص	сод
з	ض	ض	ض	ض	зод
т	ط	ط	ط	ط	то
з	ظ	ظ	ظ	ظ	зо
ъ	ع	ع	ع	ع	айн
ғ	غ	غ	غ	غ	ғайн
ф	ف	ف	ف	ف	фе
қ	ق	ق	ق	ق	қоф
к	ك	ك	ك	ك	коф
г	گ	گ	گ	گ	гоф
л	ل	ل	ل	ل	лом
м	م	م	م	م	мим
н	ن	ن	ن	ن	нун
в, у, ў	و	و	و	و	вов
ҳ	ه	ه	ه	ه	ҳе (ҳойи ҳавваэ)
и, й, э	ی	ی	ی	ی	йо

АЖАЛ ЧЎҚИЛДИ

ЎЗИЛГАН ҲАМ

(ҳикоя)

Муз совут кийган баланд чўққилар ой ёғдусида кумушдек товланади. Жарлик тубидан кўтарилган буг дағал тошлар устига киров бўлиб қўнади. Шамол қор уюмларини кўчириб девор остига тўплайди, унинг хуштаги ярадор шоголнинг ўлимолди ноласига ўхшаб юракка гашлик солади.

Озгин вужудини аёз зирқирата бошлагач, чол ҳассасига таяниб ичкари кирди. Ҳаётни чўққиб калаб, кул босаёзган чўғ устига ўтин ташлади: аланга арча шохларини аста амлаб хужрани ёритди. Чол ёстиққа ёнбошлаб, қиш анча қаттиқ келганини, кийиклар ҳар йилгидек емиш тополмай қирилаётганини ўйлади, хўрсинди.

Унинг юзи асрлар шамолни емирган қизғиш мармарни эслатарди. Ешликда гавҳардай порлаб, ўлжани бир неча чақиримдан пайқаган кўзлар ҳозир хира чирокдай милтиллар, Помир ўрмонларини қадам-бақадам кезиб толмаган оёқлар шу кунда кимсасиз қишлоқчани айланишга ҳам ожизлик қиларди.

Ёлғизлик. Қачонлардир гавжум бозорни эслатган бу қишлоқ энди ташландиқ Қабристондай хувилаб ётарди. Урам устидан чўққи томонга йўл қурилиши бошланди-ю аҳолининг ҳаловати йўқолди. Ешлар таянч, улар қарияларнинг гапига қулоқ осмай кўйдилар... Одамлар қашқир оралаган бугу галасидай ҳар ёққа тўзғиб кетди. Чол эса қолди. Ажал нафаси яқинлашганида нуридийдалари кўмилган азиз тупроқни тарк этиш укубатли ва аламли эди.

У кўзларини юмди. Хаёлида яна ўша мудҳиш тонг, зилзила, харсанглар остида пачақланган кулба-ю қадрдонларининг мажақланган вужудлари жонланди. Аваз бобо ичига ўт тушгандай инграб, юзини ёстиққа босди. Тангрининг хоҳиши. Болаларининг умрини ҳам отага бериб, уларнинг дарди билан узоқ йиллар азобланишини раво кўрса бандасида не илож.

Эшикнинг кўққисдан зарбли тақиллаши қариянинг хаёларини бўлиб юборди. У зўрға кўзгалиб, ҳассасига таянди.

— Салом ота, — ичкари кирган кимса қулоқчинини ечиб, хонага кўз югуртирди. — Бир кеча тунашга жой топиладими?

Унинг тепа сочи тўкилиб битган, бақувват гавдасига айиқ терисидан пўстин ёпинган бўлса-да, қалт-қалт титрарди.

— Валайкум асалом, — деди бобо, — мусофирларга эшигимиз очик, ўғлим, қани.

Йигитнинг изидан уйга яна биттаси кирди. У эгилиб чолга жовдиради, салом дегандай бошини силкиб, кўрпачага ўтирди-да, шеригига жилмайиб кўзларини хомуш юмиб қўйди.

— Совуқ, жуда совуқ, — девқомат ўчоққа ўтин калаб, бурнини тортиди. — Бу ерда қандай кун кўряпсиз-а, ота, вайронаку?

— Яшаймизда, ўғлим, — бобо суҳбатдош топилганидан мамнун эди. У йўталиб-йўталиб бурчакдаги катта ёнбошлади. — Шундай изгиринда тентираб юрибсилар, нима, адашдингларми?

— Йўқ, — йигит чолга синовчан тикилди, жавоб бергиси келмагандай қалин қошлари чимирилди, сўнг қарори ўзгарди шекилли йўлдошига ишора қилиб. — Хазина излаб юрибмиз. — деди.

Қария сергак тортиди.

— Сулаймоннинг жавоҳирлариними? — сўради у.

— Топдингиз, — Девқомат этигини ечиб, оёқларини ўчоққа тиради. Унинг бу ҳаракатларини ҳамроҳи ҳам такрорлаб, ёрилган лабларини ялади.

— Хатарли иш, — бобо шундай деб қаддини ростлади.

— Биламан, — йигит йўлхалтасидан егулик чиқариб, дастурхонга қўйди. — Лекин таваккал қилса арзийдиган иш.

— Таваккалнинг боши кал, — чол бошини маъюс тебратиб, нигоҳини шифтга тикди. — Умрим тоғда овчилик билан ўтди. Кўзларим хазина излаб йўлга отланганларнинг кўпини кузатиб қолди-ю аммо қайтганларни ҳеч кўрмади.

— Улар ўлимни бўйинларига олган одамлар эди, — деди йигит жилмайиб. — Менинг манзилим аниқ, Бораман, агар хазинани тополмасам,

тентираб юрмай дарров изимга қайтаман.

— Хомхаёл бўлмасин тагин?

— Ким билади, — деди у ўйчан оҳангда ва овқатни шеригига яқинроқ суриб, қўлларини артди. — Ҳаётда кўп алдандим. Одамлар алдашди. Бу гал эса узок тарих билан юзма-юз келдим. Наҳотки у ҳам алдаса? — Девқомат чўнтагидан қоғоз чиқариб, чолнинг ёнига келиб ўтирди, кўзойнагини таққач, титилиб битаёзган варақни оҳиста ёзди-да унинг тиззасига қўйди. «Умрим тоғда ўтди», дедигиз, қаранг, мана бу чўққини танияпсизми? — йигит баҳсга шайлангандай қўлларини ишқаб, яна ҳам жиддийлашди.

Чолнинг кўзлари ўтмади, у ўчоқ ёнига келиб, қоғозни ёруққа тутди. Қария саводсиз эди. Бироқ харитага туширилган белгиларни таниди. Миясига қон тегиб, қўлларига титроқ тушди. Юраги музлаб, пешонасини совуқ тер босди.

— Борма у ёққа, деди у аввалги босиқлигини йўқотиб. — Ажал чўққи бу!

Аваз бобонинг хавотири йигитга ўтди. Баданида чаён ўрмалагандай сесканиб, ўрnidан турди ва боядан бери қоққан қозикдай тек қотган йўлдошига тикилди. Дўстининг катта очилган кўзларида ҳайратга ўхшаш нимадир қотиб қолган, оғзи хиёл очилиб, чўзинчоқ юзи янаям чўзилиб кетгандек эди.

— Аҳдим қатъий, ота, — унинг овози титраб, ўзига ишонмаётганини ошкор этди.

— Бир чақалик белгиларга учиб саробга интилиш ақлдан эмас. Уни қаердан олдинг?

— Топдим-да, — мужмал жавоб қайтарди йигит, афтидан бу ҳақда сўзлагиси йўқ эди.

Орага юракни эзувчи жимлик чўқди. Девқомат сандал ёнига чўнкайиб сигарета тутатди. Шериги ўксиниб қўйди. Йигит унга дастурхонни йиғавер ишорасини қилиб, яна оловга тикилди. Чол йигитга синчков босди. Унинг мулойим чехраси, мовий кўзларининг мунгли боқиши, ҳатто ҳаракатларининг вазминглиги ҳам марҳум ўғлиниқига ўхшарди. Бу ўхшашлик унинг ярасини янгилади, инграб деворга суянди.

— Нима бўлди? — девқомат хавотирлиниб сўз қотди.

— Жавоҳир нимага керак сенга!? — сўради чол унинг саволини эшитмагандай.

Йигит гарданини қашлаб ҳамсуҳбатининг ёнига чўқди.

— Пулсиз одамнинг қадри йўқ, ота. Овлоқ жойда яшаб олтиннинг қадрини билмайсиз. Узингиз ўйланг, ҳаёт — ўлим олдидан бир зумлик нафас ростлаш экан, уни лаззат билан ўтирган яхши эмасми?

Чол унинг гаплари маънисини дафъатан илғаёлмади.

— Лаззат, — Аваз бобо жиркангандай бурнини жийрди. — Лаззат денгизнинг сувига ўхшайди, ичган сайин ташналигинг ошаверади. Нафсингни тиймасанг — ёриласан.

— Бу энди қуруқ гап, ота, — йигит норози қўл силтади. — Келинг, бошқа нарсалар тўғрисида гаплашайлик.

— Паришонхотирлик, ўғлим, гап билан бўлиб исмингизни сўрамабман? — деди бобо бирдан мавзуну бўлиб.

— Асад, — деди Девқомат ва шеригини кўрсатди. — Уники Анвар.

— Оиланг борми? — Чол саволни беришга берди-ю, тилини тишлади. Асаднинг кўзларидаги мунгни кўриб ичидан зил кетди.

— Бор эди, — шивирлади у. Аваз бобонинг назарида йигит муқаддас буюмга қўл теккизаётди, уни синдириб қўйишдан кўрқаётгандай ҳолда эди. — Лекин уларни ўлдиришди, ота.

Чолнинг кўзлари ола-кула бўлиб, худди шифт босиб тушгандай ихраб юборди. Ичидаги оғриқ кучайди, гўё кимнингдир бешафқат мушти ярасини аёвсиз эзиларди.

— Соппа-соғ одамни туғиши қийин бўляпти, дея қорнини ёришди, — йигитнинг кўзларига ёш қуйилиб, нафаси титради. — Мендек бир гарибни фарзанд доғида куйдириб азоблаш кимгадир керак экан.

— Укинма, — чол унинг елкасига оҳиста қоқиб қўйди. — Ҳаммаси худодан. Сабр қил.

— Сабр? Эҳ, содда отам-а! Олтиннинг жаранги ўликни тирилтирадиган бир даврда сабрга бало борми. Агар... агар пулим бўлганида оилам бут, бошимдан бир тук тушармиди? — унинг жазаваши кўзиб, тақир бошига шапатилади, башараси тиришиб, қўрқинчли қиёфага кирди.

— Ҳамма нарсани пулга тўнкайверма, — ачиқланди чол.

Асад ҳовридан тушиб дўстига қаради, тинчлантирмоқ ниятида унинг қўлларини сиқиб жилмайишга уринди, бироқ эплай олмади, юзлари буришиб, оғзи қийшайиб кетганини сезд.

Йигитнинг кўнглига озор бергани учун Аваз бобо ўзини кечиролмасди, гапни чалғитишга уринди:

— Дўстинг Анварни айтаман... гапирмайди?

— Наҳотки унинг қар ва соқов эканини пайқамадингиз? — таажжубланди Асад. — У билан ёшлигимдан биргаман, — йигитнинг оҳангида бу бирликдан ғурурланиши англашилиб турарди. — Етимхонада ўсдик.

— Қаерда? — тушунмади бобо.

— Етимхона... — Чолнинг соддалиги йигитни шошириб қўйди, лекин у тезда ўзига келиб, муҳим бир сирни ошкор этаётгандай деди:

— Етимхона — Ҳаётни севган ота-оналар назарида эски гуноҳлардан кечиб, янгиси учун покланиб оладиган ахлатхона. Улар чала туғилган ёки кераксиз болаларини шу ерга улоқтирадilar... Худого шукурки, ота, дунё фақат ахлат ташувчилардан иборат эмас!.. Лекин меҳрибон одамлар қўлида яшаб, ҳалолликни касб қиласан-у, дарвозадан чиқиб ташлаган илк қадамдаёқ тиззагача балчиққа ботасан. Аста-секин «пул — худо» деган қатъий қарорга келасан-у қоронги кўчада йилтиллаган ҳар буюмга эгилиб нафс чўнтагинга сола бошлайсан. — Асад бошини ҳам қилганча жим қолди.

Аваз чол сукутга толган, дунёдаги барча нопоклик унинг кўримсиз кулбасига жам бўлгандай эди. Уларнинг сассиқ ҳидидан булганган ҳаво нафасни қайтарар, вужуди кўзги хазондай тинимсиз титрар, сесканиб-сесканиб тушарди. Эски хотира яна борлигини чулғади — зилзила, қутирган харсанглар, жасадлар ва яна жасадлар. Чол алаҳсираб кимларнингдир исмини айтиб қақирди. У қўлларини олдинга чўзиб шарпаларни қучишга уринар, ҳаракатлари беҳудалигини англагандай чехрасида умидсизлик аломатлари зоҳир бўларди.

Муздай сув илоҳий суоқликдай аъзоларига жон бағишлади. У кўзларини очиб, йигитларга маъюс тикилди.

— Сизниям азобга қўйдик, — деди Асад кулимсираб, аммо унинг юрагини ит тирнар, сабаби бўлмасан инсон зоти ёлғиз яшамаслигини тушуниб етганди.


Меҳмонлар йўл халталарини бошларига қўйиб ухлашга ётишди. Чол чироқ пилигини пасайтириб туйнугидан пуфлади — жонсарак аланга икки-уч бор липиллади-ю ўчди. Уйқунинг тинчи — ўлимнинг кечи яхши. Қария жойига чўзилди. Хона тутунга димиққан, ташқарида бўрон қутурар, муз зарралари деразани тик-тик чалиб бобони юпатар, тун ярмидан оғиб қолганди.

Асад совқотиб уйғонди — эшик ва деворларга қоқилган кигиз хароратни сақлаб туролмас, ўчоқдаги олов сўниб, хона ниҳоятда совуб кетганди. У уйқули кўзларини базўр очиб бурчакда, худди қабрдай дўмпайиб турган қорага тикилди. Юрагини мавҳум бир ёвуз куч исканжага олгандай энтикиб ингранди ва дунёнинг буюк жумбоғини ечишга шайланган файласуф сингари чолнинг тебранишини кута бошлади. Бироқ бобо тонгни қаршиладан буткул чарчаган, кун қанчалик ёруғ келмасин зариф кўнглини илитолмасди.

Ўчоққа ўтин қалаётган Анвар чолни уйғот дегандай ишора қилди. Асад юраги белламай қарияга яқинлаб муштига йўталди.

— Ота, биз кетаяпмиз.

— Яхши, — бобонинг овози бардам эди. Асад худди ўқ теккандай қалқиб тушди. Чол уйғоқ, у



Шавкат Полвон — 1962 йили Урганчда туғилган. Узингизда катта таассурот қолдирган 5 та энг сара асарини санасангиз, деган саволга муаллиф жавоби:

1. Г. Уэльс, «Ойдаги биринчи одамлар».
2. Р. Шекли хикоялари.
3. А. Беляев, «Одам амфибия».
4. Ж. Лондон, «Мартин Иден».
5. Ж. Илёсов, «Сўғдиёна».

ухламаган, у кутган, нимани? Ақли шошиб гапни йўқотди. Ҳақиқатда, ўзича гўлдираб, жўяли нарса айтмоққа чоғланди, эпломлади ва кўллари асабий силкиб:

— Ота, омад тилаб бир дуо беринг, — деди. Чол қафларини очди, гўё кўринмас олов бармоқларини куйдираётгандай кўллари титраб:

— Йўллари бехатар бўлсин, — дея юзларига фотиҳа тортди.

Кизгиш нурга бурканган хона, мавҳум сукунат. Учокда олов гуриллайди, девордаги соялар асрлар давомида ожиз инсон хаёлхонасида туғилиб, онгини кемирган хурофий шайтондай ўйноқлайди. Асад ортиқ сабр қилмай қулоқчинини бостириб кияркан эшикка йўналди. Аммо чолнинг ханжардек кескир овозини эшитиб, оёқлари чалишиб кетди. Изага мўлтиради.

— Дуога жудаям ишонма, — деди бобо ва кўрсаткич бармоғини олдинга чўзди. Тангри пешонангга нима ёзган бўлса шунини кўрасан.

Асад жилмайишга уринди. Чолнинг вужуди гўё меҳрдан йўғрилган ҳаёт дарахтига ўхшар, шу топда у бир оғиз ширин сўздан гуллаб, қабоҳатдан кулга айланиши тайин эди...

Аваз бобо кўтосларига емиш ташлаб, оғилхона ёнидаги супачага ўтирди. Димоғига қуриган майсаларнинг ўткир хиди урилди, кўкламни, адирларга нафас соладиган ёзни эслади, кўнгли ёришди. Тарновдаги сумалаклардан томчилаётган сув қулоғига мусикадай эшитилди, оппоқ қордан ожиз кўзлари қамашиб, жилмайди. Йўқ, унинг хаёллари чувалашиб яна жавоҳир овчиларига кетди. Юраги сиқилди. Қари бўрибосар ҳам безовта гингиб кўнглига гулу солди. Чол ўтиролмади, кулбага кириб, хона ўртасида тек қотди. Учокдаги ўтиннинг чирсиллаши арвоқлар пичиридай ваҳмини кўзгади-ю кўллари беихтиёр девордаги милтиққа чўзилди...

Қалин пўстинга ўраниб, эгарга маҳкам ўрнашган бобо кўтоснинг улкан, ёйсимон шохларидан кўз узмасди. Ҳайвон хумдай бошини ерга доғур эгиб пишқираб, кўзлари қон, оғзи қон, тилинию халқа ўтказилган бурнидан паға-паға буг чиқариб, тор йўлдан паравоздек елиб борарди. Атрофга боқиш чол учун азоб эди. Бундан икки ой илгари дўнглик тепасидан туриб қишлоғини, аниқроғи ундан нималар қолганини кузатганди. Нечанча асрлик чинорлар энди йўқ, ариқларни майда тошлар кўмиб юборган, зах ва ёмғирдан деворлар нураб қулаган, деразалар синиб, эшиклар қўпорилганди. Ҳам марказидаги қудуқ худди сўқир кўздай кўкка термилар, лекин ҳеч нима кўрмасди. Кўтос кетидан чопқиллаб келаётган бўрибосар хура бошлади. Аллақандай жониворнинг ўлимтиги атрофида куймаланаётган қарғалар норози қағиллаб, истар-истамас кўкка кўтарилди.

Тоғ йўлига чиққач Аваз чол кўтосни тўхтатди, ғалати безовталик борлигини эгаллаб, тинчини олганди — яширин бир илинж билан пастга қаради. Дарёчадан ажраб чиққан канал иккига бўлинди, улардан бири жарга қуюлса, иккинчиси ўрам ёнидан оқиб ўтарди. Умиддан ҳашиққан юраги ёмон санчди, кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Бир вақтлар гуркириб элини боққан замин, ҳозир қафга ўралган мурдага ўхшаб қолганди.

... Манзилга етганларида булутсиз осмон бағрида сон-саноксиз юлдузлар совуқ жимирлар, тўлин ой ёғдусида ҳамма ёқ кундай равшан тортганди. Кўтосни қояга бошлашдан олдин чол ўзини қуршаган маҳобатли қояларга, охирига етказилмай чала қолдирилган тошлоқ йўлга разм солди. Кечмишга лоқайд табиат чуқур уйқуда, ҳатто тиним билмай қор барханларини титкиловчи шамол ҳам ковагига яширинган сичқондай жим. Аллақерда тош кўчди. Акс садо тоғдан-тоққа урилиб ниҳоят йўқлик қаърига сингди-ю борлик яна сукутга чўмди.

Чол арқонни тортди. Жонивор бурнидаги оғриқдан калласини силтади. Қария жилонни бўшатди. Бўрибосар тоқатсизланар, шоқол каби ув тортиб, уни шоширарди. Кўтос мўлжал олаётгандай қора тумшугини кўтарди, сўнг оҳиста қадамлаб тепага юрди. Вазият ниҳоятда қалтис эди. Бироқ жонивор борган сари ўзини бардам сезар, томирларида аждодларининг қони жўш уриб дадилроқ ҳаракатга ундарди.

Кўтос тўхтади, оғир-оғир ҳансираб бурнини ялади. Бу ёғига у юролмас, қоя тик эди. Аваз бобо агардан тушиб милтигини олди. Кечаги сирли харита хаёлида шундоқ муҳрланиб қолганди. Ҳозир у атрофига алангларкан, қоғоздаги белгилар ҳақиқатга қанчалар яқин эканига ақли лол қолди. Ана — жар, сал шимолроқда — уч эгизак қоя, «Қора Аждар» чўққиси узра милтиловчи хира юлдуз миллион йиллар аввал қандай бўлса ҳамон шундай — совуқ ва ёлғиз эди.

Аваз чол ниҳоятда толиққан эди. Тердан жиққа хўл кўйлаги этини ёқимсиз увиштирар, миясини пармаловчи нохушлик унинг учун нотаниш, жирканч қўрқувга айланиб борарди. Кутилмаганда бўрибосар ҳам дарғазаб ҳуриб юқорига ташланди. Кўп ўтмай ўша ёқдан ириллаган, чийиллаган товушлар эшитилди. Бобо минг машаққатлар билан кафтдек майдонга чиқиб олдию, қаршисида намоён бўлган даҳшатли маназарага анг-танг бўлиб қолди. Майдон бўйлаб сочилиб, яхлаб ётган нарсалар бурдаланган жасад парчалари эканини эър-базур идрок этди. Ҳақиқатда тирнаётган учта қашқирга тикилди. Ақли тиниқлашиб, кечаги норгул йигитларни кўз ўнгидан ўтказди. Вожаб,


унинг бир тукиям қилт этмади, гўё юраги ўрнига тош қамалгандай, бунақа жирканч манзарани кўравериб дийдаси қотган соллоқ сингари кўзлари ёвуз чақнади. Эгилиб ердан кўл панжасини кўтарди, сесканмади, сўнг бошқасини. Шу йўсин у барча аъзоларни бир жойга тўплади. Ваҳший иштиёқ измига тушиб, елкасидан қўшотарини олди, совқотган кўллари милтиқ темирига ёпишди. Мойланмаган милтиқ асабий гичирлади. Ҳирсдай бўрибосарнинг таъқиби остида бурчақдан жилломмай тобора қутираётган қашқирлар ғалати увлаб юборди. Бироқ бу милтиқ қаршисидаги талваса эмас, балки ундан ҳам даҳшатлироқ ҳодиса олдидаги ночорлик эди. Тажрибали овчи буни дарров пайқади, вужуди қулоққа айланиб, милтиқ кўндоғини тиззасига қўйди. Тўлин ой орқа томонда бўлгани учун тепадаги маҳлуқнинг сояси майдон марказига йиғилган жасад бўлаклари устига тушиб турарди. У силжиган сари юлуқ панжа ҳам худди тебранаётгандай нохуш таассурот уйғотарди. Чолнинг нигоҳи тийраклашди, маҳлуқнинг оғир гавдаси қоядан узилган маҳал, ортига кескин бурилди-ю ўқ узди. Қулоқни қоматга келтирувчи шовқиндан қор кўчиб, тош ва муз бўлақларини пастга суриб кетди.

Мўлжал заргарона эди! Баҳайбат қора шарпа овоз чиқаришга ҳам улгурмай чолдан уч қадам нарига қулади. Бу — ҳақиқий тоғ йўлбарси, Помирнинг сўнгги ҳокими эди!.. Ииртқиқ қўрқинчли панжаларини олдинга чўзиб ўлим талвасасида тўлғонар, махсус ясалган ўқ баҳайбат калласини тарс ёриб юборганди. Чол йўлбарс тепасига келиб, унинг ойнанинг кумуш нурларида майин товланаётган силлиқ, лекин дағал жунини силади. Гўзал тананинг азобдан тўлғониши, музни эритиб секин буғланаётган қайноқ қон дилини ғашлади. Тангри қаршисида оғир гуноҳга ботгандай қорга тиззалаб, калима қайтарди.

— Кечир, мен қари тентакни, — деб шивирлади у. — Биз нафс бандаларини кечир...

Чол бу кўҳна дунёнинг номукамаллигидан афсус-надотматлар туюб ҳолсиз қад ростлади.

Еввойи сукунатни ютоқиб чапиллаш, суякларнинг ўткир тишлар орасида қасир-қусур ғажилгани бузди. Тоғ султонининг иссиқ жасади атрофида қашқирлар базми бошланган эди...



Муроджон УНГАРОВ чизган расм

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.

Аёл — инсоният оиласининг асосидир. Эндликда ижтимоий ҳаётдаги хотин-қизларнинг ўрни нақадар улкан аҳамият касб этаётгани ҳаммага аён. Айни чоқда тарихда ҳеч қачон аёллар ҳақида ҳозиргидек кўп гапирилмаган. Шундай бир вазиятда «Ислом аёлга қандай муносабатда бўлади?» деган савол туғилиши ва унга кўпчилик бирдек қизиқиши табиий.

Дарҳақиқат, Ислом хотин-қизларни қул қилиб хорладими ёхуд уларни озод қилиб эъзозладими?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин, Исломдан аввал турли халқларда аёлларнинг тутган ўрни ва ҳолатлари қандай бўлганлигига бир назар ташлайлик.

Маълумки, афиналиклар қадимги халқлар орасида энг маданиятлиси ҳисобланадилар. Шундай жойда аёлларни бир буюм сифатида билишган. Бозорларда сотишган, сотиб олишган, уларни шайтоннинг малайлари деб аташган. Уй ишлари ва бола тарбиясидан бошқа ишлар билан шуғулланишларига рухсат бермаганлар.

Қадимги ҳинд қонунларидан бирида шундай деб ёзилган экан:

«Вабо, ўлим, дўзах, заҳар, илон ва ўт муқаррар аёл кишидан яхшидур».

Римда эса бир мажлис ўтказиб, аёл киши

мартабаларга кўтарди. Европа халқлари аёл кишини ҳайвон ёки лаънати шайтон деб ўйлаб юрган бир вақтда, Ислом уни инсониятнинг иккинчи бўлаги деб эълон қилди. Оллоҳ Таоло Нисо сурасида айтадики:

«Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган ва ундан ўзига жуфт яратган парвардигорга тақво қилинги, у шу жуфтдан кўпгина эркак аёлларни тарқатди».

Баъзи бир халқлар аёллар диндор бўлиши мумкин эмас, ҳатто муқаддас китобларни ўқишларига рухсат йўқ деб юрган бир пайтда Ислом эркак аёлларга қилган ишларига қараб тенг савоб берилишини эълон қилди, бу ҳақда Қуръон Каримда бундоқ дейилади:

«Яхши ишларни қилганлар, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, имони бўлса, жаннатга киргай ва ҳеч бир иши эътиборсиз қолмагай».

Айни чоқда Ислом аёлларни ақида буюрган нарсаларни бажаришга, яхши ҳулқли бўлишга чақирди:

«Албатта мусулмон эркаклар ва мўъмин аёллар, ибодатли эркаклар ва ибодатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, Оллоҳдан қўрққан эркаклар ва Оллоҳдан қўрққан аёллар, садақа килувчи эркаклар ва садақа килувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, зинодан сақланувчи

миб юбориш одати бор эди. Бу ёвуз одатни биринчи бўлиб ислом ман этди ва аёллар ҳам яшаш ҳуқуқига эга эканлигини исботлади. «Нахл» сурасида шундай оят бор:

«Агар бирорталарига қиз кўрганлиги тўғрисида хабар келса, хафа бўлганидан юзини қоронғу босар эди. Одамлардан уялар эди, бу иснодни кўтариб юрсами юки тупроққа кўмиб юборсами?»

«Исро» сурасида эса: «Фарзандларингизни очликдан қўрқиб ўлдирманг, уларга ҳам, сизларга ҳам ризқни биз берамиз, уларни ўлдириш катта хатодур» — дейилган.

Араблар биров ўлса, унинг хотинига ва кичкина болаларига мерос беришмас эди. Меросни фақат урушга қатнашадиган эркакларгина олар эди. Ислом эса, аёл киши хоҳ хотин бўлсин, хоҳ она бўлсин, сингил ёки қиз бўлсин, меросга ҳақли эканини эълон қилди:

«Эркаклар учун ота-она ва қариндошлар қолдирган меросдан насиба бор оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, бу фарз қилингандир».

Араблар аёлларнинг эрлари ўлса, мол-мулкига қўшиб мерос қилиб ўзларини ҳам бўлишиб олар эдилар. Одатда биров ўлса, меросхўр келиб бева қолган аёлнинг устига кийимини ташлар экан ва ўлганнинг мол-мулкани ҳам, хотинини ҳам меросга олдим деб айтар экан. Шундан сўнг ўша меросхўр

ИСЛОМ ВА АЁЛ

тўғрисидаги масалани ҳал қилиб бўлишгандан сўнг, қуйидаги қарорни эълон қилишган экан: «Аёл киши тирик мавжудод бўлса ҳам унинг нафси йўқ, шунинг учун ҳам у нариги дунёда бўлмайди. Аёл киши ифлос нарса бўлиб, гўшт ейиши мумкин эмас. Шунингдек кулиши, гапириши ҳам мумкин эмас. У доимо ибодат ва хизмат билан машғул бўлмоғи лозим».

Аёллар гапирмасин деб, уларнинг оғзига темирдан қулф солинган пайтлар бўлган. Аёллар шайтоннинг малайи, улар эркакларнинг қалбини бузиш учун дунёга келган, шунинг учун ҳам улар энг шафқатсиз азоб-уқубатларга лойиқ деган қарашлар ҳукм сурган.

586 милодий йилда Франция вилоятларидан бирида катта бир йиғилиш чақирилиб «Аёл инсонми-инсон эмасми?» деган масала муҳокама қилинган ва пировардида «Аёл — инсон, лекин эркакка хизмат қилиш учун яратилган», деган ҳулосага келинган.

Англияда подшо Генри VII «Аёл киши муқаддас китобни ўқиши мумкин эмас» деган фармон чиқарган.

1850 йили Англияда чиқарилган қонун аёлларни гражданилик ҳуқуқидан маҳрум қилган. Аёллар ўзларининг шахсий ҳуқуқига ҳам, кийим-бошларига ҳам, пешона тери билан топган мол-мулкларига ҳам эга бўла олмаганлар.

Шундай қилиб, Ислом келганда аёл киши юқорида тасвирланган ҳолатда эди. У аёлларни зулм ва жафодан озод қилди, юқори

эркаклар ва зинодан сақланувчи аёллар, Оллоҳни кўп эсловчи эркаклар ва Оллоҳни кўп эсловчи аёллар — уларнинг барчаларига Оллоҳ гуноҳларини кечишни ва улуг савобларни тайёрлаб қўйган» (Ахбоз сураси).

Ушбу сўзлардан ҳам кўринадики, Ислом учун эркак ва аёл бирдир, уларнинг зиммаларидаги инсонийлик шартлари ҳам бир.

Баъзи бир тузумлар аёлларни ҳақоратлаб ижтимоий ишларда эркаклар билан бирга иштирок этишларига рухсат бермаган бўлса, Ислом бу борада эркаклар билан аёлларни тенг ҳуқуқли деб эълон қилди.

«Мўъмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар, яхшиликка чорлайдилар, ёмонликдан қайтардилар, номоз ўқийдилар, закот берадилар, Оллоҳга ва унинг пайғамбарига итоат қиладилар, ундай кишиларни Оллоҳ албатта раҳматига олади» (Тавба сураси).

Мана шу оятда мўъмин эркак ва аёллар бир-бирларига дўст эканликлари баён қилинган. Дўст деганимиз, ўзлари учун яхшилик бор ишларда ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам килувчи кишиларни кўзда тутамиз. Бу оят яна, аёллар яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш ва хайрли ишлар қилиш ҳуқуқига эга эканлигини исбот қиладик, бу — аёл киши ижтимоий ишларда тўла ҳуқуқли эканлигининг ёрқин далилидир.

Хўш, ислом келгунга қадар арабларда хотин-қизларга қандай муносабатда бўлинган? Арабларда қиз болаларни тирикликгича кў-

хоҳласа меросга қолган аёлни ўзига хотин қилиб олар, хоҳласа уни бошқага эрга бериб, махрини ўзи олар ёки ўзи ҳам олмай, бировга ҳам бермай, «Менга пул бериб ўзингни озод қилиб ол», деб ёки ўлгунча сақлаб туриб, у аёлнинг меросини ҳам ўзлаштирар экан.

Ислом буларнинг барини ҳаром қилди! «Эй мўъмин бандалар, сизларга аёлларни зўрлик билан мерос қилиб олиш ҳалол эмас» (Нисо сураси).

Баъзи бир араблар чўриларни зино йўли билан мол топиб келишга мажбур қилар эдилар. Ислом бунга ҳам қатъиян ман қилди:

«Агар покликни хоҳласалар, бу дунё матосини деб чўриларингизни зинога мажбур қилманг».

Айрим ҳолларда араблар оталари ўлгандан сўнг, ўғай оналарини мерос қилиб олиб, ўзларига хотин қилиб олар эдилар. Ислом бунга жуда қаттиқ таъқиқлади:

«Оталарингиз никоҳда бўлганларни ўзларингизга никоҳлаб олманг, агар (оят тушишидан) аввал шундай бўлган бўлса, майли. Бундай қилишлик фоҳиша иш, жуда катта гуноҳ ва нотўғри йўлдир».

Ислом ва аёл мавзусида сўз юритганда никоҳ, оила қуриш хусусида ҳам тўхталиш лозим.

Дейлик, Қуръон уйланишни қандай таърифлайди? У икки кишининг орасидаги сав-

до ахдномасими ёки тана талабларини қондириш учун қилинадиган василами ёки шайтоннинг иғвосидан қутулиш учун бир тadbирми? Қуръондан аввал турли жамиятларда оила қуриш ҳақида юқоридаги фикрлар ҳукм сурган. Қуръонда эса, бу нарса инсоний бирлашув бўлиб, ҳам жамиятга, ҳам якка шахсларга фойдали бир боғланиш маъносида таърифланади.

Жамият нуқтаи-назаридан қаралганда, оила инсон наслини сақлаб қолиш вазифасини бажарса, якка шахслар нуқтаи-назаридан қаралганда, уйланиш — рухий хотиржамлик, эркак ва аёллар орасидаги муҳаббат ва бир-бирларига меҳрибонликдан иборатдир.

Қуръон уйланиш борасида жамият аъзоларига қарата шундай дейди:

«Оила қурмаганларни оила қуришга чорланг. Шунингдек қул ва чўриларингизни ҳам никоҳлаб қўйинг. Агар улар камбағал бўлсалар, Оллоҳ ўз фазлидан уларни бойилади».

Бу оят оила бошлиқларига ва жамиятдаги етакчи ўрин тутган шахсларга буйруқ бўлиб, улар уйланиш юрган эркакларни уйланишини, турмушга чиқмай юрган хотин-қизларни турмушга чиқишларини йўлга қўймоқликлари даркор.

Оятнинг мазмунига эътибор берсак, англашиладики, хоҳ эркакдир, хоҳ қиздир, оила қурмоғи шарт, шунинг баробарида оила қуриш имконини тополмаётганларга кўмак бериш даркордир.

Камбағалман деб баҳона қилиш дуруст эмас, чунки Оллоҳ Таоло бой қилиб қуйиш кафолатини ўз зиммасига олган. Аммо киши ўтакетган камбағал бўлиб, ҳеч нарсаси йўқлигидан оила тебратишга ҳам қодир бўлмаса, Оллоҳ Таоло унга мол ато қилгунга қадар ифбатли бўлиб юришга қазиради:

«Никоҳга қудрати етмаганлар Оллоҳ уларни ўз фазли билан бой қилгунга қадар ифбатли бўлиб юрсинлар».

Уйланиш Исломда муқаддас ахднома ва васиқадура. Нур сурасида:

«Ва аёллар сизлардан ишончли васиқа олганлардур» дейилган.

Мана шу оят аёллар эркаклардан ишончли васиқа, яъни оила қуриш васиқаларини олган эканлигига далилдур. Бу, эр билан аёл ўртасидаги муқаддас ахднома бўлиб, шу ахдномага асосан ҳар икковлари бир-бирларига нисбатан мажбурият оладилар. Эркак билан аёл орасидаги алоқа ўзаро ҳамкорлик, хотиржамлик алоқаси бўлиб, меҳру-муҳаббат билан боғланган бўлади.

«Ва Оллоҳнинг белгиларидан бири шулки, сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратиб қўйдик, уларга қўшилиб хотиржам бўлинг деб ва ораларингизга меҳру-муҳаббат солди, буларнинг барчасида фикр юритувчи кишилар учун белгилар бордир».

Бу оят барча эркак-аёллар хотирасига шунини солмоғи лозимки, эркаклар учун ўз жинсларидан хотин яратиб берилиши Оллоҳнинг чексиз қудрати ва карамидандир. Оятдаги рухий хотиржамлик, оиланинг ҳар икки аъзоси бир-бирига нисбатан меҳру-муҳаббат ағаси бўлишлиги зарурлигига ишора қилади.

Қуръонда: «Улар сизлар учун либосдур, сизлар улар учун либосдурсизлар» деб айтилганки, ушбу ҳикмат ҳам Исломда эркак ва аёл ўртасидаги меҳру-муҳаббат, оқибат улуг бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Юқорида баён этилган мухтасар сўзимиздан ҳам кўринадики, Ислом аёли инсон сифатида беҳад улуғлаган. Ваҳоланки, яқин ўтган даврларда Аёлнинг ҳуқуқсизлигини Исломга тўнкаб келдилар.

Аёл кишига ҳуқуқ бериш борасида ҳанузгача Ислом бошқа тузумларга нисбатан олдинда келмоқда. Ислом шариати молга эга бўлишда ва молиявий ахдномалар тузишда аёл киши эркак киши билан тенг ҳуқуққа эгадир.

Қиз бола балоғат ёшига етиши билан, у ўз мол-мулкида хоҳлаган ишини қила олади. Шунингдек, олди-сотди, ижара, шериклик, қарз, гаровга қўйиш, омонатга қўйиш, васият, ҳада қилиш ва бошқаларда тўла ҳуқуққа эга.

XIV асрдан буён мусулмон аёлларнинг ҳолати шу тарзда бўлиб келмоқда.

Энди европалик аёлларнинг ҳолига бир назар ташланг. Кўпгина Европа мамлакатларида оила қуриладиган пайтида аёл кишининг мол-мулки, эрининг ихтиёрига ўтади. Жумладан, Англия қонунларига биноан, турмушга чиққан аёл эри билан бир шахс деб тан олинади ва ўз ҳолича молиявий ишларни олиб боришига йўл қўйилмайди.

Франциялик аёлларга назар солсак, 1938 йил 20 февралда қабул қилинган қонунга биноан, француз аёлларига қуйидаги нарсалар ман қилинади:

1. Банк чекларига имзо чекиш.
 2. Банкда ўз номига ҳисоб дафтари очиш.
 3. Ҳар қандай молиявий ҳужжатларга имзо чекиш.
 4. Суднинг ҳукмисиз меросга эга бўлиш.
- Ушбу шартларнинг ўзиданоқ «озод» француз аёлининг ҳуқуқлари доираси ҳақида тасаввур олиш мумкин.

Агар аёл кишининг молиявий ишларида эркин бўлиши XX аср аёллари учун демократия деб тушунилса, мусулмон аёллар бу демократиядан XIV асрдан буён баҳраманд бўлиб келмоқдалар.

Ислом шахсий мол-мулкни сарфлашда эркак ва аёли тенглаштирган бўлса-да, меросда ундай қилмади. Бир эр кишига икки аёлнинг насибасини тайин қилди. Бу ҳам адолатли ҳукмдир, чунки Ислом доирасида эркак кишининг молиявий масъулияти аёл кишиникига нисбатан бир неча марта кўпдир. Ислом эркак кишига оиладаги барча молиявий оғирликларни кўтаришга буюрган. Аёл киши эса, бундай масъулиятдан мутлақо озоддир. Ҳатто аёл ўзига зарур бўлган сарфларни ҳам бошқалардан олишга ҳақлидир. Аёл кишининг нафақасини турмушга чиқмасдан аввал отаси ёки бошқа яқин қариндошлари берадилар. Турмушга чиққанидан сўнг эса бу нарса эрнинг вазифасига айланади. Бунда аёл киши хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал бўлсин — фарқи йўқ.

Агар аёл киши боқувчисиз бўлса, уни давлат ўз кафолатига олади. Шунингдек унинг болаларини боқиш ҳам отанинг ёки ота тарафдан бўлган қариндошларининг вазифасидир.


Мана шу сабабларга кўра, ўзаро мувозанатни сақлаш мақсадида эркак кишининг меросдаги ҳаққи аёл кишиникидан икки баробар кўпдир.

Сўзимизни доктор Густав Лубонинг мусулмон аёллар ҳақидаги гувоҳлиги билан тутатмоқчимиз. У «Араб цивилизацияси» китобининг 429-бетига шундай дейди:

«Агар биз аёлларнинг аҳволига Қуръон қай даражада таъсир қилганлигини билмоқчи бўлсак, арабларнинг тараққий топган давридаги ҳолатига назар солишимиз дозим.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, мусулмон аёлларнинг ҳоллари ҳозирги кундаги Европа аёлларининг ҳолларига ўхшаш бўлган. Чунки европаликлар кўпгина яхши одат ва одобли муомалаларни Испанияда яшаган мусулмонлардан олганлар. Аввал айтиб ўтганимиздек, европаликлар араблардан чавандозликни, аёли ҳурмат қилишни ўрганганлар. Ҳақиқатда Христианлик эмас, балки Ислом аёл кишининг шаънини кўтарган. Агар сиз ўрта асрдаги христиан зодагонларининг ҳаётига назар солсангиз, улардан ҳеч бири аёл кишини ҳурмат қилишни ўйлаб ҳам кўрмаган.

Агар ўша вақтдаги китобларни варақлаб кўрсангиз, феодаллик асрининг эркаклари аёлларга нисбатан ниҳоятда қўпол ва шафқатсиз бўлганларини биласиз. Кейинчалик христианлар мусулмонлардан аёлларга яхши муомала қилишни ўрганганлар. Кейинроқ бориб араблар маданиятининг шуъласи сўнди, хусусан турклар ҳукмдорлиги вақтида аёлларнинг шаъни пастлади, лекин шунга қарамай ҳозирда ҳам мусулмон аёлларнинг ҳолати уларнинг европалик дугоналариникидан афзалдур. Юқорида зикр қилинган нарсалар ишот қиладики, мусулмон аёлларнинг шаънининг пастлаши Қуръонга хилоф равишда бўлган, Қуръон сабабидан эмас. Яна қайтариб айтмамизки, Ислом аёл кишининг шаънини кўтарган диндур. Унинг тескариси бўлса, Исломнинг айби йўқ. Биз бу фикрни айтётган биринчи шахс эмасмиз. Виздан аввал Кусан Дубер, Сифол ва мисье Бортламай каби машҳур шахслар ҳам шу фикрни айтганлар.



Рисом М. УНГАРОВ

Дилшод синглим ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди... кетмаса ҳам керак. Жуда қувноқ зеҳни эди... Узингиз ёзгандек, мактабда яхши ўқирди...

Унинг жасадни ювишайтганда тепасида турдим. Жасадни биринчи бўлиб мен очдим. Кўкракларини тишланган, тирналган эди... Дўхтирлар ёриб кўрган, қайта тикиб қўйган, узун қоп-қора қалин сочини 3-4 бўлиб тугиб қўйишган экан... Менимча, уни ўша куни яна зўрлаб, ўлдириб ўзлари осиб кетишган...

Синглимнинг ўлими билан район прокурори Собитов, терговчи Ғайиров шугулланишди. Қон, мия анализини Тошкентга юбордик дейишди улар. Лекин анализ жавоблари олти ойда ҳам келавермади...

Менинг оилам бузилган, уйга қайтиб келганман, уч ёшли қизим бор. Касалхонада санитарка бўлиб ишлайман... Уйимиз мотамга ботди — ҳар куни йиғи-сиғи. Онам йиғлайди, мен, сингилларим, укам йиғлайди...

Бундай пайтда гуноҳкор тегишли жазосини оласа одам бир қадар тасалли топади шекилли... Орада ойлар ўтди, биз қараб ўтирмадик: Қаршига, Тошкентга, Москвага — ҳар ёққа шикоятлар жўнатдик, шикоятларимизга «у ёққа жўнатдик — бу

Кушша-қундуз эди, Энгельс номи мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилшод Шоймонова ижтимоий меҳнат дарсига — далага помидор териб учун кетаётган эди. Унинг йўлини мактабдош-ҳамқишлоқлари Анвар Улашев, укаси Холбозор Улашев ва қўшни қишлоқлик Зокир Жўраев тўсадилар ва зўрлик билан қизнинг номусига тегадилар. Воқеа юз берган жойга ака-ука Улашевларнинг отаси — шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Улаш Эргашев, Дилшоднинг онаси, опаси етиб келишади. Уртада музокара бошланади ва У. Эргашев «овоза қилманглар, уч-тўрт кун ичида Анвар билан Дилшодни унаштириб қўямиз», дейди. Жанжал тарқалади. Орадан 10 кун ўтади, Эргашевлар томонидан дарак бўлмайди. Бунинг устига Анвар кўчада бораётган Дилшодни яна ҳақорат қилади. Номуста чиқолмаган Дилшод 1987 йилнинг 5 сентябрь куни уйда — молхонада ўзини осоди. Табиий, тергов ишлари бошланади: жиноятчиликда гумон тутилганлар сифатида Эргашевлар сўроқ қилинади, бироқ фурсат ўтганлиги, зўрлаб номусга тегиш ҳаракатларини аниқлаш имкони йўқлиги боис жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилади...

Азиз журналхон! Хотиранигда бўлса, «Еш куч»нинг ўтган йилги 5-сонда чоп этилган «Ҳақсизлик сиртмоғи» мақоласида Қашқадарё вилояти

Яккабоғ ноҳиясининг Қайқи қишлоғидаги ушбу кўнгилсиз ҳодиса мавзуда ҳикоя қилгандик. Мақола журналхонларда катта қизиқиш уйғотди. Редакцияга келган юзлаб мактубларда турфа мулоҳазалар билдирилди. Лекин аксари мактуб эгаларининг бир нарсаси хусусидаги фикрлари бир жойдан чиқди: улар Дилшоднинг опаси Гулсум Шоймонова ноҳақ жазоланган деган фикр изҳор қилганлар. Хўш, Гулсумнинг гуноҳи нима? У нега 12 йил қамоқ жазосига маҳкум этилди?... Ушбу саволларга «Ҳақсизлик сиртмоғи» да қисман жавоб бор. Тўғриси, мен фожианинг бу қисми юзасидан бирор нима ёзиш, журналда эълон қилиш ниятим йўқ эди. Лекин юзлаб мактуб эгалари билдирган талаблар хурмати, Дилшоднинг кекса онаси — ҳозирда қишлоғидан кўчиб кетган саргардон Чучук мома хурмати, Гулсумнинг мома кўлида қолган 3 ёшли қизалоғи хурмати, қолаверса бегуноҳдан-бегуноҳ бевақт ҳаётдан кўз юмган Дилшод ва Матлубанинг руҳи хурмати яна мавзуга қайтишга тўғри келди.

Гулсум жазосини ўтаётган аёллар қамоқхонасида бўлдим, мана, 12 йилга овозликдан маҳрум этилган Гулсум рўпарамда ўтирибди, очкичасига суҳбатимиз ҳийла давом этди. Шундай қилиб сўз — Гулсум ШОЙМОНОВАга.

ЧУЧУК МОМА ШОЙМОНОВАНИНГ ПУШАЙМОННИ ВА ТАВБАСИ

ёққа жўнатдик — ўшалардан жавоб оласизлар» деган мазмунда хат олавердик, олавердик, лекин жиноятчилар ўша-ўша уйнаб-кулиб юраверди... Биз район прокурори Собитов, терговчи Ғайиров хузурига жуда кўп марта лаб кирдик, лекин аниқ жавоб бўлмади...

Эсимда, 13 февраль куни эрталаб соат 10-11ларда сменадан қайтаётган яна Собитовнинг хузурига кирдим. Мени кўрдую унинг тепа сочи тикка бўлди — «Яна келдингми?» деб дўқлади. «Шуйтиб юраверамизми?» деб сўрадим. У «Ҳеч ким гуноҳкор эмас, Анвар синглингга теккан эмас, бор, қаерга борсанг боравер!» деб зарда қилди.

— Синглимнинг ўрнига ўзингизнинг синглингизни қўйиб кўринг, — дедим.

Гапимни эшитиб прокурор тутақиб кетди. — Сен ҳам, онанг ҳам, ўлган синглинг ҳам бузуқ, сенлар — тухматчисизлар, — дея сўка кетди. — Анвар қамалмайди, бошингни қайга урсанг — уравер! — деди.

Синглимнинг ўлимидан кейин паришон бўлиб қолгандим... Прокурорнинг ҳақорати қаттиқ ботди. Унинг гапи оиламизнинг сўнгги умидини чилпарчин қилганди... Биз охириги тасаллидан жудо бўлдандик...

Эртасига эрталаб нонушта чоғида нима бўлдию яна Дилшодни эсладик — Онам, сингилларим — Олия, Дилором йиғлашди, мен ҳам йиғладим... Анчагача шу аҳволда ўтирдик... Уйдан қачон, қай аҳволда ва қай мақсад-ниятда чиқиб кетганимни аниқ билмайман... Бир нарсаси элас-элас эсимда — Анварни келтириб онамнинг оёғига чўк тушириб кечирим сўратишга қарор қилгандим...

Тандирхонадаги қора бахмал пальтони кийдим. Совуқ эди, кўча лой эди — оёғимда нима бор — билмайман. Эргашевларнинг уйи ўз кўчамизда — улар биздан саккиз-тўққиз хонадон нарида яшайди — ўша ёққа юрдим, кетавердим... Йўлда биров дуч келдим-йўқми — билмайман, ёдимда йўқ... Бордим, дарвозани тақиллатдим. Кимдир ичкаридан келиб мени таниди шекилли дарвозани очмай кириб кетди. Дарвоза эшикчасини тепдима — у очилиб кетди. Ҳовлига кирдим, кичкина уйча бор

экан — эшигини очиб кирдим, ҳеч ким йўқ экан. Қайтиб ҳовлига чиқдим. Шунда бир болага кўзим тушди. Миямга «Анвар қочяпти» деган гап қадалди, югурдим, тутиб олдим. Тутиб олдим кўкрагига пичоқ урдим... Пичоқни қаердан олдингиз дейсизми? У қора бахмал пальто чўнтағида экан, уни қачон кўлимга олдим, қачон пичоқ уришга ахд қилдим — билмайман... Неча марта урганимниям билмайман... Ҳовлидан чиқиб кетмоқчи бўлганимда дарвозага қиз бола суяниб қолганини билдим... Қарасам, у... мен қиз болани пичоқлаб қўйибман...

Судда бир қўшни аёл «кўчада пичоқ кўтариб кетаётганинг» деди...

Кўчага чиқдим... кўлимда пичоқ билан қайтаверибман... Уйимизга етмай йўлда Гулом тоғамнинг уйини босиб ўтаётим «Тоға, Эргашевнинг боласини пичоқлаб қўйдим!» деб бақирдим... Тўхтамадим... Кетавердим... Крандан сув ичдим, ичим ёниб кетаверди, бет-қўлимни ювдим... Уйга етай деганимда тўғридаги чорвоққа қўй ҳайдаб бораётган укам Матлубанинг синфдоши мени кўрибдию уйга қайтиб югуриб кирибди, «Гулсум опам тентак бўб қолбиди!» деб бақирди... Менга қайсидир синглим рўпара чиқди. «Яқинлашма, этигимни олиб чик, мен мелисага бораман» дедим. Олиб чиқди, кийиб тўғри қолхоз идорасига бордим. Ҳеч ким йўқ экан, телефонхонага кирдим.

— Энгельс қолхозиданман, идорадан телефон қилипман... Эргашев Улашнинг бир боласини пичоқлаб қўйдим, — дедим.

— Сиз қаерда турасиз? — деб сўради дежур мелиса.

— Мен — маши идорада тураман, — дедим. Кейин скорийга телефон қилдим — эркак киши олди.

— Сиз айтган адресга скорий кетди, — деди. Мелиса мошини келганда «Менга қўшиб Улашевларни ҳам қаманглар» деб туриб олдим. «Уларни алоҳида олиб борамиз» дейишди... Мени олиб кетишди...

Қамаб қўйишган жойда хушимдан кетибман, скорий келиб уколлар қилибди... Тонга яқин соат 4-5 ларда Собитов терговга қақирди. Сўроқ берадиган аҳволда эмасдим. Бундан ташқари, «Синг-

лимнинг ишини ҳал қилмаганларинг учун мен районга жавоб бермайман» деб айтдим. Ҳеч нарсаси айтмадим. «Областдан терговчи талаб қиламан» деб ёзиб бердим...

Жуда оғир иш бўлди... Тузатиб бўлмайдиган жиноят юз берди. Инкор этмайман — қўлим қонга ботди... Ун уч ёшли қизалоқнинг ҳаётига зомин бўлдим...

Нима дедингиз? «Ўша жиноятга қўл урмаслик мумкин эдимиз?» дейсизми? Мумкин эди! Синглимнинг ўлимига сабабчи бўлганларнинг жазола-нишини истаганим — улар жазоланмади, бир чеккаси сизларнинг журналда ёзилганидек зўрлаш аломатларини аниқлаш қийин бўлгани тўғри-дир, лекин, мана бу ерда неча-неча жиноятлар ҳақида гаплашамиз, эшитамиз — қизни ё аёлни зўрлаш жиноятлари ўн кун эмас, бир неча ойдан кейин ҳам тасдиқланган ҳоллар бўлган экан... Ишқилиб, синглим ўлди-кетди-да... Жиноятнинг давом-чиси мен бўлиб қолганим жуда чакки бўлди... Энг катта гуноҳим — жиноятчидан ўзим қасд олоққа тутиндим!.. Яна пичоқ билан, бегуноҳ қизнинг жони эвазига олибман қасдни!..

Агар прокурор менга кўпол гапирмаганида, сўкиб ҳақоратлаб ҳайдаб солмаганида шундай бўлмасмиди... Лоқақл пичоқ кўтариб кетаётганимни кўрган қўшни аёл «Ҳой, Гулсум, кўзингни оч, қаёққа борясан?» деганида ҳам эҳтимол ўзимга келардим, хушимни йиғардим... Матлуба яшаётган бўлар, мен мана бу ерда ўтирмаган бўлардим... Ўзим қасд олишга интиганим менинг энг катта гуноҳим!.. Кўрпясизми, бир неча фурсатлик ўзини бошқаролмай қолишнинг оқибатини!.. Касофатини?! Ҳаётда бундай жанжалли ҳодисалар оз эмас, низоли воқеалар кўп — шундай дамларда ўзини тута билмаслик фақат ва фақат тузатиб бўлмас фалокатлар олиб келиши мумкинлигини ўз тажрибамда кўриб ўтирибман... Пушаймонман, тавбага таяндим, Матлубага ачиндим, ачинапман... Лекин Дилшодга ким ачинади, бегуноҳдан-бегуноҳ, таҳқирланиб ҳаётдан кетган синглимга куюнадиган одам топилмади-ку!..

Мен қасд олдим деппман, гўё синглимнинг ху-нини атайин — олдиндан ўйлаб, ҳозирлик кўриб

бориб олган бўлиб қоляпман. Тўғри, мен жиноятчиларнинг жазоланишини истардим, лекин бунинг йўлида Матлуба товонга қолишини мутлақо ҳаёлимга келтирмагандим. Билмайман, бунга қандай ишонтариш мумкин... Дилшод ўзини осган бўлса унинг оёғи остига қўйилган тўнкарилган икки челақ, уларнинг устидан кўндаланг тахланган толь қоғоз ўрамадаги панжа изларини текшириб, улар кимга тааллуқли эканини аниқлаш мумкин эди — лоқал шулар ҳам текширилмади, уларни аниқлаш имкони бор эди... лекин мен Эргашевлар уйига бориб ўн уч ёшли қизнинг жонига тажовуз қилишга қасд қилган қилмаганимни фақат пушаймоним ва тавбам билан ишонтаришим мумкин. Шунга ишонмасалар демек, мен қасддан одам ўлдирган бўлиб чиқаман... Шундай тасаввур қолди одамларда, судда.

Эргашевлар суднинг ҳукмидан норози бўлишди, енгил жазо берилди деб Олий судга шикоят ёзишди. Мен эса жазо муддати кўп белгиланди деб норозилик билдирдим. Олий суд иш жараёнини қайта кўриб унда мен оғир руҳий ҳолатда жиноят содир қилганлигим ҳисобга олинмаганини кўрсатди, атайин қийнаб азоблаб ўлдириш ҳаракатлари аниқланмаганини кўрсатди ва менга белгиланган 12 йиллик жазо муддатини 10 йилга туширди.

Мана, жазо муддатини ўтапман, яна саккиз йил ўтиришим керак. Жиноят кодекси моддаларига қарасак, менга барибир жазо ортиқ белгиланган. Мен оғир руҳий ҳолатда жиноятга қўл урганим Олий суд ажримда кўрсатилганидек тасдиқланса, у ҳолда қилмишим 81-эмас, балки 82-моддага кўчирилиши керак эди. У ҳолда менга 5 йиллик жазо муддати белгиланар эди... Бу ёғи нима бўлади, билмадим...

Жиноят ва жазо. Жиноятчини қайта тарбиялаш. Инсоният тарихида энг мураккаб, мушкул муаммолардан бири... Қандай жиноятга қандай жазо — лойиқ? Ушбу воқеада кўринганидек, жабрланувчининг назарида жазо — енгил, жабрловчининг назарида эса жазо — оғир белгиланган. Қайси қишлоғи фожиасида ҳар икки томон жабрланувчи, ҳар икки томон жабрловчига айланган.

Юқорида айтганимдек, мен фожианинг фақат биринчи қисми — Дилшоднинг ўлими ва халқимиз орасида ҳуқуқ-тартибот талабларини, мавжуд қонунчилик шартларини билмаслик, қолаверса жаҳолат устида иш кўриш, ўзгалар умри, ҳаётини ўзиникидек кўра билмаслик фожиаларини бир қадар қаламга олишга урингандим. Қашқадарё вилоят прокуратурасида прокурор Қўшоқов билан суҳбатлашаётим (дарвоқе, у киши «Еш куч»нинг садоқатли муштарийси, талабчан журналхони эканлигидан қувонган эдим) Гулсумга 13 йил қамок жазосини суддан сўраганини эшитиб андак ўйланиб қолган, «қаттиққўллик қилиб юбормаганмисиз?» деб сўраган эдим. «Ахир у оғир руҳий азоб чоғида қилган-ку, жиноятни» дегандим. Гулсумнинг айтишича, суд жараёнида адвокат ҳам

ана шу оғир руҳий танглик ҳолати ҳисобга олинишини суд ҳайъатидан кўп талаб қилган, лекин унинг талаблари ишобатга олинмаган. Уша прокурорга билдирган шубҳамда, адвокат талабларида қисман бўлса-да, жон бор экан, жумхурият Олий суди ўз ажримда қайд этганидек жиноятчининг руҳий ҳолати суд жараёнида ҳисобга олинмаган. Хўш, уни ҳисобга олган Олий суд нега



Гулсумнинг жазо муддатини атиги икки йилга қисқартирди? Қонунчилик тили билан айтганда, нега жиноят 82-моддага кўчирилмади?

Айрим журналхонлар шундай бўлишини очикдан-очик талаб ҳам қилишган? Лекин воқеани батафсил билмай туриб, аҳволнинг ниҳоятда чигаллигини, бўлиб ўтган қонли ҳодисаларга ҳар икки томоннинг ҳозирги муносабатини билмай туриб қатъий бир талабни кўндаланг қўйиш ҳам оғир. Инкор этмайман, ҳатто Гулсумнинг тавба-тазаррусини тўлалигича тўғри қабул қилган тақдиримизда ҳам ёки қабул қилмай айрим ўринларда шубҳага борганимизда ҳам жиноят руҳий танглик чоғида юз бергани кўриниб турибди. Бунга ишонмай иложимиз йўқ. Инсон руҳиятининг билимдони Федор Достоевский ёзганидек «Шундай фавкулда ҳолатлар бўладики, тоқати тоқ бўлган тажани ва асабий одам ҳеч нарсадан тап тормай оғзи келганини очик айтaveraди, жанжал чиқариш пайида бўлади, ҳатто жанжал чиқса хурсанд бўлиб кетади, одамларга ташланади, дилида эса ҳозир бир дақиқадан сўнг ўзимни минорадан пастига ташлайман ва шу билан бутун мушкулликларимни бартараф қиламан, деган муҳкам, лекин қатъий бир интилиш бўлади. Одам бутунлай кучдан қолганда ва заифлашганда одатда шундай бўлади».

Таъбир жоиз бўлса, Гулсум кўлига пичоқ тутган кунлар ана шундай тоқати тоқ бўлган, кучдан қолган, заифлашган эди, менингча... Унинг тоқати тоқ бўлишда, руҳий заифлашишда тергов ва прокуратура муассасалари масъулларининг лоқайдлиги ҳам «ҳисса» қўшган. Бирок Гулсум жиноятининг ҳар қанча илдизларини топмайлик, лекин БОШ гуноҳкорлик юки ҳар қандай ҳолатда ҳам Гулсумнинг шаънига тушaveraди!..

Гулсум тавба тазарру қилмокда, у қилмиши учун пушаймон, айни чоқда биз учун, қолаверса унинг келажаги учун муҳими ҳам шу!.. Унинг тавбасини Улаш ака Эргашев, Матлубанинг онаси тўғри тушунишини истардик... Гулсумнинг жазо муддатини озайтириш ҳақида ўйлаганда Қайси қишлоғидаги бу икки онла ўртасидаги муносабатнинг таранглиги кўз ўнгида гавдаланади, кишининг...

Дарвоқе, кези келганда йил бўйи кўнгилга йиғилган бир мулоҳазани ҳам изҳор қилишга тўғри келади. Қайси қишлоғида рўй берган бу муҳим ҳодиса бевосита Яккабоғ районидаги Энгельс номли мактабга бевосита даҳлдор. Чунки, ака-ука Улашев, марҳумлар — Дилшод Шоймонова, Матлуба Эргашева шу мактабда ўқишган, ўқишгаётган эди, шунингдек Эргашевларнинг отаси Улаш ака эса ушбу мактаб ўқитувчиси. «Ҳақсизлик сиртмоғи»ни ёзиш чоғида шу мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар коллективи иштирокида суҳбат ўтказгандик. Ушанда мактабда ўқув ва тарбия ишлари ўта суст даражада ташкил этилганлиги, қишлоқда, қолаверса колхоз шароитида маърифий ишлар, моддий шарт-шароитлар мутлақо қониқарсиз эканлиги тилга олинган эди. Хўш, ўтган давр мобайнида у ерда қандай тадбирлар ўтказилди? Ишда қанақанги конкрет ўзгаришлар амалга оширилди? Ушбу мактабнинг бир неча ўқувчиларидан келган ҳасратларга тўла мактабларни ҳисобга олмаганда на мактаб ўқувчилари, на Яккабоғ район маориф бўлими, ва на Қашқадарё вилоят маориф бўлими раҳбарияти икки энлик хат-хабар йўллашни лозим топмади.

Энгельс колхоз раҳбарлари, Қайси қишлоғининг оқсоқоллари, фуқаролари! Аҳволингиз қандай, эртанги кунимизда жаҳолатли ҳодисалар юз бермаслиги учун қафолатингиз борми? Орангизда Дилшод, Матлуба сингари бахти қаро қизлар йўқми ишқилиб? Ғазаб келганда ақдан айриладиган Гулсумлар йўқми? Чучук момо ва Улаш Эргашев оилаларидек жаҳолат қурбонига айланишдан сақлай оласизларми бошқа оилаларни? Анвар, сен қардасан? Биз сени жиноятчиға чиқаролмаймиз, лекин, нега барча машама сенга келиб тақалаяпти? Бўлак тенгқурларинг шунақанги фожалар сабабчиси бўлиб қолмаслиги учун нима қилишлари керак? Наҳотки, шунча жанжал-тўполондан сўнг ҳам айтадиган сўзинг бўлмаса?

Нега жимсизлар ахир, яккабоғликлар?!.

Хуршид ДУСТМУҲАММАД,
«Еш куч»нинг махсус муҳбири.

Муаллиф эслатмаси: «Ҳақсизлик сиртмоғи» мақоласи юзасидан редакциямига келган жуда кўп мактуб эгаларининг қуюнчақлик билан билдирган мулоҳазаларини синчиклаб ўқидик, ўргандик. Кўп мактублар эгаларига хат орқали жавоб йўлладик. Дилшоднинг онаси Чучук момо редакциямига келганларида хатларни у кишига ўқиб бердик. Онахон ҳамдардлик изҳор этиб мактуб йўллаган барча муштарийларга миннатдорчилик билдириб, «Ҳеч кимнинг бошига бевақт айрилиқ тушмасин, ҳеч ким фарзанд доғида қуймасин, илоҳим» дея дуо қилдиклар.

Талабалар ётоқхонаси остонасидан ичкарига ҳатлар эканман, йўлакда ўтирган ўрис момога ва фақат талабаларгагина хос муҳитга рўпара бўлман. Момодан Унинг қайси хонада туришини сўрайман. Кампир менга, яъни, нотаниш кимсага тикилиб қараркан, ҳавфсираб яна бир бор бошимдан оёғимгача кузатиб чиқади. Хужжатимни олиб қолиб, унинг хонасини кўрсатаркан «тезда чикинг» деб тайинлайди.

Эшикни унинг ўзи очади. У менга анави момодек ётсираш билан қарамайди. Негаки, суҳбатлашиш учун вақтни аввалдан белгиллаган эдик. Мулойимгина жилмайиб, «келинг» дея хонасига чорлайди. Шинамгина қизлар хонаси. Икки диван. Ишқоф. Эскигина пианино. Стол, унинг устида бир дафтарча ва қалам. Негадир бошқача, сирли бўлиб кўринди у менинг кўзимга. У дафтарчани столнинг четига суриб кўйдида, рўпарамга ўтирди.

Ўткир нигоҳида теранлик! Чарос кўзларида самимиятга аралашиб кетган ўйчанлик жобажо, қалин қоп-қора қошлари ойдек оппоқ чехрасига ярашган бу қиз — ёшлар қалбига ўзининг «Мен сизни азизим...» қўшиғи билан кириб келган ва маҳкам ўрнашиб олган қўшиқчи — Юлдуз Абдуллаевадир.

Юлдуз билан суҳбатимиз турли мавзуларда анчагача давом этди. Бу суҳбатни сиз, азиз муштарийларга ўз ҳолича етказишга ҳаракат қиламан. Эстрада сахнасида айтган қўшиғи уни кўпга танитди.

У қўшиқнинг тарихи ҳақида камтарлик билан сўзлаб берди. Ажабланиб қолдим. Юлдуз шеър машқ қилиб турар экан. Шоира-қўшиқчи!

— Бир куни тортиниб-қимгиниб шоир Қадам Саидмуродовга бир машқимни ўқиб бердим...

Унинг сўзини бўламан:

— Бизга ҳам ўқиб беринг, бўлмасам.

Юзида, кўзларида ҳаё шарпаси сезилади, уялгандек бўлди. Сўнг кўзларига ўйчанлик чўкди. Эҳтирос билан шеър айтмоққа тутинди:

Мен сизни ўйлардим

*Доимо ўйлардим сизни, азизим.
Ўйлардим, мен учун яралгансиз, сиз
Шубҳали хаёллар чангалидан гоҳ
Қутулиб кетардим сездирмай, исзиз.*

Мен сизни сўзлардим,

*Доимо сўзлардим сизни, азизим.
Юрагим акс этган байларимда.
Бир тугён бўлдингиз, бердингиз илҳом
Ҳавасманд шоирлик пайтларимда.*

Мен сизни куйлардим

*Доимо куйлардим сизни, азизим.
Қўшиқларим эди сизга бахшида.
Ҳофиза айлади бу қудрат мени
Қолди ишқ тасвири умрим нақшида.*

Мен сизни севардим

*Ишқ гулзори аро сезардим ўзни.
Фақат куйлашгина қолди изимда
Ҳавасга айланди бўйламоқ сизни.*

Ўқиб бўлди чоғи бир фурсат тин олди. Шеър дунёсини тарк этиб яна суҳбатдошимга айланди. Азиз муштарийлар, шеърга баҳони сиз беринг-у, Юлдуз хикоясини давом эттирсин:

— Қадам ака ўз мулоҳазасини билдирди. Шу шеър туртки бўлган чамаси, кўп вақт ўтмай ўзи ёзган шеърини кўрсатди. Менга ёқди. Куй басталадим. Куйни Дони Илёсов қайта ишлаб берди.

Ҳа, унинг қўшиғига муҳаббат шаробидан маст бўлаётган, соғинчдан кўзлари йўл пойлаган қиз бола қалбининг тугёнлари, эҳтирослари, дардлари сингиб кетган. Хонанданинг ширали овози, куйнинг сеҳри ёш қалбларни ўзига асир қилади. Қўшиқни қайта-қайта, қониб-қониб эшитгинг келади, келаверади.

Бу қўшиқни кўпгина қизларнинг хиргойисидан эшитаман, гоҳида йигитлар ҳам беихтиёр айтиб юборишади. Унинг икки мисрасини сиз ҳам айтиб кўринг-а:

*Кўкка боқиб юлдуз санайман
Гоҳи кеча-кундуз санайман.
Сочларимни минг хил тарайман
Соғинаман, йўллар қарайман.*

Юлдузни кўпчилик эстрада хонандаси деб ўйлайди. Келинг, ўша ўй-хаёллар, миш-мишларга аниқлик киритайлик. Юлдуз Тошкент давлат консерваториясида таҳсил оляпти. Опера бўлимида. У опера санъатига қизиқади ва севади. Ундаги қизиқиш ва севгининг ҳақиқийлигини куйида саволларимга берган жавобиданқ сездим.

— Юлдуз, агар консерваторияда эстрада хонандаси бўлими очилган тақдирда, операни ташлаб эстрадага ўтардингизми?

— Йўқ, асло. Негаки...

Жажжигина қизча ўрта мактабда ўқиган чоғларида шоира бўлишни орзу қилиб юради. Шеърлар машқ қилади, шунингдек қўшиқ айтишни жондидан севарди. Саккизинчи синфдан сўнг, Фарғона санъат билми юртига кириб ўқий бошлади. Класик вокал бўлимида таҳсил олади. Кейин Тошкентга, консерватория даргоҳига келади. Биринчи устози — СССР халқ артисти, профессор Саодат

— Юлдуз, яна эстрадага қайтасан. Ахир уни ташлаб кетмасанми?..

— Албатта. Эстрада соҳасидаги уринишларим иккинчи планда бўлса ҳам, опера билан чегараланиб қолмасдан янада янги, ранг-баранг эстрада қўшиқлари яратиб, мухлисларни шод қиламан деган ниятдаман.

Юлдуз ҳозир консерваториянинг тўртинчи курсида ўқияпти. Эндигина 22 баҳорни қаршилаган толиба учун ҳали ҳаммаси олдинда.

— Кимнинг қўшиқлари сизга ёқади?

— Юлдуз опамнинг қўшиқлари...

«БЕЗОЖОН» ЙЎЛЛАР ҚАРАЙМАН»



Қобулованинг бевосита ёрдами, маслаҳатлари билан биринчи ашуласини айтади. У Аҳмат Бобожон сўзига Ҳамид Раҳимов куй басталаган «Севимли ёрим» ашуласидир. Хонанда уни ҳозир ҳам севиб куйлайди.

Сўнг Анна Васильевна Протасованинг устозлигида «Ойжамол» операсидан Ойжамол, Ш. Гунонинг «Сен марс» операсидан малика Мария арияларини, Брамсинг «Настарин гулидай яшнайди севгим» романслари билан ўз мусиқа жавонини бойтади. Ҳозир Ботир Умиджоновнинг «Ҳажр» лиро драматик асарини тайёрлаётган экан.

— Юлдуз Усмоновами? Нега «опа» деяпсиз?

— Орамизда тўрт ёш фарқ бор. Иккимиз ҳам марғилоликмиз. Унинг изланувчанлиги, майин овози ёқади менга.

Кўзим каттагина кўзгу ёнида осилиб турган икки ўрим сочга тушди. Ҳайратланаман. Юлдуз мендаги ҳолни пайқаб ўзи сўз бошлайди.

— Сочимни кестирганимга анчагина вақт бўлди. Бекорга кесган эканман...

— Қизларимизнинг ҳулқ-атвори, юриш-туриш ҳақида танқидий фикрлар билдириляпти. Сиз бу ҳолга қандай қарайсиз?

У саволимга савол билан жавоб берди:

— Нега қизлар ана шундай аҳволга тушиб қолдилар? Аксарият йигитларимизнинг ҳаёт ҳақида сазё ўйлашларидан, енгил-елпи фикр юрийтишларидан қизлар ана шундай аҳволга тушишмайтимикин? Ахир, қизларни ушлаб турадиган ким? Мен «ушлаб турадиган» йигитлар деганда, кўчада юзини кесиб кетини, нега қора пайпоқ кийдинг деб ҳақорат қилаётган, ўзи эса ахлоқсиз, кўчабезориларни назарда тутмаяпман. Эшитишимча, илгари йигитлар кўча-кўйда қизларни безорилар хафа қилаётганда дарҳол орага тушишаркан. Ёки мен нотўғри эшитганманми?

— Йўқ, нега энди?
— Автобусларда кўп учратаман. Яхшигина кийинган, кўринишидан тупша-тузук йигитларнинг чўнтакка тушаётганини кўриб ўзимни нохуш сезаман. Ён-верингдаги йигитлардан ёрдам сўрашга кўрқасан киши. Ишонмайсан уларнинг ёрдам беришларига.

Ўйланиб қоламан. Юлдузнинг сўзларида жон бор. Бизнинг аҳволимиз шундай бўлгач, қизлар кимга таянсин, ахир?!

Сухбатимиз давом этаверади. Сухбатдошинг самимий бўлса — сухбатга янги маъно, янги саволлар куйилиб келаверади.

— Қандай йигитларни ёқтирасиз?
— Жиддий, босиқ, ўйлаб иш юритадиган, бир сўзли йигитлар...

— Бўш вақтларингизни нимага бағишлайсиз? Зерикканингизда-чи?

— Бўш вақтларимни шеърятга бағишлайман. Зерикканимда эса ёлғиз, одамлардан холи жойларда сайр қилишни яхши кўраман.

— Қанақа овқатни мазали пиширасиз?
— Маставани.

— Яхши кўраркансиз-да, уни?
— Жуда.

— Етоқхонада яшаркансиз, қийналмайсизми? Ўқишингизга, ижодингизга ҳалақит бермайдими?

— Йўқ, ҳалал бермайди. Ижарада яшай олмасам керак. Ҳар ҳолда дўстларим ҳам шу ерда. Бир-биримизга далда берамиз.

— Саволлар мавзусини ўқишга бураман. Бу борада Юлдуз куйиниб гапирди:

— Талаба ярим йилда бор-йўғи икки марта саҳнага чиқади. Чунки машғулотлар хонада, асосан, бир ўқитувчи иштирокида ўтади. Саҳнага чиққач талаба шошиб қолади. Консерваторияда концертлар ташкил этиб турилса қанийди!

— Ўқишдан сўнг қаерда ишлаш ниятингиз бор? У жиддийлашиб ўйга толди.

— Алишер Навоий номили опера ва балет театрига ҳаммани ҳам олишавермайди. Агарда қабул қилинса — операда ишлаш истагим бор.

— Стол устида турган дафтarchага нигоҳим тушиб, Юлдуздан охириги машқларидан ўқиб беришини илтимос қиламан.

— Эшитинг, бўлмасам. Фақат кулманг, бу ҳали қораламаси, — унинг майин овози хонада мусиқадай таралади:

*Аёлларнинг аёз наҳорин
Тарк этгандим сенга ишониб.
Қаёқларда қолдинг баҳорим
Юрагимга атиргул солиб.*

Унинг кўшиғида, шеърда, сўзларида соғинч бор. Бу соғинч замирида тилак, оппоқ орзу бор. У кимнидир, ниманидир кутади. Ширин хаёлларингда ўйлаб кўйган келажак томон интилиш қандай ёқимли-а?..

Ҳайрлашар эканман, сиз азиз муштарийлар номидан Юлдузнинг санъат осмонида ўзига хос юлдуз бўлиб порлаб туришини тилаб қоламан.

Халимжон САИДОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг
3-курс толиби.

Юлдуз Абдуллаеванинг сеvimли кўшиғи
Sevimli ёрим

Кучоқ очиб боғларимга кел, эй баҳорим
Гулга тўлди поёни йўқ азиз диёрим.
Сенинг ёдинг куйлар доим қўлимда торим,
Кел севгилим,

Кел севгилим,
вафоли ёрим.

Кел севгилим сайр этайлик чаман боғларда,
Сенинг учун чаман боғлар, кўркем тоғларда,
Кел севгилим,

кел севгилим,
вафоли ёрим.

Аҳмад БОБОЖОН шеъри.
Ҳамид РАСУЛОВ мусиқаси.

ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Спектакль бошланишидан олдинроқ бошқа томошабинлар қатори фойеда айланиб юрганимда беихтиёр икки кишининг сухбатини эшитиб қолдим.

— Михневич, рус бўлса керак, — деди қизча девордаги суратга қараб. Бу гапни ҳамроҳи ҳам тасдиқлади.

Томошадан сўнг, раққосанинг санъати ҳақида фикрларини айтишни ёшлардан сўрадим.

Бир овоздан Иранинг санъатини юқори баҳолашди.

Мен уни Муқимий театри саҳнасида кўп кўрганман, аммо ҳеч сухбатлаша олмаганман. Бу гал у билан мулоқатда бўлдим.

— Анъанавий бўлса-да, устозларим И. Александров, Р. Курмаев, Р. Ҳожисаитов, Т. Тикоевлар менга рақс сирларини меҳр билан ўргатишди. Тошкент Хореография билим юртини тугатгач, Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали драма театрида ишлаб бошладим. Бу ерда узоқ ишламасам керак деб ўйлардим. Аммо театрининг ижодий коллективи менда катта таъсурот қолдирди. Энди ҳечам кетмайман. Бу ерда раққосалар учун катта имкониятлар яратилган. Спектакллар, концертлар, ранг-баранг номерлар...

Саҳнага биринчи қадам қўйганимда санъат сирларидан деярли ҳеч нарса билмасдим. Устозларим маслаҳатларини бажаришга, ҳар бир нозик ҳаракатларни илғаб олишга тиришардим. Ана шу меҳнатлар натижасида мен ҳам ўз ижро услубимни яратдим.

СССР халқ артисти Г. Измаилова, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артистлар Ю. Исмаилова, Ш. Аҳмедов, Х. Азизовалар маҳоратининг сирларини ўрганишга ҳаракат қилардим. Бошқа миллий рақслар каби, ўзбек миллий рақслари ҳам ўзига хос услубига эга.

Талабалик чоғларимда ўзбек миллий рақслари оддий ҳаракатлардан иборат бўлиб, ўрганиш қийин бўлмайди деб ўйлардим. Рақс сирларини ўрганганим сари, мураккаб нозик ҳаракатларни пайқай бошладим. Осон туюлган рақсларни ижро этиш жуда ҳам қийин экан, — дейди сухбатдошим.

Шарқ рақсларининг бутун сеҳрини, ранг-баранглигини саҳнада жозибали қилиб кўрсатиш учун ҳар кун тинимсиз тер тўкиб меҳнат қилиш керак. Театр режиссери Н. Отабоев айтганидек, у тинмай меҳнат қилишдан чарчамайди.

— Шарқ рақсларининг жозибаси мени мафтун этган. Буларни такрор-такрор ижро этсам-да, уларнинг сеҳрли олаmidан ҳар гал ҳайратга тушаман. Шунинг учун ҳам ўзбекча, тожикча, уйғурча, арабча, ҳиндча, туркча рақсларни севиб ижро этаман. Лекин бари бир ўзбек рақслари сирлари, жозибаси мени ўзгача асир этган.

Ўзбек рақслари ичида эса энг севганим Ҳавохон Азизова саҳналаштирган «Муҳаббат навоси» рақсидир. Хоразмча рақсларни ҳам ёқтираман ва севиб ижро этаман.

«Муножот» рақсини кўрганимда ҳаяжонланганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетади. Келажакда ўзим бу рақсни саҳнага олиб чиқиш орзусидаман, — дейди Ирина.

Иранинг қизиқиши фақатгина хореографик санъати билан чекланиб қолмаган. У жуда кўп ўқийди. А. М. Горький номидаги рус академик драма театрига ва ўзбек драма театрларига бориб туради. СССР халқ артисти Жўрабек Муродов кўшиқларини телевизор орқали доимо кўриб боради.

— Ўзбекистон ССР халқ артисти Дилафруз Жабборова, Маъмура Эргашевалар қатнашадиган бирорта концертни қолдирмай кўриб бораман, СССР халқ артисти Малика Қаландарова ижросидаги рақслардан ҳаяжонга тушаман, — деди Ирина.

Сухбатимиз ўзбек тили муаммоларига келиб тақалди.

— Оз-моз ўзбекчани тушунаман, айримларига жавоб ҳам қайтаришим мумкин. Нотўғри талаффуз қилишдан уялганим учун гапиролмайман. Синфдош-

ларим қатори мен ҳам ўзбек тилини мактабда чуқур ўрганолмадим, чунки мактабда унга ҳеч ким аҳамият бермасди. Ўқитувчиларнинг билим савияси паст эди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига чин кўнгилдан қувонаман. Бироз кечикиб бўлса-да, жуда тўғри қонун қабул қилинди. Энди фақат бу қонун амалга ошса...

Мактабларда жонкуяр, фидойи ўқитувчилар дарс берса. Ҳамма бу маъсулиятни ҳис этса, маданият, дўстлик тили ривожланиб жаmiятга жуда катта фойда келтиради.

Тўғриси айтсам биз дангаса бўлиб қолганмиз. Ахир кўпчилик одамлар уч-тўрт тилни мукамал билдилар. Бундай кишилар фақат ютиб чиқадилар.


Мен ўзбек тилини фақат гаплашиш учунгина эмас, балки, ўзбек санъатини тўлиқ тушунишим учун ҳам билишим жуда зарур. Айниқса рақсда бу муҳим аҳамиятга эга.

Агар ашулаларни эшитиб маъносига тушунмасам, доимо театримизнинг бастакор қобилиятли раққосаси, дугонам Раъно Бешимовадан ёрдам сўрайман. У менга жуда яхши тушунтиради. Чунки сўзларига

РУС ҚИЗИ

тушунмасам қувноқ ва енгил ашулаларга рақсга тушиб мафтун қилишим мумкинми? Асло йўқ! — дейди сухбатдошим.

Муқимий театрига тушганимда Иранинг ўта нозик, ўта жозоба билан ижро этган рақсларини қайта-қайта томоша қилсам-да, унинг маҳорат билан ижро



этган рақсларидан ҳайратга тушаман, олам-олам завқ оламан. Унинг нафис ҳаракатларидан заррача бўлса-да камчилик тополмайсиз. Ўз қалб кечинмаларини сизга жуда талантли мусаввирлардек рақсда кўз олдингизда аниқ намоён этади.

Сеҳрли санъаткор маҳоратини ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлсангиз, марҳамат, Муқимий театрига таширф буюринг!

М. ҒАНИЕВ

ЁЗМА ИМТИҲОНЛАРНИНГ ЯНГИ ТАРТИБЛАРИ

Олий ўқув юр்தларига қабул имтиҳонларининг жорий тартиби ҳозирги кун талабларига жавоб бермай қолгани ҳақида жуда кўп фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, ўзбек тили ва адабиётидан ўтказиладиган иншолар тематикаси бу имтиҳонга тайёргарлик кўраётган абитуриентлардан фан асосларини ўрганиш ўрнига ҳар кимнинг имконияти даражасида топилган мазмунли иншоларни кўчиришни тақозо қилаётгани сир эмас. Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида, Сирдарё, Тошкент, Қозоғистон ССРнинг Чимкент областлари ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги тингловчилар ва бошқа ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлар иншоларга қўйилаётган талабларни тез орада қайтадан кўриб чиқиш лозимлигини тақозо этмоқда. Уйлаймизки, бу мулоҳазаларга жумҳуриятимиздаги минглаб муаллимларгина эмас, балки мактабда ҳақиқий илм олишга интилаётган ўқувчилар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам қўшилсалар керак.

Мактаб ўқитувчилари ёзма ишларнинг тартиб қоидаларини ўзгартириш юзасидан бир қатор таклифлар ҳам билдирмоқдалар. Чунотчи, айрим мутахассисларнинг фикрича, тавсия этиладиган вариантлардаги иншолар тематикасини сон жиҳатдан ошириш керак. Яъни, битта аудиторияда иншо ёзадиган абитуриентга ҳозирги тартибга биноан 3 тадан эмас, балки 10-15 та темадан бирини ёзиб олиш ҳуқуқини бериш лозим. Айрим ўртоқлар қабул имтиҳонларида кўчириб ёзишнинг олдини олиш учун имтиҳон хоналарига ўқувчиларни қаттиқ ўрнатилган назорат остида ўтқазишни, иншо ёзаётган абитуриентларни телекамералар орқали кузатиб туришни таклиф қилмоқдалар. Аммо бу таклифни билдирувчилар фикрига қўшилсак, ўқувчиларнинг асабига етказиладиган катта зарарнинг оқибатини ўйламаган бўламиз. Ахир минглаб абитуриентлар орасида ўта таъсирчан, ҳар бир ноқулай вазиятдан ўзини йўқотиб қўядиган нозиктаъб болалар ҳам бор-ку. Нима учун хиёнат йўли билан ўқишга кирмоқчи бўлганларни назорат қилиш эвазига нозик қалбли боланинг руҳига азоб етказиш зарур экан?! Хуллас, қабул имтиҳонларида ҳолис ҳолатни вужудга келтириш, ижод қилиш шароитини яратиш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни чоқда бу соҳада ҳеч кечикмаган ҳолда кескин ўзгариш яратишнинг зарурати ҳам кундан-кунга аниқроқ аён бўлмоқда. 1989-90 ўқув йилига ўтказилган қабул имтиҳонлари бундан 10-15 йил авваллари авж олган таниш-билишчиликнинг камайишини эмас, балки ортиб бораётганини тасдиқлади. Йиллар давомида қабул комиссияси фаолиятида иштирок этган имтиҳончи-ўқитувчилар ўқишга киришнинг қанчалар ҳолис эканини мандатдан ўтган ўқувчилар тўплаган баҳолар йиғиндисиданоқ билиб оладилар. Қабул баҳоларининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши маълум даражада абитуриентлар билимига қўйилган баҳоларнинг ноҳақ белгиланганидан ҳам дарак беради. Фақат тажрибаси кам бўлган раҳбаргина ўзи бошқараётган институтда мандат баҳоларининг юқори эканидан хурсанд бўлиши, қабул қилинган янги студентлардан келажакда юқори малакали мутахассислар етишиб чиқишига умид билдириши мумкин. Кўп йиллик ҳаёт бу умидларнинг пуч эканини, баҳоларнинг юқорилашиши эса «танишизм» байроғи остида амалга оширилишини кўрсатиб берди.

Эҳтимол, ҳозирги пайтда халқ хўжалигидаги жуда кўп ўлда-жўлдаликни бир неча йиллар аввал ўтказилган қабул комиссияларининг иш-

ларидаги камчиликлардан ахтариш маъқулроқ бўлар. 60-йилларнинг охири, 70-йилларда олий ўқув юр்தларига икки хил йўл билан заиф ўқувчилар қабул қилинди. Хусусан, ижтимоий фанлар факультетига кирувчилар тўртта имтиҳон топширардилар. Мактабдан олинган аттестатдаги ўртача балл конкурс варақасига ёзиларди. Шу пайтларда 23 балл тўплаган абитуриентлар ўқишга киролмаганлар. Аммо олий ўқув юр்தида имтиҳон ишига аралашган биронта мутахассис юқори балл тўплаган ўқувчиларнинг билимига ишонмас эди. Агар менга қолса, ўша йиллари 20 балл тўплаган ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тарафдори эдим. Чунки улар орасида ўзининг ҳақиқий билимини намойиш қилган фарзандларимиз кўпроқ эди.

Иккинчидан, имтиҳонлардан бир амаллаб ўрта баҳо олган абитуриентлар конкурс йўқ бўлган факультетларга одам етишмаслиги учун қабул қилингандилар. Кўряпмизки, ҳар икки ҳолатда ҳам билими заиф, ўқишга у қадар қизиқиб билдирмаган ўқувчиларнинг институтларда ўқиши учун имконият бўлган. Натижада, шифохоналардаги шифокорлар, қишлоқ хўжалигидаги агрономлар, мактаблардаги ўқитувчилар, адлия ва милиция соҳасидаги лавозимли шахслар ўртасида ўртамеёна мутахассислар кўпайиб кетди. Институт ва университетларга ўқишга қабул қилиш тартибида ўзгариш рўй бермас экан, бу ҳолатга чек қўйиш мумкин бўлмайди.

Ўрта мактаблар ва В. И Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида тўпланган кўп йиллик тажрибага суянган ҳолда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўтказиладиган қабул имтиҳонларидаги ёзма ишларнинг янги тартибларини ишлаб чиқдик. Бу тартиб-қоидалар ҳақида университетнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида, ўзбек филологияси факультетининг кафедра мудирлари йиғилишида, университетнинг катта илмий кенгашида ахборот берилди. Шунингдек, улар Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида тингловчилари сифатида иштирок этаётган мактаб ўқитувчилари диққатига ҳам ҳавола қилинди. Ҳали аниқ расмий қарорлар қабул қилинган бўлмаса-да, уларнинг ижобий натижалар бериши мумкинлиги юзасидан бир қатор мулоҳазалар билдирилди. Баъзан мулоҳазалар фикрлар ҳам айтилди. Хусусан, айрим ўртоқлар янги тартибларнинг жорий қилинишига ўрта мактаб ўқувчиларининг тайёр эмаслигини қайд этмоқдалар. Аммо, бизнингча, қачонлардир эскича, халқ таълими ривожланишига ҳалақит бераётган аъноалардан воз кечишимиз пайти келиши керак. Бу фурсат қанчалар тез келса, шунчалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биз таклиф қилаётган тартибларда ўзбек тили ва адабиёти фани асосларини мустақил эгаллаш зарурати алоҳида сезилади. Янги тартиб мезонини шартли равишда тўрт гуруҳ саволларга жавоб бериш орқали белгилаш мумкин. Биринчидан, ўқувчининг кичик шеърини асарини мустақил равишда қисқача таҳлил қилиш малакасига эга экани ёки тавсия этилган тасвирий санъат асари (рангли фото сурат) ҳақида мулоҳаза юр்தа олиши синалади. Иккинчидан, ўқувчининг адабиёт фани программаси бўйича юқори синфларда ўрганилган тема ёки бадий асарини қанчалар ўзлаштиргани, бу соҳадаги мустақил фикрлаши аниқланади. Учинчидан, ўзбек халқи маданий меросининг қимматбаҳо қисми ҳисобланган классик шоирларимиз ижодидан олинган парчаларни қай даражада тушуниши ва уларнинг мазмуни, ифодаланган фикр ва бадияти ҳақида мустақил нуқтаи назарга

эга экани имтиҳон қилинади. Тўртинчидан, ўрта мактабда ўзбек тилидан олган билими (2 саволда) баҳоланади.

Бизнинг режамизга биноан ҳар бир абитуриент алоҳида вариантдаги саволларга жавоб бериши керак. Саволлар эса алоҳида конвертга жойлаштирилган ҳолда ўқувчига тавсия этилади.

Журналхонда таклиф этилаётган тартиб-қоидалар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида тахминий вариантдаги тахминий саволларни эътиборга ҳавола этамиз.

1-вариант

1-савол:

Қўйидаги шеърнинг мазмунини ёзинг. Шоирнинг ифодаламоқчи бўлган мақсади ҳақидаги фикрларингизни ёзма тарзда баён этинг.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.

Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

2-савол:

Ойбекнинг «Қутлуг» қон романида тасвирланган Гуландом фожиаси ҳақидаги фикрларингизни ёзма тарзда ифодаланг. Гуландом фожиаси романининг умумий йўналишига қандай таъсир кўрсатишини баён этинг.

3-савол:

Қуйидаги байтнинг мазмунини насрий тарзда баён этинг. Байт ҳақидаги фикрларингизни ёзинг.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча — пайкон,
гул — тикон,

Даҳр боғи ичра мундоқ гулистоне топмадим.

Луғат:

сарв — тўғри — тик ўсадиған, хушқомат даҳр. Классик поэзияда севгили ёрнинг қомати сарвга ўхшатилади.

пайкон — камон ўқининг учидиған металл. даҳр — дунё, олам, замон, давр. гулистон — гулистон.

4-савол:

Қуйидаги жумлаларда йўл қўйилган имло хатоларини тузатган ҳолда дафтарингизга кўчиринг.

Ўзбек классик адабиётининг йирик намоён-даси Алишер Навоийнинг шеърларида ХУ асрдаги ижтимоий ҳаёт ўзининг бадий ифодасини топган.

Девонда расмий мирза бўлишининг учинчи йилида Анвар жуда катта эътибор қозонган эди. (А.Қ.)

5-савол:

а) гапни дафтарга кўчиринг, аниқловчи вазифасида келган сўзнинг тагига тўлқинли, тўлдирувчи вазифасида келган сўзнинг тагига икита тўлқинли чизиқ чизинг:

Баҳор шабадасида янги очилган ўрик гуллари аста тебранарди.

б) гапни дафтарга кўчиринг, сўзларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини уларнинг тепасига ёзинг:

Маҳдумнинг ҳовлиси уч қават эди.

в) қуйидаги жумлада йўл қўйилган услубий хатони тузатган ҳолда дафтарингизга ёзинг.

Лирик асарлари ва бадий ижодиётда катта тажриба тўплаб шуҳрат қозонган Алишер Навоий ёшлик чоғлариданоқ Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса»си билан танишган эди.

Тавсия этилган тахминий вариантнинг биринчи саволи ўрнига биронта рангли фото сурат берилиши ва ундаги тасвир ҳақидаги фикрларни ёзиш сўралиши мумкин. Саволларга ёзилган жавоблар алоҳида-алоҳида баҳоланади ва ёзма ишнинг сўнггида умумий баҳо чиқарилади. Масалан, 1-саволга — «4»; 2-саволга «3», 3-саволга «4»; 4-саволга — «4»; 5-саволга — «3» баҳо қўйилган бўлса, уларнинг умумий йиғиндиси аниқланади ва бешга бўлинади. Бутун соннинг ёнидаги 5 рақамдан юқориси ўқувчи фойдасига ҳал этилган тарзда умумлаштирилади. Масалан, агар ёзма ишнинг ўртача баҳоси 4,5 чиқса, «5», 4,4 чиқса, «4» баҳо қўйилади. Келтирилган мисолимиздаги баҳоларни жамласак, 18 балл бўлади. Уни 5 га бўлсак, 3,6 рақамга эга бўламиз. Демак, ёзма ишга «4» баҳо қўйилади.

Таклиф этилаётган янги тартиблар асосида олинган машқ, ёзма ишлар талабаларимизнинг мустақил фикрларига ҳаракат қилаётганликларини кўрсатмоқда.

Жумладан, биз талабаларимиздан бирига куйидаги шеърини парчанинг мазмуни (1-савол) ҳақидаги фикрларни ёзишни тавсия қилган эдик:

Юртнинг шоирлари ғаним зотлар каби
Бир-бирин ғажиб есалар.

Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи
Андишани кўрқоқ десалар.

Ёзма жавобда куйидагиларни ўқидик:

«Ушбу сатрларни ўқиб, беихтиёр хаёлга чўмасан киши. Бу ўткир сатрлар муаллифининг кимлигини била олмадим, лекин у ким бўлишидан қатъий назар, менга кўпчилик дилидаги гапни, кўпчилик дардини айтаётгандек туюлади. Мен бу сатрларга қайта-қайта мурожаат қилар эканман, она-Ватаним, Ўзбекистонимнинг бошидан кечирган кунларини, юртим тарихини кўз олдига келтираман. Гўё бу мисралар қайта қуриш ва ошқоралик даврининг мевасидек туюлади кишига».

Тавсия этилган вариантнинг 2-саволида Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидаги Козимбек ҳақида ёзиш талаб қилинган эди. Жавоб куйидагича ёзилган:

«Козимбек ҳақидаги ўйларим. Узи бўйчан, қотмадан келган, қулоқлари бироз шалпанг-роқ врач йигит. Козимбек назаримда оз, лекин топиб гапирувчи, содда, тўғри ва оқ кўнгли йигит. Козимбек ўз даврининг етук инсони, ўз касбига қизиқувчан, қишлоғининг келажакини ўйловчи, ҳақгўй ва ошиқ йигит. Айниқса, бу ёш врачнинг ўз муҳаббати учун курашувчанлиги биз — китобхонлар учун ибратлидир».

Таклиф этилаётган янги тартибларнинг энг муҳим томонларидан бири ўқувчига жуда бўлмаганда мактаб программаси бўйича ўрганиладиган бадий асарларни ўқиш заруратини англашидан иборатдир. Маълумки, ҳозирги кунда адабиёт дарсларида ўтиладиган «Меҳробдан чаён», «Куллар», «Қутлуғ қон», «Синчалак» каби асарларнинг биронтасини ўқимасдан ўрта мактабни тугатаётган ўқувчилар сони кам эмас. Агар синфда, мактабни тугатишда, олий ўқув юртига киришда синов учун олинган ёзма ишларда бевосита бадий асар текстига оид турли саволлар қўйилса, фарзандларимизнинг китоб ўқиши бироз жонланиши табиий бўлса керак.

Албатта бизнинг таклифларимизда ҳали мантиқий якунига эга бўлмаган масалалар бўлиши мумкин. «Ёш куч» журнаlining саҳифалари орқали биз жумҳуриятимизда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс машғулларини олиб бораётган тажрибали ўқитувчиларимизга, кўп йиллардан буён олий ўқув юртидаги қабул имтиҳонларида иштирок этаётган домлаларимизга, қолаверса, ўрта мактаб ўқувчиларига мурожаат қилиб, таклифларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни бизга лутфан ёзиб юборишларини сўраймиз. Маслаҳатларингиз таклифларимизнинг мукамаллашувида биз учун катта ёрдам беришига шубҳа қилмаймиз.

Омонулла МАДАЕВ,
филология фанлари кандидати.

Қайта қуриш шарофати билан газета ва журналлар саҳифаларида эски ўзбек ёзуви алифбоси мунтазам босилмоқда. Улар эски алифбода ёзиш ва ўқишни ўрганишда қўл келяпти. Лекин, табиийки улар қўлланмалар, дарсликлар ўрнини боса олмайди. Қўлланма ва дарсликларга эҳтиёж эса катта. Шунинг учун каттаки, халқимизнинг минг йилдан ортиқроқ давр ичида яратган маънавий мероси — ўлкамизнинг ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини акс этдирувчи адабиёт, санъат, шунингдек, жуғрофия, кимё, ҳандаса, тиббиёт каби қатор фанларга оид асарлар араб тилида ва араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида яратилган. Уларни ўқиб-ўрганиш, билимларимизни бойитиш олдимишда турган муҳим вазифалардан биридир.


Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти «22 сабоқ» номли китоб чоп этиб зўр тўхфа тайёрладилар.

Китобнинг муаллифи шарқшунос, араб тили мутахассиси Дилшод Алиев.

Мазкур рисола уч қисмдан иборат. «Алифбо» қисмида ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш қодалари, шунингдек, эски ўзбек ёзуви ва унинг хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади: араб ёзуви турларидан намуналар келтирилади. Яна амалий машғулотлар берилади.

Китоб «Ёш гвардия» нашриёти ижодий коллективи билан Ҳамза номидаги Фарғона вилояти ижодкор ёшлар маркази ҳамкорлигида чоп этилди.

«22 САБОҚ»



БҮШ ВАҚТЛАРДА

бири. 9. Дам олиш маскани. 10. Фазонинг қуйи қатламларида юзага келадиган сув қатламлари. 11. Тик ўсувчи дарахт.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

12-сондаги кроссворднинг жавоби

1. Қорқиз. 2. Қорхат. 3. «Вақт». 4. Кино. 5. Телпак. 6. Онахон. 7. Ялла. 8. Баҳс. 9. Шамсия. 10. Борлиқ. 11. Австралия. 12. «Саломнома». 13. Эркинлик. 14. Смольний. 15. Минтақа. 16. Иштихон. 17. Оттава. 18. Ҳикмат. 19. Авиация. 20. Манаров. 21. Ҳамал. 22. Капур. 23. Элиста. 24. Чита. 25. Цирк. 26. Глобус. 27. Дастурхон. 28. «Гулузорим». 29. Комедия. 30. Армуғон. 31. Эра. 32. Қор.

Кроссворд

Энига: 3. Баланд тепалик ер. 5. Чирой, гўзаллик. 8. Куй, оҳанг. 10. Эртапишар, барги пилла қурти боқиш учун озиқа бўлган мевали дарахт. 12. Кундалик, иш фаолият. 13. Сарик тўп гулли гиёҳ. 14. Қуёш тикка кўтарилган пайт. 15. Узум ўсимлиги тупи. 16. Бошоқли ғалла экини. 17. Қанотли дўстлар ошени. 18. Ранг-баранг товладиган коинот ҳодисаси. 19. Доривор ўсимлик.

Бўйига: 1. Наврўз айёми таоми. 2. Усимлик гулини чанглатувчи ҳашарот. 3. Бўйни, тумшуги ва оёқлари узун ботқоқлик қуши. 4. Эртапишар сабзавот экини. 5. Ток баргидан қўшиб тайёрланадиган таом. 6. Бир турли попукли ўсимлик. 7. Уруғ ёки қаламчадан униб чиққан ёш дарахт, ниҳол. 8. Меваси шифобахш раъногуллардан



Кул Га Жона

СОЯБОН ЎҒРИСИ

(ҳажвия)

Эрталабдан ёмғир ёға бошлади. Иссиқ ўрнимдан эриниб тураётиб деразадан ташқарига назар солдим. Ёмғир томчилари тунука томни дўмбира қилиб чертапти. Ногаҳон, анчадан бери чанг босиб, қаноти синган қушдай шалпайиб ётган «мажруҳ» соябоним ёдимга тушиб, таъбим хира бўлди. Нонушта устида, хотиним шаҳарга боришимни эшитиб, ўзининг ва қизимнинг бузуқ соябонларини олдими ташлади.

— Адаси, йўл-йўлакай тузаттириб келарсиз, сабил қолгурларни. Ана, қизингиз ҳам ёмғирда соябонсиз ўқишга боролмай ўтирибди, — деди онаси.

Шаҳарга етиб келганимда ёмғир забтига олган эди. Устахонани қидириб топганимча, сувга тушган мушукдай шалаббо бўлдим. Устахонага бош суқдим. Қорин қўйган, мўйловли, пакана уста ўтирган экан. Саломимга эриниб алик олди.

— Уч кундан кейин хабар оласиз, — деди у қўлимдагиларни қабул қилиб.

— Илтимос, уста ака, бугун битказиб беринг, қайтиб кетишим керак, узоқдан келдим, — деб ялиниб-ёлбордим.

...Мажлисга кечикиб мулзам бўлдим, кўп

чилиқнинг орасида. У ердан чиқиб тушлик қилиш учун ошхонага кирдим. Ёмғир ҳамон ёғар эди. Овқатланиб бўлиб, ўтирган жойимда мўлжалдаги ишларни ўйлаб хаёлга чўмиб кетибман. Ёнимдаги бўш стулга башанг кийинган, ёшгина жувон келиб ўтирганини ҳам сезмабман. Бир оз ўтиргач, ўрнимдан туриб беш-олти қадам босганимни биламан, орқамдан кимдир бақиргандай бўлди:

— Ҳўв, амаки, зонтикни ташлаб кетинг!.. Уялмайсизми, куппа-кундуз кунин!..

Ўгирилиб қарасам ҳалиги ёнимда ўтирган аёл туриб келяпти. Буни қарангки, хаёл билан бўлиб, паришонхотирлик устида унинг соябонини қўлтиқлаб олибман. Қани энди, аёлга тушунтира олсам!.. Ҳарчанд узр сўрамай у ортимдан жавраб қолди.

— Ўғирлаб сотади булар! Қаранглар-а, билса ҳазил, билмаса чин деб олиб кетишини!..

Дилим хуфтон бўлиб юриб ишларимни битирдим. Устахонага келдим. Созланган соябонларни қўлтиқлаб ташқарига чиққанимда ёмғир тиниб осмонда қуёш чарақлай бошлаган эди. Автобусга шошилдим. Бекатга келиб юришга чоғланган автобусга чиқиб олдим-да, бир аёлниги ёнидаги бўш жойга ўтирдим. Ўтирдиму, аёл нимадан дир чўчигандек сапчиб тушганини, ён-верига аланглаб жавраётганини кўрдим. У дам афтимга, дам қўлимдаги соябонларга қарар, кўрққанидан нафас ололмас эди.

У мен тушлик чоғида учратган аёл эди...

Инглизчадан Ойбек САИДАҲМЕДОВ
таржимаси.
Тошкент.



Рассом М. УНГАРОВ

Лоф-қофдан келинг!..

Бир лофчи бошқа лофчини бопламоқчи бўлибди:

— Қишлоғимизда шундай қалин қор ёғдики, товукларимиз тепасига чиқиб юлдузларни чўқилаб теришди.

Бошқа лофчи пинагини бузмай, жавоб қилди:

— Шу ҳам қор бўптими? Бизнинг қишлоқда унақасини қиров дейишади.

Бир куни икки лофчи учрашиб қолди.

— Раҳматлик отамнинг бўйи чунонам узун эдики, боши осмонда юрарди, — дебди бир лофчи.

— Ушанда отангизнинг бошлари бирор нарсага тегиб турарканми? — деб сўрабди иккинчиси. Ҳалиги лофчи булутни айтяпти деб ўйлаб:

— Ҳа, тегиб турар экан, — деса, иккинчи лофчи:

— Уша тегиб турган нарса, раҳматлик отам кийган тўннинг этаги эди, — дебди.

* * *

Икки лофчи учрашиб қолди. Бири иккинчисига мақтана бошлади.

— Бир қўл соат олдим, катталиги белоруслар чиқарадиган юк машинасининг гилдирагидек келади. Уйга борсанг, кўрасан, милларига сигир боғлаб қўйибман.

— Жон ўрток, ўша соатдан тўрттагина топиб бер, янги костюм тиктираётган эдим, тугма қилиб қадаб оламан.

* * *

Лофчи чойхонада ҳаммани лақиллатиб ўтирарди:

— Бир товўғим бор, азбаройи худо, бургутдан сал каттароқ. Тухуми тарвуздек келади.

Нариги маҳалладан келган лофчи унга жавоб қилди.

— Ишонса бўлади. Менинг ҳам битта товўғим бор. Ҳозир ишдан келсам, ўша товўғим йўлакка тухум қилиб қўйибди, уйга киролмай қайтиб келаяпман.

Матлуба МАҲКАМОВА тўплаган.

Ҳангомалар

«Саҳий» командасининг моҳир футболчиси Посонов учун жаҳонга машҳур футболчи Пеленинг рекордига етишига 250 та гол камлик қилиб турибди. «Биз Посоновга ишонамиз, у кўзлаган маррасига эришади», — дейишди бу дарвозабоннинг командадош дўстлари.

Узунликка сакраш бўйича 7-болалар богчасининг уч карра чемпиони Лола Турғунова катта спортдан кетишга қарор қилди.

— Яқинда етти ёшга тўламан, шунинг учун бу йил мактабга борсам керак, — деди чемпион қиз босиқлик билан.

У. ЖУНАШАЛИЕВ.
Наманган.

Ҳазил эмас...

Оғиз тўла тилла тиш бўлгани билан тилла гап чиқавермас экан.

* * *

Овқатланишга ўтирганда нафасингни эмас, саломатлигингни ўйла.

* * *

Ожиз кишини туртиб кетишдан эҳтиёт бўл, сени йиқитиб кетади.

Рустам УБАЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент.

Ўқитувчи «кетмоқ» феълени тусланишини ўқувчиларга тушунтирди. «Мен кетаман, сен кетасан, у кетади, биз кетамиз, сиз кетасиз, улар кетади» деб Валтер исмли ўқувчидан сўради.

— Валтер, сен «кетмоқ» феълнинг тусланишига тушундингми?
— Ҳа, тушундим.
— Тушунганингни сўзлаб бер-чи.
— Ҳаммамиз кетамиз... ҳеч ким қолмайди, — деб жавоб қилди Валтер.



Ўқитувчи: — Биздан ой узоқми ёки Москвами?

Ўқувчи: — Москва узоқ.
Ўқитувчи: — Нега бундай дейсан?
Ўқувчи: — Ойни биз кўриб турибмиз, Москвани эса кўрганимиз йўқ.

Биринчи кун дарсдан келган ўғлидан даси сўради.

— Ўқитувчинг сенга ёқдимми ўғлим?
— Йўқ.
— Нега ундай дейсан?
— Чунки ўқитувчимиз билмас экан. У ҳамма нарсени биздан сўраб билиб олмоқда.

Немис тилидан Ўғилой ИСМОИЛОВА ўзбекчалаштирган. Наманган.

Қулоққа чалинган гаплар
«Бу шеърларнинг ҳаммасини ўзим ичимдан тўқидим».

(Ҳаваскор шоирнинг дегани.)

«Кўринмас одам»ни кўриб келяпман?»
(Кинотеатр олдида эшитилган гапдан.)

«Кечирасиз, Қўчқор ака, сизни қассоб чақираётган эди».

(Бозордаги чақириқдан.)


Муҳиддин МАМАНИЕЗОВ.
Сурхондарё.

Россининг таниши композиторга бир киши барча давр ва халқларнинг қийноққа солиш асбобларини йиққанини айтибди.

— Бу коллекцияда фортепьяно борми? — кизикди Россини.

— Қўйсангиз-чи, нима деяпсиз?! — ҳайрон бўлди таниши.

— Демак, у киши музикани тушунмас экан, — деди Россини.



Франц Шуберт қарз берганларнинг таъқибидан қутилиш учун бир куни деразага шимининг чўнтагини ташқарига чиқарган ҳолда илиб қўйди. Бу мени ҳам, ўзларингни ҳам ташвишга қўйиб эшигимни тақиллатиб келманглар дегани эди.

Нодир РАҲМОНОВ тўплаган,
Фарғона.

Мақолга мойил гаплар

Арақ кирган тандан имон чиқади.
Тинч ва тиниқ уйқу — бемор учун дориларнинг султони.
Ҳаром кирган хонадондан файз-барака кетади.
Соғлом одамга ақл, ақллига соғлиқ керак эмас.
Безбетда бет бўлмайди.
Миннатли таомдан ўткирроқ заҳар йўқ.
Ичи қора, нияти бузуқ, дили ва кўнгли эгри одам бошқаларни ҳам ўзидай деб билади.
Тиришқоқ олтин терар.
Кўнгил айтмаса қўл эзмайди.
Ўзининг соясидан кўрққан одамдан яхшилик кутма.
Калтафаҳм, чаласавод ва фаросатсиз одам жамиятнинг куйдиргиси.
Одамзод ёмон кунларини тез унутади, шунинг учун янги ва янада даҳшатлироқ балоларга гирифтор бўлади.
Рўзгордаги тотувлик ва тинчлик — файз-баракаю саломатликнинг гарови.
Номард билан йўл юрсанг сув ичида сувсайсан.
Қўлидан иш келмайдиган одам гийбатга мойил бўлади.
Алдамчи одамдан тухум қиладиган макиён афзал.
Ичи қора одамга эт битмас.
Бекорчилик бошнингина эмас, тошни ҳам кериради.
Мукофотлаш — раҳбариятдан, штатни қисқартириш — куйидан бошланади.
Одамзодда бир ярамас иллат — йиқилгани тегиб ўтиш одаги бор.
Аёлнинг қаҳри — илоннинг заҳри.
Икки шайтон олишса ўртада фариштанинг қанотлари синади.

Ренат РАҲИМОВ тўплаган,
Самарқанд.

ди шу ҳажвия «Еш ленинчи» газетасининг 1989 йил 15 апрель сониди ҳам босиб чиқарилган. Лекин унда муаллиф Қ. Бобоназаров, ҳажвия «Афсона» деб сарлавҳаланган. Мени бу ҳажвиянинг ҳақиқий муаллифи кимлиги кизиқтириб қолди. Биз мактабда бир-биримиздан кўчириб ёзсак «2» баҳо оламиз. Шундан келиб чиқсак юқорида номлари қайд этилган муаллифлардан бирига «2» қўйиш керак.

Нодир БИЙТУРАЕВ,
Тошкент вилояти
Бўка ноҳияси («Коммунизм»
колхозидан.)

Нодирбой! Хўп топиб ёзибсиз, ука. Синчковлигингиз учун раҳмат. Сизнинг номангизни ўқигач ҳар икки ҳажвияни таққосладик. Мутлақо ўхшаш! «Ажабо» деб ёқа тутасан, киши. Марат Шарипов термизлик бўлса, Қ. Бобоназаров қаерлик экани газетада кўрсатилмаган. Бундан қатъи назар, икки киши келишиб олиб бир мавзуда қалам тебратган тақдирда ҳам бу қадар ўхшашлик бўлиши мумкин эмас. Вамисоли эгизак дейсан иккала ҳажви кўриб. Фақат уларнинг номланиши бошқа, ёзувчиси — бошқа. Тўғри ва ҳақли савол туғилади: ким кимдан кўчирган? Башарти М. Шарипов ҳажвияни газетадан олган десак мазкур асарча редакциямизга 1988 йил август ойининг 4-куни келган, «Еш ленинчи»да эса у юқорида айтилганидек 1989 йилнинг 15-апрелида чиққан. Яна таажуб!..

Хуллас, Нодирбой ука, шундай келишайлик: сизни кизиқтирган ҳангомага ойдинлик киритишни ҳар иккала муаллифга қолдирайлик — ким кимга «2» баҳо қўйиш эса виждонга ҳавола!..

Ҳикояни матбуотда эълон қилиш ва виждон хусусидаги сўзимизни шу билан тугатмоқчи эдик, иттифоқо қўнғироқ бўлиб қолди.

— Алло! «Еш куч»ми?

— Ҳа.

— Утган йилнинг ноябрь сонидида Сулаймон Облоқулнинг «Ҳаёт» ҳикоясини ўқидим, менга ёқди.

— Эътиборингиз учун ташаккур.

— Ёқдию, ўша ҳикоя 1983 йили «Ешлик»да ҳам чиққанди-да!..

Ана, холос! Чиндан ҳам «Ешлик» журнали 1983 йилнинг 1-сониди Сулаймон Облоқулнинг қатра ҳикояларига ўрин берган экан. Хўш, редакция-нашриёт ишларидаги машаққатларни беш қўлдай биладиган Сулаймон учун ҳикоячасини такрор босишдан не наф?! Тўғри, у «Ҳикояни қайта ишладим» деб ўзини оқлаши мумкин, лекин авва-

ло, ҳикоя тубдан қайта ишланмаган, қолаверса ҳар қандай тақдирда ҳам у журналда қайта нашр имтиёзини бермайди-ку?!

Синчков ва талабчан журналхон «журнал ходимлари бундай нарсаларга зийрак бўлиши керак» деб таъна қилса бир қадар ҳақли. Бироқ, редакция ходими бутун жумҳурият матбуотида ёритилаётган барча мақола, шеър ва ҳикояларни ёдида тутолмайди. Бунингдек нохуш ҳоллар такрорланмаслиги учун оддий муаллифлик интизоми, одоига риоя этмоқ лозим, холос! Яъни, бир нарсани икки ё ундан ортиқ редакцияга бермаслик, бир жойда эълон қилинган нарсани такрор кўтариб келмаслик, ўзга машқлардан андоза кўчирмаслик!.. Акс ҳолда ижодкор сифатида, қаламкаш сифатида мисқоллаб йиғилаётган обрў-эътиборга путур етказиш ҳеч гап эмас!

Ҳажв қаламингиз ўткирлашсин!

«Кулгихона»га кунда-кунора янги-янги ҳажв, кулги усталарининг машқлари келиб туради. Улар орасида ҳикоя, интермедия, латифа, лоф, нимқайнама гаплар, қулоққа чалинган гаплардан тортиб турфа тиллардан ўтирилган таржималаргача топилади. «Кулгихона» папкаси семириб-семириб ёрилиб кетмасин деган хавотирда улардан саралаб-саралаб баҳоли қудрат журналда эълон қилиб турибмиз. Боғичи бир бирига етмай қолган қорни қапшайган папкаларимизда шундай машқлар ҳам борки, улар баъзан муштарийларимизни қониқтирадиган ҳажв бўлмайди, баъзан ифода қашшоқ, тил тўмтоқ бўлади, аксарият жўн ва дакки, зўрма-зўраки кулдиришга уринишлар учрайди, гоҳо эса журналимиз характериға мос келмайди. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб М. ЖўРАЕВ, М. МАМАНИЕЗОВ, Ҳ. ТОҒАЕВ (Сурхондарё), З. АБДУЛЛАЕВА, Э. ОТАХОНОВ (Фарғона), Ш. ТОҒАЕВ (Тошкент), Ҳ. НИШОНОВ, Р. НУРИДДИНОВ (Самарқанд), М. ХУДОЙНАЗАРОВА (Хоразм), Ғ. АЛИМАТОВ (Сирдарё), У. ОМОНОВА (Бухоро), Н. СОАТОВ (Қашқадарё) машқларидан фойдалана олганимиз боис бизни маъзур кўрадилар.

Редакция

«КУЛГИХОНА» ЭСЛАТМАСИ

Баҳо қўйиш виждонга ҳавола

«Еш куч» журнали ходимлари! Журналнинг 1989 йил 6-сониди «Гўшт дўқонида» деган фантастик ҳажвия босиб чиқарилди (муаллифи — термизлик Марат Шарипов). Худ-

АБЖАД, ТАЪРИХ ВА ДИСПЛЕЙ

Классик адабиётимизнинг рубойи, туюқ, муаммо каби жажжи жанрлари қаторига таърих битиш ҳам қиради. Ҳозир саналар оддий ва бевоқифа — сон билан кўрсатилади. Мисол учун, Лутфий 1366 йилда туғилган, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси 1561 йилда қурилган деймиз. Шарқда ҳижрий саналарни белгилашнинг абжад ҳисобига асосланган бошқа нафис усули ҳам қўлланган. Абжадда араб алифбесидagi 28 ҳарфга сон қийматлари берилди:

ا ب ج د ه و ز ح ط ي ك ل م ن ث ع ف ص
90 80 70 60 50 40 30 20 10 9 8 7 6 5 4 3 2 1

ق ر ش ت س خ ذ ف ظ غ
1000 900 800 700 600 500 400 300 200 100

Бу ерда ҳарфлар тартиби алифбедагидан фарқли (қадимий Финикия алифбеси тартибиди). Эсда тутиш энгил бўлиши учун улар 8 та сунъий сўзга бириктирилади: абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъуфас, қарашат, саҳхааз, зазағ. (Абжад атамаси ҳам шундан).

Дастлаб абжад системаси сонларни ёзишда ва арифметикада қўлланган. Бу ўқувчиға Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» қиссасидан таниш. Ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби ҳақида» рисоласи орқали ўнли санок системаси ва араб рақамлари ёйилгач, абжад таърих санъатига ўрнини топади. Бу санъатда бирор тарихий воқеа ёки шахс билан боғлиқ йилга мослаб шундай жумла тузиладики, ундаги ҳарфларнинг сон қийматлари қўшиб чиқилса, кўзда тутилган йил ҳосил бўлади (табиий, ҳижрий бўйича). Масалан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират ушшуаро» асарида эслатилган «Аббос кушт» (форсча «Аббос сўйди») таърихи яхши маълум. Эски

ўзбек ёзувида бу жумла **عبات كشتن**

кўринишида бўлади. Ҳарфларнинг сон қийматлари қўшилса, Мирзо Улуғбекка суикасд қилинган йил келиб чиқади: $70+2+1+60+20+300+400=853$ (милодий 1449).

Таърихнинг мағзи — жумла кўзда тутилган воқеа билан мазмунан боғлиқ бўлишида, яъни воқеа ҳақида жумланинг ўзи «сўзласин». Мисол учун «Аморати Мир» (қиймати 892) таърихи Алишер Навоий Астрободга амир қилиб юборилган санани билдиради.

Кўп ҳолда таърих фард, қасида, марсиялар таркибиди келиб, қўшимча бадий қиммат касб этади. Навоий вафот этганда унинг шогирдларидан бири марсия ёзган, марсиянинг ҳар бир байтида биринчи мисра Навоий таваллудининг, иккинчи мисра эса вафотининг таърихидан иборат бўлган.

Таърих санъати қачон пайдо бўлганини аниқлаш қийин, лекин XV асрда у Хуросон ва Мовароуннаҳрда жуда ривож топганини кўраимиз. Бу

Алишер Навоий таъсирида умуман маданий ҳаёт юксалгани билан изоҳланади. Хусусан, буюк шоир ва мутафаккир ҳаётдан кўз юмганда замондошларининг Навоийга чексиз ҳурматини қайд қилувчи кўллаб таърих ёзилган, улардан бири ҳатто Навоий умрига мослаб 62 та таърих йиғган.

Ҳозирги адабиётимизда таърих жанрининг ҳолати қай аҳволда? Ўзбек Совет Энциклопедиясида у XIX асргача қўлланган дейилади. Лекин «Шарқ юлдузи» журналида (1989 йил, 6-сон) проф. А. Қаюмов шоир Фурқат вафотига битилган бир неча таърих намунасини эслатди. Ғафур Ғулом, Ҳабибий, Улфат ва бошқа эски ўзбек ёзувини яхши билган шоирлар ўзаро ёзишмаларида таърихга мурожаат қилиб турганликлари ҳам маълум. Шунга қарамадан бу мисоллар УЗСЭ маълумотини инкор қилиш учун, афсуски, етарли эмас. Зеро таърих санъати ҳам маданиятимизнинг бир зарраси сифатида унутилмаслиги керак. Қолаверса, эски ўзбек ёзувидаги қўлёзмаларни ўрганганда, классик асарларни ўқиганда таърих учраган жойни пайқамай ўтиб кетиш ачинарли ҳолдир.

Бошқа томондан «Навоий замондошлар хотирасида» (Б. Аҳмедов таҳрири остида, Тошкент, 1986 й.) сингари ҳозирги алифбеда чоп этилган китобларни ўқир эканмиз, таърих алоҳида кўрсатилган тақдирда ҳам унга мос санани ҳисоблашда қийинчилик мавжуд. Айтайлик, Навоий муҳрдор қилиб тайинланиши муносабати билан айтилган «Мир Алишер муҳр зад» таърихини ҳисоблаш учун бу жумла эски ўзбек тилида қандай ёзилишини билмоқ керак. Акс ҳолда икки ноаниқликка тўқнашамиз. Биринчидан, эски ўзбек ёзувида араб тилида қабул қилинганидек қисқа унлилар тушириб кетилади, қўш ундослар эса бир марта ёзилади. Иккинчидан, араб тилидан кирган сўзларни ёзишда арабча имлога амал қилинадики, унда ўзбек тилида «э» талаффуз қилинадиган тўртта, «с» талаффуз қилинадиган учта, «т» ва «х» талаффуз қилинадиган иккитадан ҳарф бор.

Эски ўзбек ёзувдан лотин, сўнг кириллица асосидаги алифбега ўтилгач, таърих жанри ўз асосини йўқотди. Сўнгги йилларда ёзув, таҳрир ва босма ишларни бажаришга ЭҲМлар жадал суратда кириб келмоқдаки, бу ҳам масалани чуқурлаштиради: уларда эски ўзбек алифбеси эмас, ҳозирги ёзувнинг қ, ғ, х, ў ҳарфлари ҳам йўқ (ҳатто Тошкентда ишлаб чиқарилаётган компьютерларда ҳам). Тўғри, айрим чет эл ЭҲМларида араб ҳарфлари ёки махсус тимсоллар киритиш учун спрайтлардан фойдаланиш кўзда тутилган, ammo бундай компьютерлар камлиги муаммони ҳал эта олмайди. Ҳолбуки, компьютер дисплейи зарур қийматга эга таърих тузишда қулай воқеа бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутиб бу ерда абжад ҳисобига компьютерни қўллаш, уни ҳам эски, ҳам ҳозирги ёзувни «тушунадиган» қилишга имкон берувчи усул таклиф этилади:

а) ўзбек тилида бир хил талаффуз қилинадиган араб ҳарфлари босма ёзув ва ЭҲМда фарқлаш учун махсус белгилар билан таъминланади:

ҲАРФ: **و خ ط ت م ث س ظ ف ذ ز**
 БОСМАДА: **3 3' 3* 3° c c' c* T T'X, X***
 ЭҲМДА: **3 3' 3* 3° c c' c* T T'X, X***

Шунингдек, ў, қ, ғ, ё ҳарфлари компьютерда U', K', G', E' каби таъмирланади;

б) ҳозирги алифбедаги ҳарфларга ҳам сон қийматлари берилиб, абжад ҳисоби кенгайтирилади, масалан, а, о—1; б, п—2 ва ҳ. к. (бу қийматлар қуйида илова қилинган программанинг 40—45 сатрларида тўла берилган, унда ҳар бир ҳарфдан сўнг сон қиймати келади);

в) эски ўзбек ёзувидаги таърихлар ва араб ҳарфларининг шаклига асосланган сўз ўйинлари ҳозирги ёзувда берилганда юқорида айтилган қўшимча белгилар билан ёзилиб, араб имлосида тушириб қолдириладиган ҳарфлар оддий, бошқалари эса қора шрифтда терилади, компьютерда эса қавс ичида тўла ёзув тақорланади. Мисол

учун **كنيز** таърихи

босмада гунбаз¹, дисплейда Г, Н, Б, З (гунбаз) кўринишида бўлади.

Таклиф этилаётган қоидалар эски ёзувимиздаги таърихларни англашни осонлаштиришдан ташқари лозим топилганда ҳозирги ёзувда ҳам қўллашга имкон туғдиради. Илова қилинган қисқа программа жумланинг абжад ҳисобидаги қийматини топиш, зарур сана чиққунча уни дисплейда таҳрир қилиш, ўзгартириш учун қулай. Шу йўл билан академик С. Ҳ. Сирожиддинов таваллудига (1920 милодий) таърих сифатида

«Ажаб саодат эрур чироқ мисол чиқса от» жумласи тузилади. У Алишер Навоийнинг афоризмга айланиб кетган машҳур

«Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур чиқса ахшилик била от» муаммосига асосланган. С. Ҳ. Сирожиддиновнинг республикамиз фани ва маорифини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, кўллаб ёшларнинг математикадаги йўлини чироқ каби ёритгани яхши маълум. Буюк шоиримиз муаммо-байтининг мазмуни домланинг ҳаётига мос бўлишидан ташқари, жавоби ҳам исмига яқин: эски ўзбек ёзувида «саодат» сўзидан «от» (яъни о ва т) ҳарфлари чиқарилса, «Саъд» ҳосил бўлади, таърихдаги «чироқ» (арабча «сирож») сўзи эса атоқли математик фамилиясига ишора.

Абдулла АЪЗАМОВ
профессор

```
10 WIDTH 50:CLS:REM X===== АБЖАД ВА ТАЪРИХ=====
30 DIM H$(42),A(42)
40 DATA A,1,0,1,6,2,0,2,ж,3,4,3,д,4,х,х,5,в,6
41 DATA 4,6,4',6,10,5,3,7,х',8,Т',9,и,10,й,10
42 DATA E,10,3,10,9,10,е',10,к,20,г,20,л,30
43 DATA M,40,н,50,с,60,ч,60,б,70,ф,80,сх,90
44 DATA K',100,р,200,ш,300,т,400,д',500,х,600
45 DATA 3',700,3,х,800,3,х,900,г',1000,,"0
60 FOR I=1 TO 42:READ H$(I),A(I):NEXT I
70 INPUT "ЖУМЛА:";T$:INPUT "ИЗОХ:";W$:S=0
80 L=LEN(T$):IF L=0 THEN 70
90 FOR I=1 TO L
```

```
100 FOR J=1 TO 41
110 IF MID$(T$,I,2)<>H$(J) THEN 130
120 S=S+A(J):I=I+1:GOTO 100
130 NEXT J
140 FOR J=1 TO 41
150 IF MID$(T$,I,1)<>H$(J) THEN 170
160 S=S+A(J):GOTO 100
170 NEXT J
180 NEXT I
190 PRINT$;"АБЖАД К'ИЙМАТИ:";S;"ИЛ"
200 PRINTW$;BOTO 70
```

АНВОР РҲ'МТ АБЖАД К'ИЙМАТИ: 906 йил
 (АНВОРИ РАХ'МАТ-НАВОИЙ ВАФОТИГА БИТИЛГАН ТАЪРИХ)
 АНВОРИ РҲ'МТ АБЖАД К'ИЙМАТИ: 916 йил
 (АНВОРИ РАХ'МАТ-НАВОИЙ ВАФОТИГА БИТИЛГАН ТАЪРИХ)
 ГМБЗ' АБЖАД К'ИЙМАТИ: 772 йил

(ГУМБАЗ-ТЕМУРНИНГ ТАХТГА ЧИК'ИШИГА ТАЪРИХ)
 ГМБЗ'И АБЖАД К'ИЙМАТИ: 772 йил
 (ГУМБАЗИЙ-У'ША ТАЪРИХ У'ЗБЕК ТИЛИДА)
 ББОС КИШТ АБЖАД К'ИЙМАТИ: 853 йил
 (АББОС КИШТ-УЛУГ'БЕК ФОРЖИАСИГА ТАЪРИХ)
 ХРУС АБЖАД К'ИЙМАТИ: 866 йил
 (ХУРУС-НАВОИЙ ДУ'СТИ ТУРШЕЗИЙ ВАФОТИГА БИТГАН ТАЪРИХ)
 АМОРИ МР АБЖАД К'ИЙМАТИ: 892 йил
 (АМОРАТИ МИР)
 АЖАБ САОДАТ ЭРУР ЧИРОҚ'МИСОЛ ЧИҚСА ОТ АБЖАД К'ИЙМАТИ: 1920 йил
 (С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ ТАВАЛЛУДИГА ТАЪРИХ)


АКАДЕМИЯСИ

Утган сонда «Аниқ фанлар академияси»нинг охириги 5 тур топшириқларини эълон қилган эдик. Бу сондан топшириқларнинг жавобларини чоп қилишни бошлаймиз. Масала ва мисолларни қандай ечганлигини шуларга қараб билиб, йўл қўйган хатоларингизни англаб оласиз, деган умиддамиз.


Химия:

1. Кислота оксидини концентранган сульфат кислота, кальций хлорид ва фосфат ангидрид билан қуритиш мумкин. Қолган моддалар CO_2 билан бирикма ҳосил қилади ва шу сабабли уларни бу мақсадда ишлайти бўлмайди.


2. Совуқ эритмалар орасида бўладиган реакцияда куйидаги процесс кузатилади:



Ионли кўринишда:



Эритма қиздирилганда гидролиз процесси кучаяди:



Бу реакцияда бир вақтнинг ўзида чўкма ва осон парланадиган сирка кислота ҳосил бўлиши мувозанатни чапдан ўнгга силжитади.


3. Термик парчаланаш натижасида сув бугидан ташқари иккита газ модда ҳосил бўлиши нитрат кислота тузларининг парчаланishi натижаси деб қараш керак. Қора рангли модда В мис оксид бўлса, реакция учун мис нитрат олинган, бу туз кристаллогидрат бўлиши керак деган хулоса тўғри бўлади:





Ишқор эритмаси орқали А ва Б газлар ўтганда ишқорга ютилади:



Лекин, кислород иштирокида куйидаги процесс бориши керак:



Шу сабабли масала шартда реакцияда ажралиб чиққан кислород (Б газ) эмас, айрим олинган кислород газ устида боради деб тушуниш керак. Қолган реакциялар:



4. Реакция учун олинган ишқор миқдори мўл бўлгани сабабли реакция маҳсулотлари K_2CO_3 ва K_2SO_3 — ўрта тузлар бўлади. Реакцияга

киришган CO_2 нинг моль миқдорини $n(CO_2)$, сульфит ангидридникини $n(SO_2)$ орқали белгилаймиз. У вақтда CO_2 нинг ҳажми $22,4 \cdot n(CO_2)$, массаси

эса $64n(SO_2)$, сульфит ангидрид массаси эса $m(CO_2) = 44 \cdot n(CO_2)$, бўлади. Шу маълумотлардан фойдаланиб куйидаги тенгламалар системасини олаемиз:

$$22,4 \cdot n(CO_2) + 22,4 \cdot n(SO_2) = 0,448$$

$$44 \cdot n(CO_2) + 64n(SO_2) = 1,2$$

Бу тенгламалардан $n(CO_2) = 0,004$ (моль), $m(CO_2) = 0,176$ (г)

$n(SO_2) = 0,016$ (моль) ва $m(SO_2) = 1,024$ (г)ни топамиз.

Компонентларнинг масса бўйича процент миқдори бўлади. $SO_2\% = 85,3\%$

Газларнинг ҳажмлари:

$$V(CO_2) = 0,004 \cdot 22,4 = 0,0896 \text{ (л)}$$

$$V(SO_2) = 0,016 \cdot 22,4 = 0,3584 \text{ (л) бўлади.}$$

$$\%CO_2 = 20\% (0,0896 \cdot 100 = 0,448)$$

Процент ҳисобида:

$$\%SO_2 = 80\%$$

5. А нинг оксидларининг қайтарилиш тенгламасини шартли равишда куйидаги тенглама кўришида ёзамиз: $AO + A_2O_3 + 4H_2 = 3A + 4H_2O$

$$(3Ar(A) + 4 \cdot 16) \text{ ---- } 222,4 \text{ ва куйидаги пропорцияни тузамиз} \\ 22 \text{ ---- } 8,96 \quad \text{ва} \quad Ar(A) = 52$$

топамиз, демак, металл — хром экан, унинг оксидлари CrO ва Cr_2O_3 бўлади. Сарик рангли модда Б олтингургурт бўлади, шунинг учун $1 - CrSO_4$, модда

П эса $Cr_2S_3 \cdot 12$ ёки $Cr_2(SO_4)_3$ бўлади ва

шу сабабли $B - SO_2$, $\Gamma - H_2SO_4$ бўлади. Қолган моддалар:






$D - M \frac{1}{2} CrO_4$ (хроматлар сарик рангли бўлади),

$E - M \frac{1}{2} Cr_2O_7$ (бихроматлар қовоқ рангли бўлади)

$Ж - CrO_3$ бўлади

Тегишли реакция тенгламалари:

Сульфат кислота билан калий бихроматлар аралашмаси — «хром аралашмаси» кучли оксидловчи сифатида лабораторияларда турли реакциялар олиб боришда, лабораторияларда шиша идишларни ювиш мақсадида кўплаб ишлайтилади.



Физика

1-масала.

Берилган: α ; v ; h ; ρ_0 ; S .

Топиш керак: m ?

Ечилиши: Муайян пайтдаги ҳаводаги сувнинг массаси $m = \rho_0 v t$ га тенг. Координата бошига нисбатан вертикал йўналишдаги ҳаракат учун куйидаги тенглик ўринли бўлади.

$$y = 0 + h + (v \sin \alpha) \cdot t - \frac{gt^2}{2}$$

$$t = \frac{2}{g} [v \sin \alpha + (v^2 \sin^2 \alpha + 2gh)^{1/2}]$$

бундан

$$m = \frac{\rho_0 S V}{g} [v \sin \alpha + (v^2 \sin^2 \alpha + 2gh)^{1/2}] \text{ у ҳолда}$$

2-масала

Берилган: $V = 10$ л; $P_0 = 10^5$ Па; $t_0^0 = 20^\circ C$; $m = 3$ г; $t^0 = 100^\circ C$

Топиш керак: $P = ?$

Ечилиши: Берк идишдаги босим Дальтон қонунига асосан ҳавонинг P_1 ва сувнинг P_2 парциал босимларнинг йиғиндисига тенгдир. $P = P_1 + P_2$ Идишдаги жараён изохорик бўлганлиги учун ҳаво босими билан температура орасидаги боғланиш куйидагига тенгдир: $P_1 = P_0 \frac{T}{T_0}$; $P_1 = 1,27 \cdot 10^5$ Па $T = 100^\circ C$ да сув буғининг босими тўйинган сув буғининг босимидан катта эмас, яъни $P_{\text{св}} = 10^5$ Па. Сув бугга айланадиган кейинги босими Менделеев — Клапейрон тенгламасидан топилади:

$P_2 V = \frac{m}{M} R t$ б у е р д а M — сувнинг моляр массаси, у ҳолда $P_2 = \frac{m R t}{M V}$ $P_2 = 0,52 \cdot 10^5$ Па Агар идишдаги сув тўлик бугга айланса, $P_2 < P_{\text{св}}$ бўлади.

Идишдаги умумий босим: $P = P_1 + P_2 = 1,27 \cdot 10^5$ Па + $0,25 \cdot 10^5$ Па = $1,79 \cdot 10^5$ Па

3-Масала

Берилган: $n_1 = 50$; $n_2 = 75$; U ; V ; $3U$

Топиш керак: $n = ?$

Ечилиши: Агар эскалатор тезлиги — V , узун-

лиги — l ва эскалатор ҳаракат қилмаётганда зиналар сони — n бўлса, унда эскалатор тезлиги билан қарама-қарши йўналган бўлса, одам қанча тез ҳаракат қилсада, шунча кам зина санайди. Бизнинг ҳолда эскалатор ҳаракати йўналиши, одам ҳаракат йўналиши билан бир хилдир. Бирлик узунликка тўғри келадиган зиналар сони n/l га тенг. Агар одамнинг ҳаракат тезлиги эскалаторга нисбатан U бўлса, одамнинг эскола-

торда бўлиш вақти $\frac{l}{V+U}$, эскалатор бўйича ўтилган йўл эса $U = \frac{l}{V+U}$ га тенгдир. U ҳолда одамнинг санаган зиналари сони $n_1 = \frac{Ul}{V+U} \cdot \frac{n}{l}$

$$\text{Иккинчи ҳол учун эса } n_2 = \frac{3VL}{v+3v} \cdot \frac{n}{l}$$

Шундай қилиб куйидаги тенгламалар системаси ҳосил бўлади:

$$\begin{cases} \frac{Ul}{v+U} \cdot \frac{n}{l} = n_1 \\ \frac{3UL}{v+3v} \cdot \frac{n}{l} = n_2 \end{cases}$$

ёки

$$\begin{cases} \frac{1+U}{v+U} \cdot \frac{n}{l} = n_1 \\ \frac{3+U}{v+3v} \cdot \frac{n}{l} = n_2 \end{cases}$$

Тенгламаларни V/U га нисбатан ечиб, сўнг содда-лаштирилганда ушбу ҳосил бўлади. $n = \frac{2n_1 \cdot n_2}{3n_1 - n_2} = 100$.

4 Масала

Берилган: $m = 2$ кг; $F_1 = 3$ Н; $F_2 = 4$ Н; $t = 10^0$; $\alpha_1 = 60^\circ$; $\alpha_2 = 120^\circ$; $V_0 = 20$ м/с.

Топиш керак: $a_x = ?$; $a_y = ?$; $v_x = ?$; $v_y = ?$; $\Delta x = ?$; $\Delta y = ?$.

Ечилиши: Жисмга таъсир қилаётган кучлар ўзгармас бўлганлиги учун жисмнинг тезланиши ўзгармасдир.

$$\vec{a} = \frac{\vec{F}_1 + \vec{F}_2}{m}$$

Жисмнинг X ва Y ўқлари бўйича тезланиши куйидагига тенгдир, яъни

$$a_x = \frac{F_1 \cos \alpha_1 + F_2 \cos \alpha_2}{m} = 0,25 \text{ м/с}^2 \quad a_y = \frac{F_1 \sin \alpha_1 + F_2 \sin \alpha_2}{m} = 3 \text{ м/с}^2$$

Аммо $\vec{a} = \vec{v}$ ўзгармас, у ҳолда $\vec{v} = \vec{v}_0 + \vec{a}t$

ёки $\begin{cases} v_x = v_{0x} + a_x t \\ v_y = v_{0y} + a_y t \end{cases}$

Лекин $v_{0x} = v_0$ ва $v_{0y} = 0$ бўлганлиги учун,

$$\begin{cases} v_x = v_0 + a_x t \\ v_y = a_y t \end{cases}$$

Келтириб чиқарилган формулага тегишли сон қийматларини қўйиб, $v_x = 17,5$ м/с; $v_y = 30$ м/с эканлигини аниқлаймиз. Кўчишни куйидаги фор-

мула орқали аниқлаймиз $\vec{r} = \vec{v}_0 t + \frac{at^2}{2}$ ёки координата ўқларидаги проекцияси орқали фодаласак, $\Delta X = v_0 t + \frac{a_x t^2}{2}$ $\Delta y = v_0 t + \frac{a_y t^2}{2}$,

аммо $v_{0x} = v_0$ ва $v_{0y} = 0$ ларни эътиборга олиб, ҳисоблашлардан сўнг, $\Delta x = 187,5$ м; $\Delta y = 150$ м бўлади.

5-Масала

Берилган: ρ ; H ; R .

Топиш керак: $A = ?$

Ечилиши: Бизга маълумки, суюқликка ботирилган жисмга таъсир этувчи кўтарувчи куч ўзгариб боради. Шу кучни енгилда бажарилган иш $A = F_{\text{сп}} \cdot \Delta S \cdot \cos \alpha$ га тенгдир.

Кўтарувчи Архимед кучи F_a жисмнинг ҳажмига тўғри пропорционалдир.

Бизнинг ҳол учун

$$V = \pi R^2 H, F_0 = 0$$

$$F_{\text{чр}} = \frac{F + F_0 - F}{2} = \frac{\rho g \pi R^2 H}{2}$$





Аммо цилиндрнинг ҳаракат йўналишига кўтарувчи куч қарама-қарши йўналганлиги учун $\cos \alpha = -1$, ҳамда $\Delta S = H$ тенглигини эътиборга олсак, кўтарувчи кучнинг бажарган иши бўлади.

$$A = \frac{\pi R^2 H^2 \rho g}{2}$$

Э. НАЗИРОВ
М. ҚУРБОНОВ


Конкурснинг навбатдаги топшириқлари

Куйдаги вазиятларнинг ҳаммасида оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.



Машхур шахмат педагоги бу охириги лекциясини иккинчи Москва халқаро турнирдан кейин, 1935 йил март ойининг охирида ўқиган. Мисолларни аёва шу муболабадан олишдан бежиз эмас.

Богатирчук — Чеховер партияси 14— юришдан сўнг шундай вазиятга келган.




Юриш оқлардан. h4 пьедасы заиф, шунинг учун Богатирчук мубобирона уйнайди. 15. C:d4.

Агар қоралар фарзиларни алмаштира, оқларнинг иши жойида, бордию қоралар 15...Фf4+16.Фd2 Л:h4 17.Л:h4 Ф:h4 уйнаса, 18.С:e5 бўлади ва

уни от билан уриб бўлмайди. Жуда мубобирона ҳамда нафис тузук.

15.Фd7. Богатирчук фарзиларни темп билан уйинга киритмоқчи бўлиб 6. С:e5 17.Л:d8+ в.с.в.18.Фe3 уйини аёва ишлари жойида деб, уйлади.

Лекин тасодиф руй берди: 18...Кf4.



Нималар руй бераётганини англашга ҳаракат қилайлик. Оқларнинг руҳи ва фили дастлабки жойида турибди, ишламаяпти, шунинг учун қоралар тахтаннинг шу қисмида моддий кучлар устуңлигига эришиш (бу ғалати туюлса-де) учун бир сипоҳни берапти. Агар 19...Ф:c5 бўлса, 19.Фf4+ ва қораларнинг руҳи, фарзини ҳамда оти оқлар

шоҳига ёпирилади — масала ҳал бўлади. Буни ўзингиз машқ қилиб кўринг.

19.Фe5 бўлса 19.Фf4+ ва қораларнинг сизиб, отини q5 га олиб боришигиз чиррақ бўлиб қилади.

19...Лa7 20.Кf2 Фb8. 21.Кf3. Меневрнинг узунлигини қаранг! Бешинчи юришдан олти заиф пунктга ҳужум қилади.


21...h 6. Танқидчиларнинг фикрича, 21...Кe8 уйнаш керак бўлиб қораларнинг иши нисбатан яхшироқ эмиш. Мен бу фикрга ишонмайман. Уйини шундай давом эттириш мумкин: 22.Кf7 Крf7 23.Кq5+С:q5 24.fq+Крq8 25.Л:f8+ . Сўнгра 26.Ф:e6 ва қоралар таслим бўлиши керак. Шахматчи позициянинг «мағзи»ни тушуинмоғи даркор.

22.Кq5h4 23.fqК8a7 24.К:17 (Ботвинник сипоҳни олмай, отини ҳам берапти) 24...Крf7. 25. q6+Крq 8 26.Ф:e6+ Крh8

27.Фh3+КРq8. Сf5.

Кf8 29.Сe6+ ва ҳоказо. Фарзин билан руҳ қора шохни мот қилди. Хулоса: тактикани позиция белгилаб беради. Партиянинг тақдири уйин бошида қилинган кўзга чалинмас стратегик маневрларда ҳал бўлган эди.

Мана бу позиция Лименталь-Кан партиясида вужудга келди.



Ботвинник — Чеховер партияси 18- юришдан сўнг ана шундай вазият касб этди. Оқлар улкан позициявий афзалликка эга эканлиги кўзга ташланиб турибди. Ботвинник 19.Кd 1 уйнади.

Бадиий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОҶОВ
Тех муҳаррир:
Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ

«Еш куч» («Молодая смена») — ежесемесный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113. Тошкент—ЧГСП.
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
бош муҳаррир ўринбосари—78-94-67.
масъул котиб — 78-75-94.
масъул котиб ўринбосари, рассом—78-94-73.
Бўлимлар:
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78-85-64.
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат—78-48-85.
хатлар—78-85-64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар кўлэмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Еш куч»— «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Еш куч» — «Молодая смена» март, 1990.


С «Еш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 14.01.90. Босишга рухсат этилди 5.02.90. Р—07271. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108¹/₈. Шартли босма листи 5,6. Шартли буюқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 550162 нусха. Буюртма 2408. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41

Клуб мутасаддиси СССР спорт мастери
М. МУҶИДИНОВ



Юриш оқлардан.

Кўп шахматчилар албатта ҳужум қилиш керак, деб ўйлайдилар. Қоралар оқ шохга, оқлар эса фарзин флангга ҳужум қилишган. Оқларнинг ҳужуми кўчироқ бўлиб қилади. Очилган ли- ниялар оқларнинг қўлига ўтди ва ана шу ҳўлат юзага келди. Оқлар нима қилиши керак? Фарзинни шох флангга олиб ўтиш лозим. Шу нарса амалга ошири биланок ўйин оқларнинг ғала- бачи билан тугайди. Лийенталь 35. С:h4 уйнади. Энди 35...С:h4 бўлса, 36. К:e51 ва ютук (36...fe 37. Фh6+) Биринчи қурбон иккинчисини амалга ошириш учун қилинди. Энг чиройли комбинациялардан саналуви бу ком- бинация жуда оддий ва соддадир.

Редакциядан: «Саргайган саҳифадаги са- боқлар» сарлаҳаси остида берилётган мақолалар туркумининг жўлагани эди. Ле- кин утган илми 10- ва 11- сонларда тех- ник сабабларга кўра диаграммалар чал- қашиб катган экан. Шунинг учун бу сонда 10- сонда босилган «Етминч лек- ция»ни такроран босаялмиз.



ЕШ КУЧ

МОЛОДАЯ СМЕНА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий,
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 3 (45) март, 1990.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир
Худойберди ТҶХТАБОВЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
(масъул котиб)
Шўҳрат АЛЛАМУРОТОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Хуршид ДУСТМУҶАММАД
Мирза КЕНЖАБОВЕВ
Эркин МАЛИКОВ
Латиф МАҶМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Неъмат НОРХОҶОВ
Ҳакимжон ПИРМУҶАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Александр ФАЙНБЕРГ
Пирмат ШЕРМУҶАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Муҳаммаджон ҚОРАБОВЕВ

Бадиий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОҶОВ
Тех муҳаррир:
Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ

«Еш куч» («Молодая смена») — ежесемесный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113. Тошкент—ЧГСП.
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
бош муҳаррир ўринбосари—78-94-67.
масъул котиб — 78-75-94.
масъул котиб ўринбосари, рассом—78-94-73.
Бўлимлар:
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78-85-64.
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат—78-48-85.
хатлар—78-85-64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар кўлэмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Еш куч»— «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.


«Еш куч» — «Молодая смена» март, 1990.

С «Еш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 14.01.90. Босишга рухсат этилди 5.02.90. Р—07271. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108¹/₈. Шартли босма листи 5,6. Шартли буюқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 550162 нусха. Буюртма 2408. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41



Тоғ манзаралари

Сатторжон САТИМОВ сурати



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

«Оқ олмалар», «Илк муҳаббат», «Чаман», «Суянч тоғлари», «Бобо қуёш», «Гордость», «Иссиқ қор», «Решимость», «Садоқат», «Муқаддас аёл», «Белые яблоки» китобларининг муаллифи.

